

Т.А.ХИДОЯТОВ, КАДИРОВА С.А.

ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР ВА ИНТЕРЬЕР

Тошкент 2016

Масъул муҳаррир профессор Коробовцев Г.И.

Тақризчилар:

Профессор Убайдуллаев Х.М.

Профессор Турсунов Х.К.

“Замонавий жиҳозлар ва интерьер” дарслиги олий архитектура мактабида тўртинчи босқич (курс)нинг еттинчи бўлими (семестри)да ўқув режасига мувофиқ ўтиладиган назарий курсни ўз ичига олади. Дарсликнинг мазмуни 1201 “Архитектура” мутахассислиги бўйича тузилган комплекс ўқув дастурининг бўлими ҳисобланган “Интерьер архитектураси” курсининг дастурига тўлиқ мос келади.

Таълимнинг мақсади–талабаларни интерьерни архитектуравий лойиҳалашга тўғри ижодий ёндашишга ўргатишдир. Интерьерни лойиҳалаш унинг умумий масалалари билан узвий боғланган ҳолда турар-жой, жамоат ва саноат объектларининг ҳажмий-режавий ечимларини топиш орқали амалга оширилади. Дарсликда инсон ҳаётининг аксарият қисми ўтадиган қулайлик архитектуравий муҳитни шакллантириш учун интерьерни функциональ ва эстетик ташкил этишда специфик жиҳатларнинг асос қувватлари ролига асосий эътибор қаратилади.

Ушбу дарсликдаги материал талабаларнинг билим доирасини профессиональ савиялар, методлар ва интуиция билан янада бойитиш учун хизмат қилади. Ушбу савиялар, методлар ва интуиция орқали эришиладиган билимлар замонавий турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг ички муҳитини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб (оддий бўлмаган) масалаларни ечиш имконини беради.

бобдан ташкил топган ушбу дарсликнинг структураси архитектуравий кенгликни унинг композицион компонентлари: ёруғлик, ранг, мебеллар, жиҳозлар, фактуралар, пардозлаш материаллари ва шу кабиларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишнинг қонуниятларини кетма-кет очиб бериш асосида қурилади.

Дарслик шундай базали асосга эгаки, унинг мукаммал ўзлаштирилиши бўлачак архитекторларнинг ижодий масалаларни юқори профессиональ даражада муваффақият ечишлари учун ётадир.

КИРИШ

Интерьер ташкил этилган фазовий кенглик сифатида фақат архитектуранинг ажралмас қисми бўлибгина қолмасдан, балки уни архитектуранинг бошланғич асоси деб ҳам аташади. Тарихий тарзда тўпланган тажриба ва ҳозирги вақтдаги воқеликнинг гувоҳлик беришига кўра интерьернинг ечими аввал ҳам бундан кейин ҳам архитектуравий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиб қолаверади, специфик ички муҳитни яратишда турли профилда фаолият юритаётган мутахассислар – технологдан бошлабрасом (мусаввир) ва дизайнерни ўз таркибига бирлаштиришдек вазифани бажаришда етакчилик қилиш роли интерьерга тегишлидир. Интерьер муҳит сифатида ичкаридан қабул қилинадиган архитектуравий шаклнинг эстетик қонуниятларига асосланган ҳолда ташкил этилади. “Интерьер”нинг архитектуравий объектнинг типига (хона; бино ва ҳ.к.) боғлиқ бўлган дифференциаллашган тушунчаси муҳитнинг маълум бир турини (кўринишини) жойлаштиришнинг аниқ усулини белгилашдан иборатдир.

Интерьернинг эстетик шаклланишининг жиҳатларини англаш учун ички муҳит ташкил этилишининг спецификасини чуқур ўрганиш талаб этилади. Замонавий қурилиш сифатини ошириш шароитларида сунъий муҳитнинг нафақат функциональ, балки эстетик томонлари ҳам алоҳида катта аҳамият касб этади. Одамлар вақтининг аксарият қисми ўтадиган интерьернинг ечимига архитектуранинг сифати, унинг специфик мазмунининг қабул қилиниши ва санъат сифатида баҳоланиши ҳам боғлиқ бўлади.

Ички фазовий кенгликни, аниқроғи интерьерни лойиҳалаш зарурий махсус тайёргарликни талаб этади. Бунда “интерьер бўйича” ихтисослаштириш деганда лойиҳалаш жараёнини ташкил этишнинг замонавий жамоа формасидан бевосита амалий фойдаланишга эга бўлган архитектор фаолиятининг зарур соҳаларидан бирини чуқур ўрганиш назарда тутилади.

Интерьер бўйича бажариладиган ижодий ишнинг характери шакл, пластика, ёруғлик, ранг, текстура ва фактура, материалнинг ролини чуқур тушунтириб бера оладиган специфик билимларни талаб этади. Конкрет хона ва улар системасида ҳаётий муҳитни ташкил этиш имконияти ҳақида, ҳар хил типдаги ички фазовий кенгликларни қабул қилишнинг жиҳатлари, уларнинг ўлчамлари ва шакли (формаси) ҳақида, тўсувчи юзалар (сиртлар)нинг архитектуравий композициясининг специфик воситаларива приёмлари ҳақида реал тассавурларга эга бўлиш бўлачак архитекторлар учун жуда зарурдир.

Тасвирий санъат билан биргаликда синтездан фойдаланиш деганда нафақат уларнинг турларини ва уларни бажариш усулларини билиш ҳам тушунилади, шунингдек, интерьернинг образли ечимига органик тарзда киритиладиган мураккаб бўлмаган композицияларни мустақил равишда эскизлаштири олиш бўйича эгалланадиган савиялар ҳам тушунилади. Муҳитда жиҳозларнинг роли алоҳида аҳамият касб этиб, улар интерьернинг бошқа элементлари билан биргаликда композицияга кириб боради. Бу специфик архитектуравий – дизайнерли лойиҳалашда намоён бўлиб, бунда ўзининг хусусий функциональ критерияларига эга бўлган жиҳозлаш предметлари “инсон - предмет” боғлиқлигига жавоб берган ҳолда “предмет - муҳит” деб аталувчи бадиий талабларга мувофиқ келувчи эстетик сифатларни юзага чиқармоғи лозим бўлади. Архитектор ёруғлик ва алоҳида ёритиш воситалари (алоҳида чироқлар) системаси, мебеллар ва мебелларнинг алоҳида типларининг системаси, кўриш орқали қабул қилинадиган информация (ахборот)лар ва уларнинг элементлари системларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашни уддалай олмоғи лозим.

1-боб. Предметнинг мазмуни

“Замонавий жиҳозлар ва интерьер” предмети инсон ва жамоа фаолияти ўтадиган бинонинг ички кенглигини эстетик ташкил этишнинг қонуниятларини очиб берадиган асосий саволлар комплексини ўз ичига олади. Бунда шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, агар турар – жой, жамоат ва саноат бинолари типологик характеристикаларнинг чегаравий ҳолатларига эга бўлса, у ҳолда хоналарнинг функциональ жиҳатлари, табиий – иқлимий шароитлар, замона модаси, аҳолининг турли этник гуруҳларининг ҳар хил урф – одатлари ва миллий ва маҳаллий анъаналари, ижрочилар ва буюртмачиларнинг дидлари ва кўплаб бошқа факторлар билан белгиланадиган жиҳозлар системаси, стили йўналтирилганлик, бадиий безаклар билан пардозлашнинг ўзаро таъсирлашуви орқали ечиладиган ички фазовий кенгликни ташкил этишнинг композицион вариантлари амалий жиҳатдан жуда хилма-хил ва жуда кўп бўлиши бўлиши мумкин. Бундай вариантларнинг ичида интерьернинг муваффақиятли вариантлари билан бир қаторда камроқ муваффақиятга эга бўлган вариантларини ҳам топиш мумкин. Амалиёт шуни кўрсатадики, интерьер ташкил этилишининг юқори сифатига эришиш асосида уларни қуришнинг қонуниятлари ва методларининг принципааль асосларини чуқур билишга асосланган оқилона ёндашувнинг ётади. “Замонавий жиҳозлар ва интерьер” предмети шундай бош назарий база деб ҳам ҳисобланадики, унинг асосида бўлажак

архитекторларда улар эгаллаши зарур бўлган билимлар комплекси, савиялар ва профессиональ (касбий) интуиция шаклланади, бу билимлар комплекси архитекторларга бинолар интерьерини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган мураккаб ижодий масалаларни юқори сифатда ечиш имконини беради. Унда кетма-кет тарзда интерьернинг специфик характеристикалари, турли функциональ вазифалар бажариладиган хоналарда интерьерни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва уни лойиҳалашнинг методик асослари очилиб борилади. Интерьер бадиий индивидуаллигининг диапозони жуда кенг ва у қуриладиган объектнинг қурилиш жойи ва вақти билан белгиланадиган конкрет шароитларга боғлиқдир. Бинонинг интерьери архитектуравий муҳит турларидан бири сифатида ташқи шакл (форма)га ёндашишда бир мунча мустақилликка эгадир. Муҳит тушунчаси асосида ётадиган фазовийлик моҳияти “интерьер” тушунчасига яъни инсон фаолиятининг маълум бир тури учун мўлжалланган чегаравий кенгликка бевосита алоқадордир. Амалга ошириладиган фаолиятнинг характери ва фаолият жараёнида муҳитнинг эстетик нуқтаи-назардан мувофиқ тарзда қабул қилиниши интерьернинг бадиий мазмуни ва композицион ташкил этилишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу ерда турар-жой, жамоат ва саноат бинолари архитектураси ҳақида образли тасаввурларнинг ҳақиқий адекватлиги туғилади. Интерьернинг инсон руҳий ҳолатига фаол таъсир кўрсатиши унинг энг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Мувофиқ келувчи ҳолатнинг ёки рангли гамманинг танланиши инсон руҳий ҳолатига таъсир кўрсатади, масалан, ҳаётий-фаолият жараёнини тезлаштириши, инсон кайфиятини яхшилаши, ўйғатувчан таъсир кўрсатиши ва аксинча юқоридагиларга қарама-қарши бўлган ҳолатларни юзага келтириши ҳам мумкин. Ташкил этилган очик кенгликлар (ҳовли, майдон)га эркин ҳолатдаги табиат пейзажларини фаол киритиш йўлидан ташқари махсус режавий приёмларни қўллаш орқали ҳам ички кенгликни органик тарзда давом эттириш (кенгайтириш) мумкин. Архитекторнинг ижодий англаши орқали туғиладиган ҳар қандай ғоя қатъий равишда унинг томонидан ишлаб чиқилган лойиҳада акс эттирилмоғи лозим. Бу аввалом бор, график тасвирлашга ва ғоя муаллифининг фикрларини аниқ акс эттириш имконини берадиган композицион приёмларга тегишлидир. Лойиҳа таркибига ва лойиҳа материалига умумий тарзда киритиладиган кўрсатмалар, талаблар ва тавсиялардан доимо фойдаланилади. Бироқ, ҳар бир конкрет ҳолда интерьерларни лойиҳавий ишлаб чиқишнинг методикаси ўзига хос специфик жиҳатларга эга бўлади. Ушбу предметнинг махсус бўлимида бино ва иншоотлар интерьерларини лойиҳалашнинг ҳамма жиҳатлари батафсил кўриб чиқилади, уларнинг мукамал ўзлаштирилиши бўлажак

архитекторларни зарурий билим ва савиялар ҳамда касбий (профессиональ) интуиция билан қуроллантиради, эгалланган бу билимлар уларга ўзларининг ижодий фаолиятида учрайдиган масалаларни ечишда асқотади.

§ 1. Қисқача тарихий маълумотлар

Хоналарнинг интелектуални ўрганишда инсон ҳаёти ва фаолияти ўтадиган муҳитнинг эстетик ташкил этилиши ва унинг ривожланишининг характерли жиҳатларини тушуниб олиш архитекторларнинг касбий (профессиональ) фаолияти учун жуда фойдалидир. Илк яъни дастлабки даврлардаги инсонлар ўз ҳаётини табиий кенгликда кечира бошлаганлар, кузатишлар орқали бу кенгликнинг физик хоссалари ва эмоциональ таъсирини сезганлар. Инсон жамияти вужудга кела бошлаган даврлардаёқ унинг бош вазифаси ёввойи йиртқич ҳайвонлардан ва табиий-иқлим шароитларининг ноҳуш таъсирларидан ҳимояланиш мақсадида ўзи учун ташқи муҳитдан изоляцияланган кенгликни яратишдан иборат бўлган.

Инсон жамиятининг бошланғич даврларда асосан табиий тўлалар ва тоғ чўққиларидаги ғорлардан бош пана сифатида фойдаланган, чунки уларга кўпроқ сондаги одамлардан ташкил топган жамоа жойлашиши мумкин бўлган. Бундай жойлар маълум бир даражада қулай ва хавфсиз бўлган (расм...). Кейинчалик тажриба тўпланиши ва оилавий структура шаклланишининг бошланиши билан оддий (примитив) яшаш ячейкалари пайдо бўла бошлади, инсон бу билан маълум даражадаги шинамлик ва қулайликларга эга бўлган маданий муҳит ярата бошлади, энг муҳими бу муҳитнинг ички фазовий кенглигидаги деворлар текислигини йиртқич ҳайвонлар ва ов жараёнини акс эттирувчи расмлар билан бойитиш орқали эстетик комфорт беришга интилишди (расм...). Бир сўз билан айтганда, эстетик сифатларга эга бўлган сунъий моддий шакл яратишга биринчи қадам ташланди. Инсон ҳаёти кечадиган муҳит ривожланишининг кейинги босқичлари ҳар хил ижтимоий-иқтисодий формациядаги регион-



Расм Ғорнинг ички кўриниши. Расмлар туширилган девор текислиги орқа планда тасвирланган.

ларнинг ривожланишининг умумий фонида турли даврларда барпо этилган бинолар инт-ерьерларининг ташкил этилиш ва эстетик шаклланиш принципларининг эволюциясини кузатиш имконини беради.

Дастлаб инсонлар турар-жойларидаги тасвирларда ҳайвонларнинг ва ов жараёнининг реалъ ҳолати (реалъ шакли) чизилган (акс эттирилган, кўчирилган) бўлса, амалий ижоддаги ривожланишнинг кейинги босқичларида эса эстетик нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда сунъий шакллар (формалар) яратила бошланди. Яримфункциональ объектларнинг пайдо бўлиши ва хоналар таркибининг кенгайиши билан бинолар интерьерларини ташкил этиш тушунчаси ички сирт юзаларининг деворий тасвирлар ва безаклар (декорлар) билан оддий пардозлаш рамкасида ташқарига чиқа бошлади, ва энди уларнинг режавий ҳамда ҳажмий-фазовий структураси яратила бошланди.

Миср архитектураси ривожланишининг дастлабки даврларида ички ва ташқи кенгликнинг дифференциаллашувини ва улар орасида бадий –логик боғланишларни ўрнатиш орқали архитектуравий муҳитни ўзлаштиришда биринчи қадам ташланди.

Хоналарнинг алоҳида кенлигидан бошлаб уларнинг ягона функциональ – бадий системага бирлашишини ўз ичига олган ривожланиш йўли ўқли чизиқли ривожланишнинг қонуниятини бўйича кетма-кет равишда босиб ўтилди. Ёруғлик ва рангнинг шакллар (формалар)нинг хоссаларини аниқлашда муҳим ролга эга эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Миср меъморчилигининг инт-ерьерда фазовий муносабатларнинг аниқланиши тўсувчи конструкциялар ва улардаги элементлар архитектуранинг образли намоён қилинишида муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатиб берди. Бунга юзалар пластик ечимининг приёмлари, таянчлар, ҳайкалтарошлик ва бошқа элементларнинг метрик қаторлар асосида жойлашишининг аниқ ритмик тарзда бажарилиши, деворлар текисликларининг ва ҳажмий элементларнинг ўзаро таъсирлашуви тегишлидир. Очик кенгликда турадиган колонна кўркамликнинг (гўзалликнинг) специфик архитектуравий воситаси сифатида конструкциянинг тектоник ва бадий жиҳатдан ўзлаштирилиши ҳақидаги тасаввурларнинг методисифатидаги ордердир. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик (скульптура) ва ранг тасвири архитектура билан органик бирлаштирилишнинг формаси аниқланди. Қадимги Миср меъморчилигида ички кенгликлар эстетик ташкил этилишининг специфик хусусиятларини характерлайдиган иншоотларга Хефрон храми, Луксордаги Амон храми, Дейл-эл-Бахри храми ҳамда тўсувчи конструкциялар ва улардаги безак (декорлар)ни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Хефрон храми. Бу храмда ўзининг шакли билан йўналтирилган ҳаракатни ифодаладиган фазовий кенглик системасининг бадиий жиҳатдан қурила бошланганлигини кузатиш мумкин. Бунда биринчи залнинг кенг кўндаланг фронти поғонали равишда сўниб бориш орқали узун залли ўтиш жойига олиб боради, бу ўтиш залидан ҳаракатланиш ўқиға кўндаланг жойлашган катта ҳовлиға ўтилади. Бу композицияда ҳар бир хона кенглиги шаклидан (формасидан), уларнинг турли пластик ифодаланиш жиҳатларидан, йўналтирилганликнинг динамикаси ва очилиш даражасидан фойдаланилган. Айниқса залнинг ёпиқ кенглигидан контрастли равишда ёрқин ёритилган ички ҳовлиға чиқиш анча самаралидир. Бу иншоотнинг хоналарида алоҳида турадиган устунли (столбали) таянчлар ҳам учрайди. Уларнинг қўлланилши ички кенгликни физик кенгайтиришгава майда хоналарнинг торлигидан ёки уларнинг узун коридорли давомийлигидан чекинишга шарт-шароит ҳозирлади. Устунларнинг (столбаларнинг) киритилиши билан фазовий кенликларни ҳамда уларнинг пластиклигини яратишда, ритмик йўналишда масштабни қисмларни шакллантириш приёмларининг композицион имкониятлари бойитилди. Шаклиға кўра элементар бўлган кенгликлардан ташкил топган бир хилли структуралар анча кўркам бўлган структуралар билан алмашина бошлади. “Поғонали” залнинг устунлари сон бўйича ўсиб бориб, хонанинг марказий ўқи бўйича жойлашади. “Бўйлама” залда таянчларнинг метрик ритми ташриф буюрувчиларнинг ҳаракати ўқ бўйлаб йўналтиради, тақаб қурилган ҳовли галереясида ёпиқ ва очик кенгликлар анча енгил бирлаштирилган. Худди шу ердан бўлғуси портик очик кенглик ва интерьер ўртасидаги оралик звено сифатида ўзининг бошланишини олади.

Луксордаги Амон храми. Кейинги босқич очик кенгликлар ва ҳажмлар массасининг дифференциаллашувидаги анча мураккаб бўлган муносабатларнинг ечимларини белгилаб берди. Янги подшолик даври ички кенгликларнинг архитектураға тўлиқ ўтиши билан ҳарктерланади. Храм биноти ўзининг функцияси ва шаклиға кўра аниқланган кенгликлар қаторининг кетма-кет уйғунлашувини намоён этади. Ички кенгликнинг архитектураси оддий девор орқали намоён бўладиган бинонинг ташқи кўринишиға қараганда беқиёс даражада муҳимроқ бўлган. Бундан фақат кириш томон – пилон мустасно бўлган. Биринчи бўлиб, бундай пухта композицион қурилишда ташкил этилган храм фазовий структураси кўп асрлар давомида канониклаштирилди. Луксордаги Амон храмнинг (1.2 - 7) ташқи ва ички архитектуравий кенгликлари ягона композицион ўққа эга бўлган. Композициянинг бошланиши кириш жойига (оралиғига) олиб борувчи ўзига хос аллеянинг икки томонига сфинкслар ёки қўчқорлар (қўйлар)нинг скульптур (ҳайкалтарошлик) тасвирларининг метрик

ритмининг қисми орқали белгиланган. Пилоннинг етарли даражада узун ва энсиз бўлган оралиғи (проёми) галереяли бўлган катта ҳовлига ўтиш жойинингнинг фазовий кенглик сифатидаги контрастли ифодасидир.

Ҳовлиданочик ва ёруғ осмон кўриниб турадиган кенглик бир-бирига яқин турувчи йўғон колонналар билан кўп сонли майда кенгликларга ажратилган гипостилли катта залнинг ёпиқ кенлиги билан алмашади. Бир мунча кенгайган шаклдаги ўрта ўтиш жойи композицион ўқни ундан кейин жойлашган деворлар билан ташқи муҳитдан изоляция қилинган муқаддас жойга йўналтиради. Храм интеръери пластик композициясининг ривожланиши ундаги муқаддас жойнингмазмунини ифодаловчи ёруғлик





Рис. Храм Амона в Луксоре

нурларининг сирли равишда ҳосил бўлиш жойи бўлган ядрога концентрация қилиниши (бирикиши)да кенглик “сиқилишининг” маълум бир ғоясини ифодалайди. Миср архитектурасидаги хоналар фазовий шаклларининг пластиклиги унинг режавий чегарасида яъни деворлар абрисы орқали ўзлаштирилган; хоналарнинг потолоклари доимо текис ва ясси бўлган.

Дейр-эль-Бахридаги мазорли храмлар. Қадимги подшоликда интеръерли кенглик (иботад храмлари) ташқи муҳитдан изоляцияланган ҳолатда ривожланган, архитектурадаги навбатдаги қадам уларни бирлаштиришга қаратилган бўлиб, томошабинга таъсир кўрсатиш диапозонини кенгайтириш йўли орқали бойитишга йўналтирилган. Дейр-эль-Бахридаги мазорли храмлар **фараон** қудрати ғоясининг архитектуравий воситалар орқали ифодаланадиган анча ингичга бўлган трактовкаси ҳақида гувоҳлик беради: пирамидалар массасининг оддийлиги (примитивлиги) ва бир аҳамиятлилиги ўз ўрнини аста-секин уларнинг ҳар хил уйғунликда бойитилган шаклларига бўшатиб бера бошлади. Бунда иншоотдаги бадиий акценти унинг ички кенглигига яъни интеръерга ўтказила бошланди. Бу эса иншоот ташқи ҳажмининг кескин камайишига олиб келди, уни яқиндан қабул қилиш зонасининг роли ўсди. Очик архитектуравий кенгликлар ўтиш жойиларинингички кенгликларига айланди, улар томошабин эътиборини бош иншоотга қаратишга хизмат қилди. Чегараланган кенгликлар ўзаро

муносабатларининг тартибини аниқлайдиган ягона фазовий ўқ вужудга келди. Ўқ йўналишининг бир томонлилиги ва архитектуравий кенгликлар бирлаштирилишининг тўғри чизиқлилиги, эҳтимол, космологик ғоялар таъсирининг натижасидир балки.


Хоналар гўёки табиатни қамраб олгандек, коинот билан кўринмас ўқ орқали тўғридан-тўғри боғлангандек эди ва шу билан ўзининг ердаги ҳолатини тасдиқлаётгандек туюларди. Космик мўлжал ёки коинот мўлжали сифатида асосан қуёш ботишининг кун ва тун тенглашадиган қишки ва ёзги моменти танланган, баъзида ой ёки энг ёрқин юлдуз ҳолатидан ҳам мўлжал сифатида фойдаланишган. Очiq кенгликка эга бўлган катта ҳовли (интеъер ва табиат ўртасидаги оралиқ сифатида) храм биноси олдига жойлаштирилган. Бош фасад ва кириш жойига ориентирланган узун аллея боғланиш элементи сифатида хизмат қилади.




Расм. Дейль-эль-Бахрихрами

тегишлидир. Очiq ҳолатда турган колонна кўркамлилиқнинг специфик архитектуравий воситаси ва конструкциянинг тектоник ҳамда бадиий ўзлаштирилиши ҳақидаги образли тасаввурнинг методи сифатидаги ордердир.

Асосий ўқ ҳовли терассларига элтувчи ҳайкаллар ва пандусларнинг жойлаштирилиши билан йўналтирилган. Эҳтимол Миср меъморчилиги интерьерда фазовий боғланишларнинг ривожланиши архитектуранинг образли қиёфаси учун тўсувчи конструкциялар ва улар элементларининг муҳим жиҳатларини юзага чиқаргандир балки (расм). Бунга юзаларнинг пластик ечимлари, таянчлар, ҳайкаллар ва бошқа элементларнинг метрик қаторлар асосида аниқ ритмик жойлашуви, деворлар текислиги ва ҳажмли элементларнинг ўзаро таъсирлашуви



расм. Тошли девордагирельеф





расм. Монументаль
хайкалтарошлик (скульптура)



Расм. Колоннада гипсо-

Тасвирий санъат, хайкалтарошлик (скульптура) ва ранг тасвирнинг архитектура билан органик бирикишининг шакли топилган. Маълум бадий образни яратишда ижодий метод сифатида ассоциатив фикр-мулоҳаза юритишнинг тўлақонли роли очиб берилди. Антик архитектурада интерьернинг роли пастроқ эътибор қаратилган бадий-эстетик сифатларданамоён бўлади. Ижтимоий эҳтиёжларга жавоб бериш эвазига маданий ва жамоат биноларининг эркин ички кенглиги ўлчамлари сезиларли равишда кенгайди. Антик архитектуранинг образлилиги гуманистик идеология принциплари асосида қурилди. Бунда оламни бир бутун гармоник система деган оқилона тушунчага таянилди. Ижоддаги гўзаллик, объектнинг бир бутунлиги ва унинг қисмлари нисбийлигининг оддийлиги ва мантикийлиги ҳамда унинг фрагменти ва алоҳида элементидаги аниқлик доирасидан таш-қарида яратилмади. Моддий конструкция ва пардоз (декор)нинг реалистик асосида бажарилган абстракт геометрик формаларнинг гўзаллиги табиатнинг образини, инсон танасининг кучи ва гўзаллигини акс эттирди. Шунинг учун санъат ва айниқса архитектора асарлари маълум математик нисбатлар ва пропорцияларда шакллана бориб, образнинг поэтик кўтаринкилигини таъминлади.

Архитектуравий
образнинг талқини
элли **ёки**
римляниннинг
намоён этилиши
билан иде-альнинг,
ҳақиқат-нинг,
инсоннинг қуд-




расм. Пантеон биноси. А-ички фазовий кенглик, Б- режа. Ички кенгликни сводсимон ёпилмалар билан кенгайтириш анъанасининг мисоли.

ратини ифодалайди. Антик архитектурада фазовий шакл ва пардоз билан ишлаш-да профессиональ приёмлар арсеналида кенгайиш юз берди. Кўп бурчакли, доира (айлана), цилиндр, ярим сфера каби фигуралар асосида яратилган шакллар ва уларнинг пластик характеристикаларининг турли-туманлиги ошиб борди. Кейинчалик шаҳарлар, форумлар, муқаддас ансамбллар, жамоат ва турар-жой биноларининг ташқи ҳамда ички кенгликларини ташкил этишнинг чизиқли-ўқли приёми кенг тарқалди ва ривожланди. Гумбазли ёпилмаларда биринчи бўлиб, марказий-ўқли ташкил этиш ўзлаштирилди. Ягона ички кенгликнинг мураккаб структурасининг приёми ишлабчиқилди, бу структура ўзароперпендикуляр ўқлар асосида бири-бирига боғлиқ бўлган гармоник элементлардан ташкил топади. Бу билан “оқиб ўтувчи” кенгликлар принципига асос солинди. Ўзаро кесишадиган чизиқли ўқлар (икки ўқли) асосидаги системага бирлаштириладиган хоналар каторидан ташкил топган бинонинг мураккаб структураси юзага келди. Бу ерда бадиий гўзалликка (кўркемликка) турли фазовий шакллар юқори қисмларининг гармоник уйғунлашувининг эффекти билан эришилади. Тўсувчи конструкциялар (тўсиқлар) юзасини қайта ишлашда классик ордерли система яратилди. Бу системада массалар ва кенгликларнинг нисбатлари одам танаси қисм-ларининг масштабига асосланган ҳолда олинади. Ордердан конструкциянинг тектоник образи сифатида фойдаланилади. Интерьер пардози (декори)да юзани безаклар билан тигис тўлдириш аниънаси кўзатилади. Рим архитектураси ривожланган даврда тўсувчи конструкцияларнинг ҳамма элементлари композицион қайта ишланишга дучор бўлди ва улар ҳар хил пластик ва рангли приёмлар билан уйғунлаштирилди.

Интерьер санъати ривожланишнинг навбатдаги босқичи ўрта асрлар даврига тўғри келади. Бу даврда Рус ва Ғарбий Европа архитектураси фаол ривожланди.

Ушбу давр биноларининг интерьерлари архитекторларнинг маданий бинолар образларининг ёрқин индивидуаллигини аниқлашда олиб борган изланишларининг умумий таъсири остида шаклланди.



расм. Антик Римда интерьернинг етакчилик қилиш аҳамияти



Черков бош жамоат биноси сифа-тида шаклланди, у фақатгина вазифасининг аҳамиятига кўра биринчида турган худога сиғиниш жойи бўлибгина қолмай, балки давлат ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим ҳаракатлари: - ибодат қилиш, зиёрат қилиш, даъфн этиш маросими, тантанали йиғинлар, никоҳ ва кўплаб диний ҳамда тантанали ижтимоий маросимларни ўтказиш жойига айланди. Буларнинг ҳаммаси интерьернинг образли қурилишини ташкил этишда эътиборга олина бошланди.

XI-XII асрларда Русь давлатида черков биноларини тиклашда уч апсидли бўлган учнефли (- расм...) бино типидан кўпроқ фойдаланилди. Марказий неф ён томонлардагига қараганда кенгрок қилинди, бундай ёндашув ҳажми катта бўлмаган, олти аксарият ҳолларда тўртта устунга эга бўлган черковлар учун жуда муҳим эди. Черков биноларидаги рангли гумбазларнинг устки марказига крест белгиси туширилган ўрнатмалар қўйилди. Гумбазлар тагидаги кенгликка (бўшликка) аркали тўртта устун билан қамраб олинган амвон ва фахрий ўрин-жойлар жойлаштирилди, бу кенгликнинг режадаги эни 9-5 метрни, устунларнинг гумбаз остигача бўлган баландлиги 21-11 метрни ташкил этади. Интерьер кенглиги хоналар параметрларининг марказга томон ўсишида вертикаль йўналишда горизонтальдагига қараганда устунроқ ривожлантирилди.

XVI асрда ёрқин архитектуравий образлар яратиш бўйича олиб борилган ижодий изланишлар мемориаль монумент сифатидаги қатор черков биноларининг яратилишига сабаб бўлди.

Православ храмидаги тўсиқ конструкциялар юзаси композицион приёмларида ўрта крест ва гумбаз акцентига йўналтирилган Византия анъаналари кузатилади (- расм). Бу жойда ҳам деталларнинг пластик қайта ишланиши, шаклларнинг гуруҳланиши, рангли тасвирларнинг фаоллиги ўсди.

Храм ичидаги деворлар черковли тож бўйича диний мазмунни ифодаладиган сюжетли тасвирлар билан безатилди. Тошдан ишланган тўсувчи конструкциянинг массивлиги ва таянчлар умуман олганда интерьерга оғирваззлилик таъсуротини беради, айниқса фазовий кенгликнинг кичик ўлчамларида бу жуда тез ҳис қилинади (сезилади). Шунинг учун дераза ораликларининг аркали пропорцияларида, тасвирлар композициясида вертикаль йўналишлар устунликка эга бўла бошлади.




Рис. Средокрестие церковного зала собора св. Софии в Киеве, XI в. (вид на купол)

Черков залининг чегараланган ёруғлик шароитларида пластик шаклларнинг контурларини ва тўсувчи конструкцияларнинг деталлари – аркалар, устунларнинг қирралари, архивольтлар ва шунга ўхшашларни юзага чиқариш приёмидан фойдаланилди. Шунингдек, контурли полосалар шаклларнинг ритмлигини ва масштабини юзага чиқарувчи, қўшимча қисмларга ажратиш ролини ҳам бажаради (-расм). Расми ва ранги бўйича шартли бўлган рангли тасвирларнинг характери текисликда конструкцияларнинг тектоникасини бузмади, балки унинг геометрик шакллариининг ичига чизилди. Фигураларнинг тасвирланиши уларнинг йириклиги бўйича кенгликнинг композицион марказигача ўсиб борди. Бундай тасвирлар византияча анъаналарда кузатилади, улар олтин рангли фон билан мозаикада ишланган.




Рис. Декоративная пластика и живопись в галереи храма Василия Блаженного, ХУ1в.(контурные полосы выполняли роль до-

Интерьернинг чизилишини амалга ошириш кийин бўлган, айтарлик даражада катта бўлмаган Псков храмларида ва ёғочдан ишланган черковларда иконалардан фойдалана бошлашган, ўнча баланд бўлмаган алтарли перегородкаларга уларни бириктириб гурухлаганлар. Кейинроқ, XVIасрда бу прецедент черковларда кенг иконостикани яратишга хизмат қилди. XVII асрнинг устунсиз храмларида иконостас деворий рангли тасвирни четга суриб, кенглик композициясининг рангли кульминацион акцентига айланди.

Ўрта асрлар даврида Рим маълум сиёсий ўзгаришлар таъсири остида Европанинг диний маркази статусини олди. Бу даврга келиб Рим епископлари католик динининг формаси бўйича догматик кўринишлар системасини ишлаб чиқишди, бу системада фазовий структура сифатида антик базиликадан фойдаланишди. Католик черковларининг ривожланиши учта: дромонча, романистик, готик босқичларни ўз ичига олади (расм).

Дромонча босқичдабазиликанинг мавжуд бўлган структураси қўлланди, лекин унинг шарқий қисмининг интерьериди алтарли апсидлар анча фаол юзага чиқди. Баланд ўрта неф тўғри алтарьга қараб интилди. Бу “варвар” даврдаги бинолар қўпол тошли деворларнинг тикланиши билан брпо этилди, уларнинг интерьерига қаратилган очик турган нефлари ёғоч конструкциялар билан тўсилди.

Кейинги босқичда монастирли черковлар қурилиши асосида романистик стиль яратилди. Бу даврда адабиётшуносликда ва хорли ашулада рўй берган




Рис. Романский храм Сен-Серен в Тулузе. XI-XII в. А –

жараёнлар катта аҳамият касб этди, бундай тадбирлар храм залининг шарқий қисмида олиб борилар эди. Ибодат қилишнинг ва динга сиғинишнинг ўсиб бориши диннинг ишончли аргументи сифатида кўп сонли аҳолини черковларга етаклай бошлади. Эҳтимол, бу стильда ички кенгликнинг физик кенгайиши (узунлиги 50...70 м; баландлиги 16...20 м) унинг шаклий коррективировкаси билан рўй бера бошлади: марказий қисм уч нефли структурага айлантирилиб кенгайтирилди, хор

атрофида кенг

айланиш йўлакчаси (алтарь ва унинг олдидаги жой) ташкил этилди. Интерьер умумий кенглигининг структурасида кириш жойидан алтаргача ўтган марказий ўқ етакчилик ролини бажарди. Марказий неф цилиндрик сводли том ёпилмасига эга. Фазовий шакл (форман)нинг динамикаси неф пропорциясининг узунлик (бинонинг бўйи) ва баландлик бўйича ўзайтирилган ҳолати ҳосил қилинган.

Готик стильда қурилган соборлар **дерзновенли** ижодга мисол бўлади. Ундаги кенг ёруғ фазовий кенгликлар (узунлиги 75 115 м; баландлиги 30 40 м) интерьерга жуда хосдир. Черковдаги урф-одатлар чирканч сирли иллатлардан ҳоли бўлган. Адабиётшунослик церемонияси (мушойира) кенг қамровга эга бўла бошлади ва кўп сонли ихлосмандларни ўзига жалб этди.

Романистик черковларнинг тўсувчи конструкциялари сиртларининг асоси аркали перемычкалар билан бириктирилган мустаҳкам таянч устунлар, ташқи деворлар, цилиндрик ва крестик сводларнинг конкрет шаклларида ташкил топган массивли конструктив структурани намоён этди. Интерьерга кириб турувчи тошнинг табиий оғирлиги инсон томонидан ҳис қилинди, бу оғирлик Роден ҳайкалининг (скульптураси)нинг образли қиёфасига босим






Рис. Готический собор в Реймсе, XIII в. А-Разрез, Б-

ўтгазгандай эди. Икки аср давомида тош сиртининг аста-секин пофиллаштирилиши, сайқалланиши, ўймакорлик санъати билан пардозланиши ва безатилиши яъни бир сўз билан айтганда уни қайта ишлаш йўли билан девор конструкцияси оғирлигининг анча камайтирганлигини кўз орқали кўриш билан ҳам сезиш мумкин эди. Деворлар юзасига тасвирланадиган пластик мавзу ордер элементларининг ўзига хос бадиий ишланиши билан яратилди. Асосий конструкция учун ордерли система анча декоратив ҳисобланилди. Бир вақтнинг ўзида ордерли элементлардан функциональ деталларни ажратишда, аниқроқ қилиб айтганда, галерея проёмларини, кириш жойларининг проёмларини рамалаштиришда ва жиҳозларни ажратишда ҳам фойдаланилди. Антик даврдан фарқли ўлароқ, бу даврда ҳар бир деталь ўз мазмун-моҳияти ва пропорцияси бўйича умумийликнинг тегишли қисми бўлиб, унда деталь ўзининг тектоник жиҳатдан ифодаланишида ва пропорциядаги шаклига кўра етарли даржада мустақил эди. (1.17-расм). Ордерли мавзу факатгина тўсувчи элементларни ягона бадиий кўринишда ташкил этишда ёрдам берди холос. Фазовий кенгликлар ва текисликларнинг вертикаль ва горизонталь бўйича қисмларга ажратилиши турли катталиқдаги ордерлар билан белгиланди, ажратилган қисмлар ритмик қаторларга киритилди ва маълум кема-кетликда бирлаштирилди.



Расм. Католик храм интеръеридаги декор: А-готик собордаги своднинг пластикаси, Б – XIIIаср, монастыр капитули залининг интеръери, В – готик соборидаги своднинг пластикаси.

Нефлар ёнида турган колонналарга таянган ярусларнинг аркадалари архивольтлар билан рамалаштирилди. Бош нефнинг кўндаланг йўналишида ҳамма яруслар орқали ўтадиган столбаларга баланд ингичка устунлар марказий своднинг аркаларини кўтариб туриши учунқўшма тарзда қурилди.

Фрагментдан бошлаб бутунгача, кичигидан бошлаб каттасигача бўлган ритмик қаторларнинг қурилиши фазовий шаклларнинг динамикасини мустаҳкамлади, унинг масштабини ифодалади. Деворларнинг ҳаётийлигига қайта ишланган тошнинг турли пластика ва фактураларини қиёслаш орқали эришилди. Капителлар, архивольтлар, балюстрадаalar каби масъулият билан ёндашиш талаб этиладиган композицион жойлар анча рельефли қайта ишланди. Умуман олганда, пластикли тасвирларнинг ингичка рельефли силлиқ юзаларда яхши акс эттирилиши туфайли бу силлиқ юзалар Романстик стильда етакчилик қилди. Готик соборининг интерьеридagi характерли енгиллик, кўп томонлама тўсувчи юзаларнинг пластик трактовкасига боғлиқ бўлган. Каркасли конструкцияда тошли масса бекиёс даражада камайди. Марказий неф тўсувчи конструкциясининг битта вертикаль фрагментининг майдони юзасининг фақат тўртдан бир қисмигина масса билан тўлдирилган холос, қолган қисмларини эса арка проёмлари, трифория ва ойнали юзалар ташкил этади. Ингичка устунлар тўдасидаги столбаларнинг сайқаланганлиги таянчларнинг ҳақиқий катта йўғонлигини яшириб туради. Устунлар тўдаси асоснинг битта базасидан бошланган. Тўдадаги четки устунлар тармоқланган ва архиволтларга туташган, ўртадагилари эса сводгача давом этган ва ўзларининг нервюрлари билан бириккан ҳолда потолокда тур (сетка) ҳосил қилган. Чизикларнинг узлуксиз ягоналиги бутун текисликни қамраб олган ва барча тўсиқларга таъсир қилувчи енгил кучланишларнинг тектоник тақсимлишини таъминлайди ва юк таъсирини устунлар тўдаси орқали пойдеворга узатади. Интерьернинг умумий бус-бутунлиги аркаларнинг стрелчатли якунланишининг ягона характерига эга, барча аркали шаклларнинг ҳар бир абрисидан бошлаб, уларнинг баландлиги ва энининг ўхшаш пропорциональ нисбатлари билан, тахминан 3:1 нисбатда қабул қилинади. Юза фактурасини ишлаб чиқишда силлиқ, профилировка қилинган ва ўйма нақшлар туширилган тошларнинг кенг диапозонидан фойдаланилади. Ингичка ёки юпка тошли переплетларга (ёпиштирилган тошли полосалар) эга бўлган витражларнинг рангли ялтироқ (ёритилган) юзалари интерьерга алоҳида ўзига хос енгиллик беради.

Био ва иншоотлар интерьерларининг ривожланиш тарихида Европада бошланган янги замон (XV-XIX асрлар) архитектураси анча сезиларли ва ўчмас из қолдирди. Бу давр жамиятнинг ижтимоий ҳаётида капиталистик иқтисодий муносабатларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Шунгача бўлган беш аср давомида бадиий стилли изланишларнинг умумий асосини антик архитектура тажрибаси ва унинг ордерли системаси ташкил этди. Бундай ҳолат XV-XIX асрлар архитектураси учун “ўтмишдаги антик архитектура” деб номланган умумий атама (термин) билан ифодаланади.

Архитектура тарихида бу давр бир нечта босқичлар билан боғланган, бу босқичларда ўзига хос фазовий характеристикаларнинг ишлаб чиқирилиши билан улар бир-биридан фарқланган ва бу характеристикалар ренессанс, барокко, классицизм ва эклектизм стилларида аста-секинлик билан бир-бирларини алмаштирган ҳолда намоён бўлган. Архитектурада антикликнинг қайта туғилишини образли гўзалик (кўркемлик)ка эришишнинг умумий бадиий принципи сифатида тушуниш мумкин.

Бой яшаш уйи қайта туғилиш давридаги иншоотларнинг етакчи типига айланди. Хусусий уй яшаш ва кўплаб ижтимоий функцияларни бажариш билан билан уй эгасининг ижтимоий характеристикасини белгилайдиган мулкка айлана борди. Уйда қабул қилиш хоналари, девонхона, баллар ўтказилиши ва артистларнинг чиқишлари учун заллар, картинали ва ҳайкалтарошлик (скульптуравий) галереялар ва шунга ўхшаш хоналар жойлаштирилди. Яшаш уйининг яъни турар-жой биноси функциональ мазмун-моҳиятининг мураккаблашиши унга мос келувчи фазовий структуралар ва унинг бадиий ечимини қидириб топиш учун туртки бўлди. XV аср ўрталарига келиб, Италияда шаҳар палаццосининг кўп сатхли структураси аниқланди, унда хоналар гуруҳи учта қават бўйича

пuxта зоналаштирилди (1.18-расм): - биринчи қаватга фаолият юритиш бўйича қабулхоналар ва

ишлаш хоналари;

иккинчи қаватга –

тантанавор

хоналар: - заллар,

кабинетлар,

капелла; учинчи

қаватга эса

ойлааъзолари ва

хизматкорларнинг

ётоқхоналари

жойлаштирилди.





Рис..Пример структуры палаццо стиля Возрождения. Дворик палаццо Гонди во Флоренции. А-интерьер двора, Б- разрез

Структурани қисмларга ажратишда хоналар ўртасидаги ўзининг функциональ ифодасини тўлиқ топмаган анфиладли функциональ боғланишлар принципи олдинга сурилди, ҳовли деярли ўзининг бир-бутун структурасини ҳосил қилган бўлиб, у икки ўқли ёки марказий ўқли композиция принциплари асосида курила бошланди. Шакли ва ўлчамлари билан ажралиб турувчи марказий фазовий кенглик композиция ядроси сифатида хизмат қила бошлади.

XVII асрдаги баракко бадий принципларининг таъсири ўзига хос тарзда палаццо структурасининг шаклланишида ўз аксини топди (1.19-расм). Функциональ жиҳатдан мустақил ҳажмий-фазовий гуруҳлар бўйича хоналарнинг кардиналь чегараланиши рўй берди, бунда хоналар тантанали, хизмат кўрсатувчи, яшаш хоналарига гуруҳланди.

Композицион – фазовий ядро тантанали хоналар гуруҳини ташкил этди, улар бош ўққа нисбатан симметрик тарзда жойлаштирилди. Турли фазовий

шаклдаги звенолардан ташкил топган бу гуруҳ хоналарининг занжири томошабиннинг ҳаракатланиши давомида очилиб берди.

Бинонинг интеръерида алоҳида хоналарнинг “давомий” чизиқ (линия)лардаги овал, эллипс, деворларнинг эгри чизиқли бурчаклари ва плафонлар ҳамда бошқа фаол пластик шакллари (формалари) муҳим роль ўйнади. Шакли (формаси)нинг динамиклиги (ўзгарувчанлиги), зинапоя йўлак (марш)ларининг турлича уйғунлашуви, ҳаракат йўналишининг алмашинуви ва оғмалиги (горизонталь текисликка нисбатан оғиш бурчаги)нинг катталиги билан ажралиб ту-





Рис. Пример структуры палаццо стиля барокко. Палаццо Барберини . А - фрагмент итеръера, Б –парадная лестница, В – план здания

рувчи “тантаъновар” зинапоялар ҳаракатланиш рамзи сифатида алоҳида муҳим аҳамият касб этди. Зинапоялар мавзусига оид савол ва масалалар баракко стилида архитектуравий нуктаи-назардан жуда яхши ечилган ва ҳаттоки у бадий ҳайкалтарошлик (скульптура) даражасигача етказилган.

XVIII асрда Францияда вужудга келган классицизмнинг стили йўналиши айниқса Россияда ўзига хос жиҳатлари билан ёрқин намоён бўла бошлади. XVIII асрнинг иккинчи ярмида рус архитектурасида усадбалар, саройлар ва шу каби иншоотлар кўп ўқли принципи асосида лойиҳаланди ва уларнинг қурилиши фазовий структуралар ташкил этишнинг кўп ўқли принципи асосида катъий симметрик схема бўйича қурилди (1.20-расм). Бош ўқ бўйича жойлаштириладиган марказий хоналар гуруҳи алоҳида ривож топа бошлади. Асо-

сий фазовий кенгликларни кетма-кет бирлаштириш анъанавий портикни ташриф буюриш хонаси (вестибюль) орқали асосий залга бириктириш орқали бошланди. Зарур бўлган ҳолларда бу занжирга “тантаъновар” зинапоялар ҳам киритилди.

Хоналарнинг ўлчамлари ҳаракатланиш меъёри бўйича ҳаракатланишнинг кўпайишини ҳисобга олиш билан оширилди (катталашди) ва улар бош фазовий ўқ йўналишига мос яъни устма-уст тушди. Ён томонга ўтиш бош ўққа перпендикуляр йўналишдаги ўқлар бўйича амалга оширилди. Структурани ташкил этишда уйғунлашувчи шакллар, айниқса, тўғри бурчакли ва циркулли чизиқли (силлиқ эгри чизиқли) классик шаклларнинг мантиқийлиги ва қатъийлиги муҳим аҳамият касб этди.

Умуман олганда, бу даврда барпо этилган биноларнинг ҳамма интерьерларида пластик қайта ишлаш асосини антик ордер ташкил этади. Биноларга архитектуравий кенгликнинг-тантаъноворлик, монументаллик, бежиримлик, оддийлик ва шунга ўхшаш маълум образли эмоциональ сифатларини бериш мақсадида меъморлар томонидан девор юзасининг декоратив-тектоник композициялари танлана бошланди. Беш аср мобойнида ордернинг шартли тушунчаси рамкасида унга бўлган муносабат бир неча марта ўзгарди. Декоратив-тектоник трактовка (ренессанс) очикчасига безатиш трактовкаси баракко, эклектика сифатида қайта туғилди ва унинг тектоник моҳиятини ифодалайдиган (классицизм) дастлабки позициясига максимал яқинлаштириш билан қайта қурилди.

Ренессансли палаццо интеръери характеристикасида “таннавор” хоналарининг композицияси муҳим роль ўйнади, улардан ҳар бири тантаворкенг заллар қаторига етарлича автоном ҳолатда кириб борди. Образли характеристиканинг очилиши залнинг тематик номланиш қондасини вужудга келтиришга замин ҳозирлади (сенаторлар зали, икки юз кишилик зал ва ҳ.к).композицион ишлаб чиқишга деворлар ва потолок (шифтлар) ҳам киритилди. Плафонлар архитектуравий-пластикли асарларни ўзида намоён этди, уларнинг юзаси скульптурли рельефда геометрик фигураларнинг мураккаб тури (сеткаси)да бажарилди, бундан ташқари бу юзаларга жонли орнаментлар ва фигураларнинг тарвирлари туширилди. Тантавор хоналарнинг деворлари антик анъана асосида сюжетли картиналар билан безатилди.

Баракко ордер принципи сифатида шаклларнинг фазовий кўркемлигини ошириш масалаларига бўйсунди ва унинг динамиклигини белгилайди. Ордерли элементлар бу ерда девор ва потолокни ритмли-пластикли ташкил этишнинг воситасига айланган, улар горизонтал ва вертикаль ҳаракатланиш бўйича композицияни ривожлантиради.

Мустаҳкамлаш мақсадида ҳажмий колонналар ўрнига деворнинг сиртки юзаларига пилястрлар шакллантирила бошланди ва ундан кейин тўсувчи деворларга ўйиб киритилган тахмонлар иллюзия (яхши кўриниш) яратиш учун киритилди. Бу эффектни янада кучайтириш учун ранг-тасвир (жонли тасвир) ва ҳайкальтарошлик санъати (скульптура) жалб қилинди. Девор сиртидан чиқиб турувчи ҳажмларнинг скульптур тасвирланиши олдинги предметли планни фиксациялайди. Баракко стилида интерьер, аввалом бор, шакллар ва рангларнинг байрамона атмосферасини яратади. Ранглар архитектуравий деталларнинг олтин рангдаги тонлари, жиҳозларнинг элементлари ва рангли матоларда иштирок этади. Плафон ва деворлардаги кўп сонли рангли тасвирлар тигис контрастли уйғунлашганлиги билан ажралиб туради. Агар ренессан системасида эркин атмосферада шакллар аниқлик билан яратилган бўлса, баракко системасида эса ички ҳажмларнинг фазовий нисбатлари, юзаларнинг динамик пластикаси, шаклларнинг ритмик-такрорланиши кўпроқ намоён бўлади.

Рококо стилининг қисқа вақтли гуллаб-гуркираши асосан XVIII асрнинг 20-40 йилларига тўғри келиб, бу стиль Франциядаги аристократик сарой интерьерларидаги санъатда кузатилади. Модали приёмлар сифатида (кўринишида) рококо стили Германиядаги саройлар ва черковларга сезиларли равишда ўз таъсирини кўрсатди.

Ушбу стилнинг характерли декоратив хусусиятлари яшаш интерьери учун шинамлик келтирмаган классицизмга бўлган қаршиликда намоён бўлди. Биринчи марта ордерли системаларнинг тектоник канонларидан чекинилди ва соф принциплар юзага келди. Нозик, мажбурий бўлмаган образларга асосланган шаклларнинг хусусий “тили” ишлаб чиқилди, бу образлардан флора (ўсимлик) олами-нинг рамзи сифатида фойдаланилган.




Рис. Стиль Борокко. Зал дворцовой библиотеки. Циммерман. ХУ11 в.




Рис. Стиль Борокко. Зал дворцовой библиотеки. Циммерман. ХУ11 в.

Орнаментлар расмларининг нозиклиги, абрисларнинг оқувчанлиги, текисликларнинг биридан-иккичисига енгил ўтиш ва уларнинг тектоник аниқланмаганлиги оғир массаларни иллюзион жиҳатдан бартараф этишга шарт-шароит яратди. Безакларга қўмилган катта тош-ойнали юзалар билан пардозланган деворларнинг енгиллиги ва ўтказувчанлик хоссаси афсонавий иллюзияни реалликка айлантирди. Мебель, картиналарнинг рамалари, чироқларнинг шакллар билан безатилишининг умумий декоратив стилга киритилиши интерьерда ўзига хос бадиий муҳитни яратди.

Декоратив-тектоник восита сифатидаги ордерли системадан фойдаланишнинг кўп асрли прецеденти тахминан XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб ўзини йўқота бошлади. Тўсувчи конструкцияларнинг декоратив-ордерли композициянинг методини кенгайтиришга ўринишган меъморлар охир-оқибат очик безатиш (пардозлаш) йўлига ўтишди. Дастлаб стилизация маълум “стиль” остида антик ордерли ва бошқа архитектуроник системалардан фойдаланиш имконини берди. Образ ечимининг тасвирий воситалари асосида конструктив-фазовий шакл эмас, балки соф декоратив-сюжетли шакл ётади, масалан, Мисрча хона, помпейчаошхона, Петровский зали, Аполлон зали ва ҳ.к.

Кейинчалик ижоднинг эклектик шакли одат тусига кирди, ўзининг ажойиб турли-туманлиги билан қамраб олувчи бу шакл тобора кенгайиб бораётган қурилишнинг эҳтиёжларини қондира бошлади. Деталлар ва элементлар компоновкаси, қоидага кўра, ортикча юклатилганлиги ва ўта бойитилганлиги туфайли кучланганлик ҳолатини бошидан кечиради. Декор стили аксарият ҳолларда унинг вазифасига муносиб равишда юзага чиқди: - антик стиллар-сиғиниш, фан, инсонпарварлик ва сахийлик, қисман бойликни ифодалаган ҳолда қўлланилди. Бу стиллар бўйича музейлар, кутубхоналар, шифохоналар, банклардаги хоналар пардозланди. Шарқона (Мавритон, хитойча, японча) стилларга савдо заллари, ھаммомлар, масжидлар ва шунга ўхшаш кўплаб биноларнинг интерьерларига бежиримлик ёки хотиржамлик бағишловчи таъсурот бериш каби вазиятларда мурожаат қилинарди. Россияда давлат, сиёсатга оид бўлган қурилишчун русча, византия ва готик стиллар танланар эди.


XIX асрнинг охирларида Европа қитъаси мамлакатларида янги архитектурага ўтишда кескин бурилиш содир бўлди. Вақт ўтиши билан рационалистик анъаналар янги конструктив системалар, самарали қурилиш материаллари ва қурилишда ишлаб чиқаришнинг ва уни ташкил этишининг янги методларининг ихтиро қилинишига олиб келди.

Архитектуравий асарларнинг шакл ҳосил қилувчи асоси эстетик талқинларни олиб ташлашга эмас, балки функция, материал ва шаклнинг органик боғланиши ҳақидаги ғояларни олдинга сўриш билан юзага чиқди. Бунда ин-

соннинг тўлақонли ҳаётий фаолият юритиши учун функция тушунчаси оптимал психологик иқлим шароитига янада кенгроқ киритила бошланди.

Архитектура ривожланишнинг бу даври, айниқса, янги йўналиш-модерн стилининг киритилиши билан алоҳида характерланади. Бу стиль янги архитектуравий йўналиш сифатида биринчи бўлиб, аввалги анъаналар билан бўлган алоқаларни ўзди ва “замонавий” архитектуранинг вужудга келишига замин тайёрлади. Бу йўналишда иншоотларнинг янги типлари (кўргазмалар, савдо-сотиқ бинолари ва бошқалар)ни яратишда функциональ-технологик ташкил этиш жараёнлари ҳал этувчи таъсир кўрсатди. Универсаль дўконлар, банклар, вокзалларнинг заллари кенг ва ёруғ қилина бошланди, вокзаллардаги перронлар ва йўловчиларнинг ўтиш жолари, вагонларга чиқиш олдидан тўрадиган жойлари ойна билан қопланадиган металдан ишланган сводлар билан тўсилди. Элементларнинг ўзаро бўйсинишини талқин этадиган чизиқли-перархик принципи ўрнига фазовий архитектуравий ташкил этишнинг асоси сифатида композицияда элементларнинг тенг бўлиш мумкинлиги ҳақидиги хоналарни мантиқий-функциональ гуруҳланиши тўғрисидаги таъсуротлар кириб келди (1.25-расм). Янги материаллар: - металл, ойна, керамика ва интерьерни пардозлаш бўйича бошқа материаллардан фойдаланиш доираси принципиаль кенгайди.

Модерн стилида декор (пардозлаш, безаш)нинг икки тури мавжуд. Биринчиси- “функциявий”-конструктив ва утилитар элементлар билан:




расм. Пухта режавий структурали
бинонинг намуни. Роттердамдагибиржа (режа)

дераза ва эшиклар проёмлари (оралиқларини)ни рамалаштириш, зинапояларни тўсиш, потолокларнинг фермалари ва конструкцияларининг таянчлари билан ифодаланади. Уларнинг шакллари (формалари) бадий-пластик ва рангли ечимларнинг вариацияси учун асос сифатида қўлланилди. Декор (пардозлаш,

безашнинг) иккинчи тури-бу тасвирий, график ва ранг-тасвирдан иборат бўлиб, улар ёрдамида девор, потолок, деталларнинг ташқи сирт юзалари безатилади. Орнамент одатда текисликка тасвирланиб, унинг фактураси ривожлантирилади ёки ташқи пардоз сифатида намоён бўлади, ҳамма ҳолларда (вазиятларда) модерн декори устунликка эга бўлган равишда орнаментлидир ва у архитектуравий муҳитнинг ягона стилистик бус-бутунлигини тасвирлашга йўналтирилган.


Тўсувчи конструкциялар текислигининг композициясида битта ёки ҳар хил материаллар (штукатура, ёғоч, тош, метал, ойна ва ҳ.к.) фактурасининг контрастли таққосланиши фаол қўлланилди. Рангли уйғунлаштириш ҳам бойитила борди, бундай уйғунлаштириш қуйидаги ранглар: **лилово-кулранг**, **кўк-лилово**, **лилово-оч кизғиш**, яшил-кулранг, **оливковли**, **фисташковья** гаммаси қўлланила бошланди.




расм. Мебеллар ва эшикларнинг биргаликдаги стилистикасига мисол

Қурилиш материали бадиий восита сифатида ҳам кенг қўлланди. Муҳитнинг бадиий бус-бутунлик ғояларининг кейинги ривожланиши жиҳозлар, турмушда фойдаланадиган предметларда стилнинг қўлланиш талабларини бажаришда номоён бўлди.

Ўтган асрнинг 20-йиллари архитектурасида аниқ геометрик шаклларнинг уйғунлашувига асосланган структуралар намоён бўлди. Умумий ташқи шаклнинг аҳамияти етакчилик қилди.





расм. Жамоат биносининг интерьери: А-витраж расими, Б-особнякдаги



Шакл (форма)нинг ички фазоси алоҳида хоналар билан тўлдира бошлади (қисмларга ажратилди). Таянчларнинг конструктив тўри (сеткаси) тўғри бурчакни қатъий координация қилиш ва қисмларга ажратишнинг пухта ритмини ўрнатувчи модуль ролини бажарди (1.26-расм).

Ривожланишнинг кейинги босқичида (30-йиллар) иқтисодий ташкил этиш масалалари (муаммолари) ечилиши ички кенгликларнинг ягона ҳажмга концентрация қилинишга (бирлаштиришга) олиб келди. Колонналар билан боғланмаган ҳолда яъни анча эркин тарзда перегородкаларнинг қўйилиши, улар жойлашиш




расм. Тугандхатавилласи, (режа, қирким)

текислигининг чузилишидаги ўзгаришлар ўтган асрнинг бошларида қуйилган стилнинг янгилиги сифатида эътироф этилди.


“Эркин режа” хоналар шаклларида бўлган аввалги бир хиллиликни бартараф этди, ички кенгликларни “оқувчан” бириктириш уларнинг пластик сифатларини кенгайтириш имкониятини очиб берди.

Кейинги боқичларда шаклига кўра битта ҳажмли бўлган структураларнинг ривожланиши рўй берди, бундай ривожланиш айниқса жамоат биноларида яққол намоён бўлди. Бу структураларнинг композицион ташкил этилишида тарихий тарзда юзага келган пирёмлар қаторини ажратиш мумкин.

1. Мураккаб форма характери бўйича ҳар хил бўлган иккита фазовий шаклнинг бирикишидан ҳосил қилинади. Одатда, улардан биттаси йирик бўлади ва акцент сифатида бош структура деб танланади. Бошқаси эса, мас-сасига кўра катта бўлиши мумкин, ўз блокнинг шаклига мувофиқ равишда хоналар гуруҳига ажратилади (1.27-расм). Композиция ядросини ташкил этувчи акцентли шакл, қоидага кўра, анча мураккаб конфигурацияга эга бўлади, бўйсунувчи шакл эса ўзининг контурли чизиғи бўйича анча содда бўлади, ички структуранинг композицион аниқлиги, одатда, ташқи ҳажмда ўзига мос келувчи (тегишли) тасвирни топади. Ички кенгликни ривожлантириш асосий хонага кириш жойида бошланган йўналиш бўйича олиб борилади. Кейинги вақтда бу приёмда катта том ёпилмасига эга бўлган арматуралар структураси кенг тарқалди (меҳмонхоналар, офислар ва ҳ.к.).




Б



расм. Маданият
маркази. А-режа, Б -
интерьер


2. Мураккаб структура ўхшаш шаклларга ёки характери бўйича бирига яқин бўлган шаклларга эга бўлган элементлардан тузилади. Тўғри чизикли (квадрат, учбурчак, кўпбурчак) шаклли элементлар текислик ва фазодаги геометрик тўр (сетка) қонунияти асосида ташкил этилади. Режадаги шакли айланасимон бўлган элементлар интуитив компоновкаланиши мумкин ва бир-бирлари билан ихтиёрий шакллар орқали бириктирилади. Фазовий кенгликнинг алоҳида (асосий) кўркамлиги (кўрғазмали, бежирим қиёфаси) шаклларнинг характери сифатлари: полигональ чизикларнинг динамиклиги



расм. Джестера уйининг
лойихаси(план). Ф.Райт

ва циркулли чизикларнинг бир хил меъёрга ўзгариши (плавность) эвазига ҳосил қилинади. Узун перспективаларни очиб берувчи кенгликларнинг “оқувчан” лигидан фойдаланиш, интерьернинг структурали қонуниятини кўз кўриш орқали ҳис қилиш имконини беради (1.28-расм).



3. Геометрик векторлар базасида яратилган структурани намоён этувчи приём. Бу приём ўзининг катта мураккабликка эга эканлиги билан аввалгилардан фарқ қилади ва шаклларнинг бадиий-интуитив метод орқали геометрик қонуният билан қурилишини ўз ичига олади (1.30-расм). П.Протогези конструктив айланалардан геометрик вектор сифатида фойдаланди. Режада эгри чизикларнинг ўзаро бириктирилиши эркин характердаги ихтиёрий шаклни ҳосил қилади.



расм. П.Протогези черкови (режа)

4. Тўртинчи пирём геометрик қонуниятга бўйсунмайдиган “эркин ҳолатдаги” структураларни қамраб олади (1.31-расм). Фазовий шаклнинг ривожланиши бутунлай бадиий-интиутив ҳис қилишни тақоза этади, одатда

бундай ҳис қилишда образли ассоциация ва символика таянч бўлиб хизмат қилади. Одатий ёки ўрганиб қолинган функциональ жараёнда хонанинг ноодатий шакли ва структураси билан бирикишининг коллизияси қабул қилишнинг кучланишини туғдиради ва у эмоциональ беҳовотирлик манбаи бўлиб қолади. Умуман, архитектуравий иншоотнинг эркин фазовий кенглиги ҳар қандай мураккаб бадий асар сингари, ўз моҳиятига кўра кўп режалидир ва




расм. Шарун шаҳридаги филармония биноси (залинтеръери, режа, қирқим).


қабул қилишнинг кўпсонли аспектларига эга, бу аспектлар ҳар сафар янги ва эмоциональ таъсуротларни юзага келтиради. Эркин фазовий структурани яратиш бу юкори профессиональ савия (малака) ва ривожланган бадий интуциядан дарак беради.

5. Залнинг асосий шаклининг (формасининг) етакчилик қиладиган катталиги (ёпиқ стадион, кўрғазма, черков, ишлаб чиқариш цехи ва ҳ.к.) катталиги бўйича анча кичик бўлган қўшимча хоналарни бўйсундиради, бу кичик хона-

лар ёки жойлар структурани умумий композицион ташкил этишда қўшимча элемент сифатида иштирок этади.



Б



расм. Берлиндаги Конгресс-хол: А-қирқимз, Б-

Бундай битта фазоли структура ўзининг кўркамлигига бош фазовий шаклнинг пластик ечими ва унинг ички қисмларга ажратилишининг характери орқали эришади.

Бир фазоли структуранинг композицион ривожланишининг анъанавий оддий геометрик ҳажмлардан анча мураккаб шаклларга ўтиш билан белгиланади, бунда мураккаб шакллар оддий шаклларнинг уйғунлашган қаторидан ташкил топади (1.32-расм). Берлиндаги Конгресс-холл сферик қобиғининг аниқ шакли (формаси) унинг томоша залининг чизилиш характериани аниқлаб берди. Вантли (айланма) конструкцияларнинг ишлаш логикасини акс эттирувчи геометрик қонуният ёпиқ стадионлар ёпилмасининг бежирим тасвирланган силуэти асосида ётади.

Тўсиқларнинг декори. Замонавий архитектура ҳаққонийликка ва рационалликка асосланган тўсиқлар (тўсувчи конструкциялар) ечимининг композицион приёмлари яратди. Нафақат алдамчи (ёлғон) декоратив восита сифатидаги ордерли системадан, балки орнаментдан воз кечиш қурилишнинг бевосита элементлари – материаллар ва конструкциялардан фаол фойдаланишга замин яратди. Бу эса уларнинг бебаҳо (қимматли) физикавий хусусиятлари (қаттиқлик, юмшоқлик, енгиллик, оғирлик, ранг, фактура) ва конструктив деталларнинг мантикий (логик) шакллари (формалари)ни юзага чиқарди. Агар, аввал, деворга суркалган ёки маҳкамлаб ўрнатилган пластик элементлардаги эстетик тасвирларни кўрган бўлсак, энди эса девор шакли (фомаси)нинг ўзи бош эстетик фактор бўлиб қолади. Тексликнинг композициясида унинг специфик сифатлари: хусусийшаклнинг пластиклиги, текстуранинг рельефлиги ва силуэтлиги (1.33-расм).

Функционализм архитектурасининг биринчи босқичида образнинг пури танча соддалик ғояси илгари сурилди (1.26-расм). Ўзининг геометрик шакли бўйича тушунарли, тоза тексликнинг янгилиги тўсиқнинг (тўсувчи конструкциясининг) енгиллигида ўз ифодасини топди. Таянчлар ва деворларнинг юпқалиги, улар юзаларининг силлиқлиги, ойналарнинг шаффофлиги, бўёқларнинг оч ранглилиги фазовий кенгликнинг кенгроқ ҳис қилиниши (сезилиши)ни юзага келтирди. Ноодатий енгил мебель сунъий муҳитнинг яратилишида алоҳида роль ўйнайди.

Райта архитектурасининг табиат билан органик бирикиши (аълоқаси) яъни, олдиндан режалаш (олдиндан башорат қилиш) табиий анъанавий материаллар – ғишт, тош, ёғочдан фойдаланишни эътироф этди.

Уларнинг яшаш уйи ичига киритилиши хонадонда осойишталик ва маълум даражадаги шинамлиқни таъминлади ҳамда атрофдаги табиат билан бўлган боғлиқликни (аълоқадорлик)ни янада мустаҳкамлашга шароит яратди. Ўтган асрнинг 60-йилларидаги “Брутализм” архитектуравий оқим сифатида,

тўсиқлар яъни тўсувчи конструкцияларнинг анъанавий моддий вазифадорлигидан келиб чиқди, материалларнинг бадиий аҳамиятини унинг сифат характеристикалари орқали намоён этди (1,27-расмга қаранг). Интерьерда кўпинча материалнинг очиқ фактураси қўлланади, юқори қатлам пардозида ғиштдан, айниқса кенг гаммали бетондан фойдаланади (тошли крошка (тошли “ушоқлар”), опалубка (қолип) излари, рельефли расм ваш.ў.).

Юк кўтарувчи бетон ва темирбетон конструкциялар (каркас, плита) ва ғиштли тўлдурувчи деворлар яққол ажралиб туради. Ойнали тўсиқларнинг каркасини ҳосил қилишда, зинапоя конструкцияларида, юк кўтарувчи фермалар ва структурали ёпилмаларда металлларнинг очиқ ҳолатда бўлиши кенг тарқалди. Ўтган асрнинг 70-йилларида саноат қурилишида интерьерда техник коммуникацияларнинг очиқ ҳолатда сақланиши фуқаро биноларида ҳам инженерлик коммуникацияларининг очиқ ҳолатда сақланишига сабаб бўлди. Техник шаклларнинг интерьердаги композицион роли уларнинг фаол бўлиши билан ифодаланади.

Замонавий архитектурада янги қурилиш ва пардозлаш материалларининг кенг ассортиментида жадал суръатлар билан ишлаб чиқарилиши интерьерларнинг пардозлаш приёмлари ва методларининг сезиларли даражада кенгайишига катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда яшаш уйларида интерьерларнинг пардозланиши ва безатилиши кўп жиҳатдан уларни барпо этувчиларнинг дидлари ва ғояларига боғлиқ бўлиб, бунда уларни шакллантиришнинг етарлича мантикий (логик) асосланганлиги ва уларнинг худди шу тарзда асосланган кўплаб вариантлари кўзатилади.

Кўп вазиятларда юқори сифатли приёмлар қаторида дидли ва оқилона ёндашувдан бутунлай ҳоли бўлган, мутлоқ оддий (примитив) бўлган интерьер вариантларини ҳам учратиш мумкин. Бундай ҳолат жамоат биноларига ҳам тегишлидир. Пардозлаш ва безатиш вариантлари даставвал лойиҳага киритилади, бунда уларни шакллантиришнинг қонуниятлари ва йўналишини ўрнатиш (аниқлаш) мумкин бўлади. Тўсиқлар (тўсувчи конструкциялар) нинг текислигини рангли безатишда қўлланиладиган колористика хоналарнинг функциональ мўлжалланганлигига боғлиқ равишда танланади. Масалан, кабинетлар ва офисларда, мажлис залларида, томоша учун мўлжалланган биноларнинг вестибюлларида ва кулуарларида бетон, ғишт, ёғоч каби материалларнинг табиий фактураларидан фойдаланган ҳолда анъанавий вазмин ва енгил колористика қўлланади. Спорт, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ, ресторанлар учун мўлжалланган бинолар интерьерларида анча интенсив ранглар ва уларнинг контрастли уйғунлашган вариантлари қўлланади. Бундай типдаги биноларнинг мебеллари ва жиҳозлари, уларга мувофиқ тарзда танлаб олинади. Кўпинча, режавий

структураларнинг эгилувчанлиги (хоналар сонини кўпайтириш ва камайитириш)ни таъминлаш мақсадида трансформаланадиган деворлар ва перегородкалардан фойдаланилади. Интерьерларнинг кўз орқали кўриш билан қабул қилинадиган комфортлиги ва гўзаллиги (кўркемлиги, бежиримлиги)нинг ҳосил қилинишида етарли даражада шарт-шароитлар яратадиган приёмлар қаторининг эътибор қозонганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Уларга ҳозирги вақтда атриумли фазовий-кенгликлар режавий структурасининг ривожланиши эъвазига ҳосил қилинадиган турли шакли ва конфигурацияли приёмларга эга бўлган, перфорировка қилинган тўсиқлар, “оқиб ўтувчи” кенгликлар, кенг образли ташқи ландшафтни мисол тариқасида келтириш мумкин, шунингдек, монументаль санъат (деворларга ишланган нақшиндор тасвирлар, ҳайкалтарошлик (скульптура), керамик буюмлар ва ҳ.к.) асарларини ҳам интерьер структурасига киритиш мумкин. Инсон томонидан барпо этилган объектлар интерьерларининг юқорида зикр этилган ўтмишдаги ва замонавий ривожланиш обзорлари кўп асрлар мобайнида тўпланган бебаҳо тажрибани ўзида намоён этади, бу тажриба асосида замонавий бино ва иншоотларнинг интерьерларини безатиш учун жуда зарур бўлган мақбул (оптималь) приёмлар ва методлар ўрнатилди.

§2. 1 – қисм. Интерьерни ташкил этишнинг асослари Интерьерли муҳитга қўйиладиган талаблар.

Функциональ жиҳатдан мақсадга мувофиқлик.

Ҳар қандай хона ёки жойнинг у ёки бу жараёнларининг ўтказилишини таъминлашга қодирлиги ва уларда маълум бир комфортни яратиш, ушбу хона ёки жойларнинг ички кенглиги ва интерьерига қўйиладиган эстетик ва маънавий талаблар билан узлуксиз алоқадорликда эканлиги билан характерланади. Бошқача сўзлар билан айтганда, аохитектурада қулайлик ва гўзаллик бир – биридан ажратиб бўлмайдиган тушунчалардир, шунинг учун ички фазовий кенгликни яратиш у ёки бу жараённинг ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма алоҳида талабларнинг жиддий ўрганилиши, ҳаракатланиш графиклари ва алоҳида хоналарнинг ўзаро боғлиқликлари (ўзаро алоқадорлик)ни ўрганиш, мақбул (оптималь) режим критерларини ўрганишни тақоза этади. Фақат саволнинг комплексли ечимини натижасидагина мақбул фазовий структура топилиши мумкин. Функциянинг жараёни таъминловчи тушунча эканлигини тасдиқловчи ҳолатга аудиторияни мисол тариқасида келтириш мумкин (1 - расм), шунинг учун функцияга интерьер ечимининг асоси дейилади. Аудиториялар локаль масаларни ечиш материалларни доскада ёки экранда намоийё этиш орқали маърузалар ўқишга ва бу маърузаларни тинглашга мўлжалланган. Аудиториянинг сигими турлича яъни 50 кишидан 80 кишигача бўлган ва 400 киши ва ундан кўпроқ қатнашчидан иборат бўлган гуруҳларни сиғдира олади. Маърузачи (лекитор) ва доскани яхши кўриш учун комфорт ёруғлик ва товуш (овоз)нинг жарангдор тарқалишини, машғулот ва дарсдан чалғитмасликни таъминлайдиган шароитларни яратиш қатор приёмлардан фойдаланиш йўли орқали амалга оширилади.

Амфитсатр орқадаги эшитувчининг баландроқ сатҳда ўтиришини таъминловчи аудиториянинг режадаги ва қирқимдаги (кесимдаги) шаклидир, ёруғлик тушадиган приёмларнинг шакли ва ўлчамлари ҳамда аудиторияларни қуёшдан ҳимоялаш, юқоридан, тушадиган ёруғликдан фойдаланиш, қайтарадиган осма текисликлар кўринишидаги акустик мосламалар, шаклнинг лакониклиги, ранг-буларнинг ҳаммаси қўйилган функциональ масалаларни юқори бадий даражада ечишнинг приёмлари ва усуллари дир. Аудитория интерьерининг индивидуаль характеристикага эга бўлади. Лекин шу билан бир қаторда интерьер иштирокчилар (эшитувчилар) нинг маъруза (машғулот, дарс) пайтида диққат – эътиборларини бир нуқтага қаратишларига жамлашларига ҳалақит бермаслиги ва уларни (эшитувчиларни) чалғитмаслиги лозим. Интерьер ўта шовқинсизлик, лаконикликни, осайишталикни таъминламоғи зарур ва унда ҳеч қандай ортиқчаликка эга бўлмаслик талаб этилади.

Ундаги ҳамма элементлар функционалдир.

Қатъий функциональ ечимли интерьернинг бошқа мисоли сифатидаги кутубхона интерьерининг келтириш мумкин (2-расм). Электроника институти кутубхонасининг ўқув зали жуда рациональ ечимдаги интерьерга эга. Деразаларнинг бўлмаганлиги туфайли горизанталь йўналган қуёш нурлари хоналар-

нинг ичига тушмайди. Бу билан дискомфортли кўзни қамаштирувчи қуёш ёруғлиги ва китобларнинг ёниш эҳтимоли бартараф этилган. Деворлар периметри бўйлаб ва ўқув залининг ўртасида очик стеллажларнинг жойлашганлиги китобхонларнинг бемалол китоб олишлари учун қулайдир. Бу ерда табиий ёритиш системаси марказий фонарь шакли (формасида) ечилган бўлиб, у интерьернинг энг ёрқин характеристикаси деб ҳисобланади. Шунингдек, залнинг ўртасида китоб ўқиш, дарс қилиш учун столлар жойлаштирилган.

Қуёш нурларидан ҳимояловчи панжаралар, акустик потолоклар, юқори ёруғлик фонарлари, амфитсатрли заллар ташқи контурнинг чизиқлари каби интерьердаги замонавий архитектуравий шакилларнинг кўпчилиги тугалланган пластик ва фазовий характеристикага эга ва улар замонавий эстетик таъсуротларнинг ифодаси сифатида тўсатдан пайдо бўлади, балки у ёки бу жараённинг ўтказилишига қўйиладиган функциональ талабларга жавоб тариқасида ҳосил қилинди. Шундай қилиб, замонавий тасаввурлар мавқеи билан аниқланадиган функциональ мақсадга мувофиқлик – унга қўйиладиган бажарилиши лозим бўлган, энг муҳим талаблардан биринчисидир.

Композицион приёмларнинг ижтимоий жиҳатдан шарт-шароитланганлиги.

Турар - жой ва жамоат биноларининг ички кенглигига қўйиладиган талаблар объектнинг бажарадиган вазифасига яъни унинг нимага мўлжалланганлиги билан аниқланади ва бу талаблар қатори доимий ёки ўзгармас деб ҳисобланилмайди. Бу талаблар бутун тарих давомида объектларнинг ижтимоий моҳиятининг ўзгаришига боғлиқ равишда ўзгаради ва янги талаблар билан тўлдирила борди. Ўзининг келиб чиқишига кўра қадимий бўлган жамоат бинолари қаторига кирувчи театр мисолида жамоат биноларига қўйилган ва қўйилаётган талабларни таҳлил қилиш натижасида шуни кузатиш мумкинки, технологик саҳна талаблари сингари ижтимоий талаблар ҳам ички кенгликнинг қурилиши ўзгариши билан унинг ўлчамлари ва қиёфаси ҳам ўзгариб борди. Маълумки бу ўзгаришларнинг асосида биринчидан спектаклнинг мазмун – моҳиятига боғлиқ бўлган, театр ҳаракатининг шакли ва характери аниқлайдиган талаблар ётади ва худди шу ердан залнинг кўриниши келиб чиқади, иккинчидан татрнинг шаҳардаги ижтимоий аҳамияти (жамиятнинг эҳтиёжи)га боғлиқ бўлган талаблардан унинг сиғими, ўлчамдари ва тузилиши келиб чиқади. Ижтимоий шарт – шароитланган бу икки ғоядан залнинг фазофий қурилиш принципини, унинг интерьери ҳосил қилинади.

Қаҳрамонна трагедияни намоиш қиладиган қадимий Гомер театри кўпсонли томошабинга мўлжалланган.

Театрга бутун шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли ташриф буюришир эди. Театр биноти бажарилиши лозим бўлган (мажбурий) иккита талабдан келиб чиққан ҳолда қурилди – кўп сонли томошабинларни сиғдириш ва ҳаракатларни мумкин қадар максимал даражасида уларга (томошабинларга) яқинлаштириш. Классик грек театри худди шундай яратилди, унда томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар орхестрлар атрофига жойлаштирилди. Улкан амфитеатр тоғ ён бағрига очик осмон остига қурилди., унинг ажойиб пейзажга қаратилганлиги, ўзида буюк бир томошабин тасвири намаён этади.

Грециядаги эллинистик даврда жамиятнинг синфли тоифаларга қатламланиши танланганлар учун театрни санъатга айлантирди. Театрдаги ҳаракатлар архестрлардан схенага кўчирилди. Схенага қўйилган махсус курсилар сенаторлар учун мўлжаллаштирилди. Шу тариқа ижтимоий буюртма билан театрнинг архитектураси тубдан қайта ҳосил қилина бошланди. Амфитеатр ўлчамлари бўйича сезиларли даражада кичрайтирилди. (3,а-расм)

Италиядаги Витенция шаҳрида унча катта бўлмаган ёпиқ театр қурилган, театр тор, аристократлар доираси учун мўлжалланган. (3,б-расм)

Бу ерда архитектуравий воситалар ёрдамида ажойиб архитектура асари яратилган. Томошабинлар ва сахнани ажратувчи порталъ, катта ордер, сахнага йўналтирилган перспективали кўча шаклидаги доимий декорация антик анъаналарни ривожлантирадиган монументаль намоён этиладиган архитектурани яратган. XIX асрда порталъли сахнага эга бўлган ярусли классик театр қиёфаси таркиб топди (3,в-расм).

Залнинг ярусли қурилиши, партер подшо балкани (ложаси), изоляцияланган фойе, ҳар бир ижтимоий гуруҳ учун алоҳида чиқиш жойлари – буларнинг ҳаммаси театрнинг синфли структурасини характерлайди. XIX аср охирилари XX аср бошларида ижтимоий муносабат (алоқаларнинг) ривожланиши, фан, техника ва жамият ҳаётидаги умумий тараққиёт (прогресс), ва узвий халқаро ҳамда ички ижтимоий алоқаларнинг янада ортиши биноларнинг янги типларини яратишни талаб этади, шунингдек, янги ҳар хил ва мураккаб ҳаётини талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ташкилий муҳитни яратиш долзарб масалалардан бирига айланди. Майда растали савдо қаторлари ўрнига турли бўлимларни бирлаштирган, кенг фазовий кенгликка эга дўконлар (магазинлар), йирик савдо фирмалари вужудга келди. Халқаро кўргазмаларнинг йирик заллари, темир йўл вокзаллари, ёпиқ бозорлар каби йирик иқтисодий талабларга жавоб берадиган иншоотлар барпо этилди.

Ягона фазовий кенглик ва эркин режа (план) принциплари XX асрнинг илғор архитекторлари томонидан ишлаб чиқилди ва улар бу принципларни ўзларининг лойиҳаларида амалга оширишга уринишди. Қатъий чегараланган алоҳида ҳоналар ва жойлар ўрнига ягона узлуксиз фазовий кенгликни яратиш архитектуранинг етакчи принципларидан бири ҳисобланади. Бу принципга кўра кенгликнинг изоляция қилиниши фақат зарур бўлган ҳоллардагина амалга оширилади. Фақат шу принципга асосланган ягона фазовий кенглик орқалигина горизанталь йўналишда бўлгани каби вертикал йўналишда ҳам хоналардан хоналарга эркин ўтишни таъминлаш мумкин. Табиатга, майдонга, шаҳарга кенг очиқ ҳолларда фазовий кенглик, ташқи муҳитдан ажратилган, ёриқ хоналардан фарқли ўлароқ жамоат бинолари архитектурасининг энг умумий характеристикаси ҳисобланади. Турар – жой ва жамоат биноларининг интерьерининг социал (ижтимоий) асослари ўзининг саволлар доирасига иқтисодий масалалар (муоммолар)ни ҳам киритади.

Кенг маънода иқтисодий муаммо жамиятнинг имкониятлари ва эҳтиёжлари билан характерланади, бунда асосий мақсад инсон инсон ҳаётининг фаравон бўлиши учун барча қулайликларни яратиш, бош мақсад эса инсон ҳақида қайғуришдир. Унификациялашган мебелни яратиш, айниқса турар – жойлар

учун жуда муҳим ва мақсадга мувофиқ келади. Ҳар хил вазифаларни бажарадиган буюмларни битта блокка йиғиш яшаш жойларнинг замонавий интеръерининг энг муҳим эстетик сифатларидан биридир. Мебель вақт ўтиши уникалликни йўқотади, алоҳида нарсаларнинг аҳамияти камайиб боради. Блокка бирлаштирилган ва қўшма тарзда қурилган мебель интеръернинг органик қисмига айланиб боради.

Режавий ечимлар ва интеръерли муҳитнинг иқлимий шарт – шароитланганлиги.

Иқлимий ва табиий шароитлар, ландшафт шунингдек шаҳарсозлик концепцияси ҳам ички кенглик алоҳида томонларининг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади, баъзан эса улар ҳамма талаблар ичида ҳал қилувчи талабга айланади. Қурилиш жойининг мавжуд шароитлари интеръер шаклланишининг аниқловчи асосларидан бири сифатида кўриб чиқилиши лозим. Иқлим қатор вазиятларда интеръернинг шаклланишида ҳал қилувчи фактор бўлади, айниқса четки Шимол ва жанубда у катта аҳамият касб этади, чунки бу ҳудудлардаги оптималъ (мақбул ҳаётий) шароитларни таъминлайдиган сунъий микроиқлим яратилиши орқали яратиладиган қулай (камфорт) шароитлардан кескин фарқ қилади. Четки Шимол районларида доимий музлик бўлиб, Норильск, Якутскда ва бошқа жойларда ҳарорат - 60⁰С гача етади, шимол тезлиги (кучи) 5м/сек ва ундан юқори бўлади, шунинг учун яшаш комплексларнинг максималъ компактли бўлиши, жамоат биноларининг яшаш жойларига яқинлаштирилиши, яқин кўриниши уларни бир ҳажма бирлаштириш орқали битта ёпилма остида ташкил этиш, ёки ҳеч бўлмаганда галериялар бўйича жамоат биноларига ёйиб боришини таъминлаш талаб этилади. Бу галериялар одамларнинг – 50 ва - 60⁰С совукда кўчага чиқмасликларини олдини олади. Архитекторлар олдида кутб орти шароитларида интеръерни яратишдек янги қизиқарли масала турибди ва бу масала турибди ва бу масала ўз ечимини кутмоқда. 5 – расмда ўзбек архитекторлари томонидан ишлаб чиқилган Леприндо посёлкасидан жамоат марказининг лойиҳаси мисолида четкм Шимолнинг қатор иқлимий талабларини бажаришга қаратилган биринчи уринишлар кўрсатилган. Дўконлар (магазинлар), оўхоналар, кинотеатрлар ва клублар, болалар боғчалари ва ҳатто мактаблар каби турли жамоат бинолари битта ҳажмга бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги интеграциялашган жамоат фазосининг ҳосил бўлишини олдиндан аниқлаб беради. Шу тариқа ўзига ҳос интръер ҳосил қилинади ва интръер вертикаль ва горизанталь бўйича бирлаштирилган катта кенгликнинг яратишга доир бўлган жиддий композицион масалани ўзида намоён этади. Бу ерда ички фазовий кенгликнинг ташқи муҳит билан алоқаси ҳам унчалик кам бўлмаган муҳимликка эга, чунки сутканинг ярмини ёвуз (аёзли) шимол оқшоми ташкил этади. Ёпиқ кенглик боязни (клаустрофобия) шимол аҳолисида учрайдиган оғир касалликлардан биридир. Замонавий интеръерда мажбурий “ёпиқликни” бартараф этиш зарур, оқшом ҳам ички кенгликни оловга буркалган шимол шаҳарлари очиш лозимдир. Инсон учун биринчи бўлган куннинг суткали режимининг бузилиши ва оқшом-

нинг табиий биологик режимларни синдириши тонус ва ишлаш қобилиятини сезиларли даражада пасайтиради, инсон руҳиятига ёмон таъсир кўрсатади.

Бу шимолнинг инсонга кўрсатадиган бошқа бир салбий таъсиридир. Уни инсон ҳаётидан олиб ташлаш ни фақат қандайдир даражасида интерьерда сунъий равишда суткалик режимнинг ёруғлик динамикаси йўли орқали амалга ошириш мумкин. Бунинг учун кутбий оқшом пайтида ростланадиган регулировкаланадиган ёритиш қурилмалари ва кутбий кун пайтида ростланадиган ёруғлик ўтказувчанликни яратиш талаб этилади, чунки бу жойларда горизанталь йўналган қуёш нурлари ички кенгликка бутун сутка давомида кириб туради. Бу масала ўзининг нафақат техник, балки бадиий ечимини ҳам топмоғи лозим. Узоқ қиш ойлари мобайнида қор остида яшириниб ётган бир зумлик шимол ўсимликлари инсонга ўрта полосадаги ва жанубдаги табиатдек ижобий таъсир кўрсата олмайди. Шу билан боғлиқ бўлган яна бир жиддий масала юзага келади. Бу масала интерьерда сунъий ландшафтни яратиш табиат бурчакларини ҳосил қилиш билан ўз ечимига эга бўлади.

Жануб шароитларидаги қурилиш ҳам ўз талабларидан ҳоли эмас, бу талаблар ичида тўғридан – тўғри тушадиган қуёш нурларидан ва радиациядан ҳимояланиш энг муҳимларидир, шунингдек ҳароратни пасайтириш мақсадида шамоллатишнинг зарурлиги ҳам жуда долзарбдир. Бу талабларнинг ҳаммасини қондириш ва масалаларни ечиш бўйича шимол қурилишига нисбатан аҳамиятга молик тарзда жанубда амалий шулар олиб бориляпти. Интерьер қиёфасини шакллантирадиган унинг етарли даражасида ёруғ ва ёрқин бўлишини ҳамда кўркемлик ҳарактеристикасини таъминлайдиган, яхши ишлаб чиқилган жалюзалар ва махсус қуёшдан ҳимоялайдиган панжаралар мавжуд. Жанубда ички кенгликни ташкил этишнинг анъанавий приёмлардан бири ўз атрофида алоҳида ҳоналарни ташкил этувчи ҳовли бўлиб, у шамоллатиш ва қуёшдан яхши ҳимояланишга яхши шароит яратади. Ҳозирги замон архитектуралари бу муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топаёттилар. Масалан, ички кенгликни тўғри тушадиган қуёш нурларидан ва юқори ҳароратдан тўлиқ ҳимоялаш мумкин ва шамоллатиш учун махсус қурилмалар, ёритиш учун эса нурларни махсус қайтарувчилар қўлланилмоқда.

Инсон табиатга (табиий муҳитга) яқинлашиши, унинг атрофдаги йирик олам билан кўп қиррали алоқалар энг ёқимли ҳаётий шароитларни ва ҳолатларни яратяпти. Бинолар интерьерда табиий элементлардан фойдаланиш интерьерни кўркемлаштириш, гўзаллаштиришнинг энг кучли воситаларидан биридир. Узоқ мовий осмоннинг, тошқин дарё соҳиллари, жўш уриб турган анҳорлар ва уларнинг қирғоқлари, яшил ўтлоқлар, адирлар ва салобатли тоғлар ва ўсимликлар, гулларга бурканган тоғ ён бағирлари, дераза олдида гуллаб турган дарахт ва шу каби жонли алоқаларининг ичкарига кириб бориши – табиатнинг бундай яқинлашуви инсонга маълум ижобий эмоцияни тухфа этади, кайфиятини ва руҳиятини кўтаради. Хоналарнинг табиий ёки шаҳар пейзажига очик турган кўриниши интерьернинг органик қисмига айланмоқда (6-расм). У ёки бу хонанинг ажойиб кўркемлик ва гўзалликка эга бўлган ландшафтга ориентация қилиниши архитектуранинг такрорланмас сифатини яратади, бундай сифатга бошқа воситалар билан эришишнинг асло иложи

йўқдир. Балки холи, вестибюль, ошхона (кафе, чойхона) каби умумий хоналарни максималъ ҳолатда табиатга варатиб очиш мақсадга мувофиқдир. Биноларнинг ухлаш хоналарида (ётоқ хоналарида) интимлик таъминланмоғи лозим бўлади. Улар ёпиқ ҳолатда бўлади, лекин хохишига кўра уларни табиатга ташқи муҳитга қаратиб очиш мумкин. Кинозал каби жамоат жойларида табиат (ташқи табиий муҳит) билан боғланиш яъни уларнинг табиатга қарата очик ҳолатда бўлиши талаб этилмайди, чунки бу функциональ жиҳатдан зиддиятли ҳолатдир.

Ички кенгликнинг табиат (ташқи табиий муҳит) билан алоқасининг иккита композицион приёми мавжуд: биринчиси – гуллар ва дарахтлар, сув, ҳовлилардек ташқи кенглик композициясига тўлиқ кириб бормайдиган тўлиқ ишлов берилмаган материаллар яъни табиат интерьерга кириб боради; иккинчи приём – ички кенглик ўзининг периметри мураккаблиги, ҳажми кабиқисмларининг кенг очилиши билан ташқи оламга чиқиб боради ва у табиат билан ягона бир – бутунликни ҳосил қилади (8-расм).

Ички кенгликдаги табиат элементлари (табиий элементлар) турли – туман бўлиб, уларга бинонинг полида махсус ажратилган қисмлардаги горизантал ва гуллар, тувакларга экилган ўсимликларнинг гуруҳлари, деворга осилган ҳолда ўралиб, тармоқланадиган ўтлар ва ниҳоят, бино қурилгунча мавжуд бўлган бутун дарахтлар, бу дарахтлар архитекторлар томонидан қолдирилиб, хонадан томдаги махсус қолдирилган тешиқлар орқали ташқарига чиқарилади. Сув интерьердаги иккинчи ўринда турадиган муҳим табиий компонентлар, айникса у жануб алоҳида аҳамият касб этади, бу ҳудудда сув инсонга меёр даражасида етишмайдиган салқинликни тухфа этади, яни иссиқ иқлим шароитларида инсонларнинг салқин муҳитга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди (қониктиради). Ясси чуқур бўлмаган сув сиғимлари (ҳавзалари), табиий тошлардан терилган тубга эга бўлган катта бўлмаган фавворалар ва ҳатто каскадларнинг сочилиши – буларнинг ҳаммаси мумкин бўлган ва самарадор шаклларда табиатнинг интерьерга киритилишини ташкил этади.

Табиий материаллар ўзининг ишлов берилмаган ҳолатида мураккаб бой қиёфани (ассоциацияни) яратади – девор ўрнига қиррали тошлар чўккан, полга оёқ остига шағал ёки қумнинг ётқизилиши. Сомонли ва қамишли тўшалмалар ва тўсиқлар – буларнинг барчаси юпқа алюмин рамали шаффоф ойнали витражлар контрактлигида инсонни табиатнинг илиқ нафасини янада яқинроқ ҳис этишга ундайди (чорлайди) ва уни дераза орқали кузата туриб, табиатни ўзининг олдида тургандай ҳис қилади ва гўёки ўзини табиат қўйнига киргандай сезади.

Табиатни бино ичига олиб киришнинг композицион воситаси бўлган ички ҳовли ички ва ташқи кенгликни бирлаштиради. Бунда ҳовли пропорцияси ва унинг яхши ўсимликлар билан тўлдирилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Москвадаги “Юность” (“Ёшлик”) меҳмонхонасини бунга ёрқин мисол тариқасида келтириш мумкин, бу ерда ҳовли катта шаҳарни қуршаб олган пейзаж билан контрастлашиб, бинонинг ички кенглигини табиат билан тўлдиради.

Юқорида таъкидланганидек, бошқа композицион приёмда интерьер гўёки ташқарига чиқади ва органик тарзда табиатга қаратилиб кенг очилиши ва унинг ташқи муҳитга улашиб кетиши талаб қилинади. Катта витражлар (ойнали тўсиқлар), полгача бўлган лентали деразалар табиатнинг кенг обзорини таъминлайди, бундай йўл тутиш етарличи тасвирни очилишни амалга ошириш имконини беради. Бино олдидаги деразаларни интерьердан ташқи табиий муҳитга (табиатга) чиқиш жойи деб ҳисоблаш мумкин. Дераза ости тахтасининг бўлмаслиги, полнинг умумий сатҳи, полнинг расмлари ва материаллари ва ниҳоят ички кенгликнинг конфурацияси ва деразалар ташқи ва ички кенгликнинг яқдиллигини юзага чиқаради. Айвонлар ва козироклар (соябонлар) ички кенглик ёпилмасининг табиий давоми сифатида ташқарига чиқиш жойи бўлиб, ички ва ташқи табиий муҳитни боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Умумий потологик (шифт) ва ёритишнинг умумий сунъий приёми зарурий ягона кенгликни яратади. Интерьерга ташқи кенгликнинг ички кенгликка бевосита туташадиган қандайдир –бир қисмини бириктириш, унинг яшил ўсимликлар, турли турли шаклдиги кустарниклар, паст баландликдаги тош деворлар, скульптура буюмлари қатори каби табиий тўсиқлар билан (ташқи табиий муҳит) билан боғлашнинг юқорида кўриб ўтилган композицион приёмларидан ҳеч бири йирик жамоат биносининг бутун интерьерини тўлиқ еча олмайди. Интерьернинг барча ҳар хил жиҳатларини бирлаштирадиган (умумлаштирадиган) ягона ижодий ғоянинг зарурлиги сезилмоқда. Агар архитектор ўзининг олдида интерьерга табиийликни (табиатни) сингдириш масаласини ечишни мақсад қилиб қўйган бўлса, у ҳолда у бу масалани вақт ўтиши билан аста – секин ривожланадиган бадиий мавзу сифатида очиб бериши лозим бўлади.

ИНТЕРЬЕРНИ РАНГЛИ БЕЗАТИШНИНГ АЛОҲИДАЖИҲАТЛАРИ

Бино интерьерида ранг катта роль ўйнайди. Тегишли ранг колористикаси ёрдамида инсоннинг кайфиятини ва руҳий ҳолатини ўзгартириш ва маълум бир меъёрга ростлаш мумкин: унинг эмоциональ тонусини кўтариш, организмнинг физик ортиқча сингдирувчанлигини пасайтириш, қувонч ва хушқайфиятни ҳосил қилиш, байраиона руҳият, ишбилармонлик, хотиржамлик ва хушёрлик, ҳозиржавоблик, иш қобилиятини стимуллаштириш ва ҳ.к. бундан ташқари рангли эффектлар билан маълум даражада ташқи муҳитнинг микроиклимга кўрсатадиган нохуш таъсирини қисман компенсация қилиш мумкин, кенгликда информативлик ва ориентацияни яхшилиш, хоналарнинг санитар – гигиеник ҳолатини яхшилашга шарт – шароит яратиши мумкин. Ранг ёрдамида хонанинг ҳарорат – намлик режимини ростлаш ва шовқинни бартараф этиш ҳам мумкин. Иссиқликни ортиқчалигини ва етишмаслигини

компенция қилиш тўғридан – тўғри совуқ ёки илиқ рангларга боғлиқ. Худди шу ердан ёруғликнинг тушиш томонлари бўйича ориентацияга боғлиқ равишда хоналар деворларининг бўялишига тавсиялар берди. Жанубга қаратилган хоналарда совуқ тонлар иссиқлик нур (тўлқин)ларни яхши ютади, ёруғликнинг ёрқинлигини пасайтиради, қуёш ёруғлигининг “жазирама” психологик таъсирини бартараф этади.

Функциональ жараёнлар ва инсоннинг эмоциональ – психологик (руҳий) ҳолати учун комфорт режимни шакллантиришда ранг анча катта роль ўйнайди. Инсоннинг эмоциональ - психологик (руҳий) ҳолати объектнинг вазифасини ва унда ўтказиладиган маиший ёки меҳнат жараёнларини ҳамда қурилишнинг конкрет регионлари табиий – иқлим шароитларининг жиҳатларини ҳисобга олган ҳолада рангли гамманинг гармоник уйғунлашувини танлашга эътибор билан ёндашишни таълаб этади. Рангли характеристикаларни фазовий – кенглик нуқтаи – назаридан ҳис қилишнинг спецификаси фазовий шаклни қабул қилиш жараёнининг алоҳида жиҳатлари билан аниқланади. Қабул қилишнинг ўзи илгариланма ҳаракатда – битта кенгликдан бошқасига ўтишда ва понорамали кўринишда – фақат битта кенгликни кўрсатиш билан ҳавола этиш орқали рўй беради. Илгариланма ҳаракатда рангли таъсуротларнинг навбатма – навбат алмашинуви фазовий – вақтли муносабатда содир бўлади. Шундай тарзда ҳосил қилинадиган “рангли уйғунлашиш” қандайдир вақт давомида олдинги фазовий кенглик рангининг образини хотирада сақлаш имконияти билан шарт – шароитланади. Оддий ранглар аралашган ёки уларнинг ноансли нисбатларига қараганда анча енгил эслаб қолинади (хотирада енгил сақлаб қолади). Маълумки, рамзий (символик) рангларнинг оддийлигида уларнинг яхши ёдда қолиш факторлари намоён бўлади.

Реаль муҳитда ёритиш манбаларидан тарқалаётган ёруғлик нурлари, табиат ва сунъий ёруғликнинг алмашинувида, интерьер режалари орасидаги фактли дистанциянинг таъсиридан рангли тонларнинг ўзгариши рўй беради. Бироқ олиб борилган тадқиқотлар, илмий изланишлар ва ҳаётий тажрибадан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш керакки, кўз орқали кўришнинг асосий хусусияти ёруғликда коррективроқлиги тузатишларни олиш, сояларга ва рефлексларга тушадиган ёруғлик манбаларининг спектраль характеристикаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил равишда умуман ранг тўғри қабул қилинади. Бундан келиб чиқадики, фазовий шаклнинг (форманинг) нотекис ёритилишида кўриш орқали қабул қилинадиган текисликлар ва жиҳозларнинг ранги умуман олганда доимий яъни ўз рангида қолади.

Инсон ўзининг гўзалликка интилишида ишлаб чиқариш ва эстетик эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда интерьерли рангли гаммани онгли равишда коррективроқ қилади (саралайди). Ранга нисбатан қабул қилишдаги эмоционаллик инсонда унинг (рангнинг) ассоциатив таъсири орқали намоён бўлади. Ўзининг характери ранглари билан маълум воқелик ва предметларнинг алоқадорлиги ранг – символни қабул қилишида ҳосил бўладиган инсон онгидagi маълум бир сезги орқали ҳис қилишида трансформировкаланади. Қуёш, олов – сариқ ва қизил рангларда бўлганлиги туфайли улар илиқликни ҳис қилишни ҳосил қилади, шунинг учун ҳам “иссиқлик” сифатида қабул қили-

нади. Шу асосда қуйидаги ассоциациялар ҳосил қилинди: қувончли – ғамгин, енгил – оғир, жарангдор – жимлик, динамиклик – статиклик ва Ш.Ў. буларнинг барчасига шуни қўшимча қилиш керакки, шартли равишда белгиланган рангларнинг хоссаларидан – “совуқлик” ва “иссиқлик” энг устивор деб саналади.

Рангнинг мақсадли йўналишда қўлланилиши учун ёки рангдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш учун ранг ва инсоннинг психологик реакцияси орасидаги устивор боғлиқликни билиш зарурдир. Бу аспектда рангли тоннинг мос тушиши, рангларнинг образли ассоциативлиги бўйича, ранг – уйғунлашишнинг гармоналиклиги бўйича қатор қонуниятлар ўрнатилган. Маълум рангларга бўлган мойиллик муносабати турли ёшли гуруҳларда сезиларли даражада намоён бўлади. Умумий кўринишда болаларда ёрқин кўринадиган иссиқ ранглар, (тоза ранг) мойиллик ҳосил қилади. Катталар учун – совуқ ранглар, ўртача ёрқинликда ва анча аралашган, кекса ёшдагилар учун эса пастелли тонлардаги ахроматик ранглар мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсонда туғма равишда пайдо бўладиган эмоциональ қабул вилувчанлик унда рангли уйғунлашув (рангли гармония)нинг ҳис қилинишини юзага келтиради. Бу аспект интерьернинг эстетик ташкил этилишида бир қанча қандайдир тушунтиришларни талаб этади. Бунга оддий мисол.

Қизил ва кўк ранглар бир – бирига гармоник (уйғун) деб саналади, айникса, улар оқ ранглар билан бир – биридан ажратилган бўлса бу янада яққалроқ ҳис қилинади. Лекин биз худди шундай рецептда хона топологини қизил ранг, деворларини оқ ранг ва полини кўк рангда бўясак, у ҳолда рангли гамма бўйича ушбу хона юқори даражадаги ногормоникликка эга бўлган бўлар эди. Бу мисол кўз билан қабул қилишда шундан гувоҳлик берадики, маълум ранглар қандайдир бошқа ранглар қандайдир бошқа ранглар билан фақат мутлақо конкрет шароитлардагина гармониклашганда (уйғунлашади) ва бу ҳолат шуни яққол аниқлаб берадики, рангли уйғунлашувлар гармонияси ҳеч бир қоидалар билан режалантирилиши мумкин эмас ва сирт текислигидаги (юзасидаги) ҳар қандай рангли конструкция механик тарзда, тегишли коррекциясиз фазовий кенгликка кўчирилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, юқорида таъкидланганлардан келиб чиқадики, одамлар қандай гармоник уйғунлашувларга ўзларининг мойилликларини билдирмасин, рангларнинг бундай уйғунлашуви уларда қониқарсиз ҳолатни юзага чиқариши мумкин, уларнинг конкрет ҳолатларда қўлланишга боғлиқ равишда рангли безатишга нотўғри ёндашишда бу уйғунлашиш енгил бузилиши мумкин. Бироқ инсоннинг эмоциональ ва руҳий ҳолатига таъсир қилиши нуқтаи – назардан бу ерда фақатгина рангларнинг жуфтли уйғунлашиш хоссаларининг объектив қонуниятларга эътиборни акцентлаш мумкин, улар қуйидагилардан иборат:

сарик – қизил: нур бағишлайди, қувончли илиқликни юзага келтиради;

олтин ранг – қизил: роскаль (ҳашаматлилик), илиқлик бахшида этади;

оранжевый - қизил: тез ҳис қилувчанлик ; сарик – пурпурный: қандайдир диссонанс, ёқимсиз эшитувчанлик, ҳаракатчанлик; олтин ранг – пурпурный: қувват, муносиблик, байрамоналик; қизил – пурпурный: диссананс байрамоналик; сарик – яшил барг ранги: қувноқлик, шодлик;

сарик – оливковый: қандайдир диссонанс (хотиржам ҳаракатланувчанлик); сарик - оранжевый – яшил барг ранги: элитувчи илиқлик; оранжевый – қизил – яшил: импульсивлик; оранжевый сиёҳ ранг: маст бўлиш, ром бўлиш, қизил – ультрамариновий: кескин куч – қувват; оранжевый ультрамариновий: эътирозлилик, кескинлик; кўк – розовый: уялувчанлик, тортинувчанлик; пастельно – яшил- қизил: ишончсизлик; пастельно – яшил- кўк: бир жинслилик, бир хиллик, пассивлик ноаниқлик; пастельно – яшил- розовый: заифлик, но- зиклик, майинлик; пастельно – яшил- лиловый: диссонанс, сумерки; сарик – яшил – қизғиш - кулранг: енгил диссонанс, боғлиқлик; бежевый –қизил: енгил диссонанс (ички иккиланиш); бежевый – яшил барг ранги: табиатга мойиллик, қўнғир – яшил: ерга боғланувчанлик; тўқ – қўнғир – кўк: бескомпромиссност; тўқ – қўнғир – охра: бикрлик қатъийлик; яшил – кул – ранг: пассивлик, рад- ственность; кўк – кул – ранг: нейтраллик, совуққонлик; қизил – қора: ҳаёттий- ликнинг пасайиши, хавф – хатарлик; оранжевый –қора: **насилие**; сарик – қора: узилиш, нур таратувчанликнинг пасайиши, эътиборнинг фикацияланиши; кўк – қора; қўннинг узоқлашганлигини белгилайди, оқшом; сарик – оқ: тушунар- лилик, ёруғлашувчанлик; қизил – оқ: қизил ёрқинлашишини заифлашиши; кўк – оқ; тозалик, совуқлик, софлик; яшил – оқ: яшил рангнинг кучайиши, тоза- лик, софлик, розовый –оқ: заифлик, оқарувчанлик.

Хоналарнинг интерьерини безашда рангли колористикадан тўғри фойда- ланиш учун ранглар, уларнинг уйғунлашуви ва хоссаларинг систематизация- лашда эгаллайдиган ўринларнинг бир қанча қонунларини ўзлаштириш лозим бўлади. Амалиётда предметларнинг рангларга бўлиниши қуйидагича баҳола- нади.

1. Асосий ранглар – сарик, кўк, қизил – бу ранглардан бошқа барча рангларни ҳосил қилиш мумкин. Бу учта асосий рангларни маълум нисбатларда аралаштириш орқали жуда кўплаб бошқа рангларни ҳосил қилиш мумкин (оч ранглилик, кул ранг ва ҳ.к.)
2. Биринчи даражали таркибий ранглар – икки асосий рангнинг аралаштирилиши орқали олинадиган ранглар. Масалан, оранжевый ранг – бу ранг сарик ва қизил рангларнинг аралаштирилишидан ҳосил қилинади; фиолетовый (сиёҳ ранг) – қизил ва кўк рангларни аралаштириб олинади.
3. Иккинчи даражали таркибий ранглар – биринчи даражали таркибий рангларни аралаштиришдан ҳосил қилинадиган ранглар. Масалан, қизил – бурий ранг – оранжевый ва қиолетовий (сиёҳ) рангларни аралаштириш йўли билан олинади: кул ранг – кўк рангли фон фиолетовий рангни яшил рангга аралаштириш орқали ҳосил қилинади; охра ранг эса яшил рангни оранжовий рангга аралаштириш йўли орқали олинади ва ҳ.к.

“Табиий ранглар доираси” (1-расм) тенг томонли учбурчакларнинг учларидан ўтган айлана ёки доира асосида қурилади. Учбурчакнинг

учларида асосий ранглар – сариқ, қизил, кўк ранглар ётади. Бу учбурчак учлари ётадиган айланага худди шундай яна битта тенг томонли учбурчак ички чизилади. Иккинчи учбурчак учларида биринчи даражали таркибий ранглар жойлашади. Бу иккала учбурчак биргаликда айланага ички чизилган олти бурчакни ҳосил қилади. Доирадаги қарама-қарши нуқталарда ётган иккита рангдан биттаси - асосий, иккинчиси – биринчи даражали таркибий рангни ифодалайди. Бу иккинчи рангларни биз қарама – қарши ранглар ёки қўшимча ранглар деб атаيمиз. Қарама – қарши рангли жуфтликларнинг ҳам рангли доираси мавжуд.

Рангларнинг трансформацияланишида уларга тинимсиз (кўз узмай) маълум вақт оралиғида тиклаб туриш орқали қарама – қарши ранглар ҳосил бўлишининг қонуниятини аниқлаш ва бунга амалда ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар ярим минут давомида оқ қоғозда оранжовий –қизил рангга кўз узмасдан тикланса унинг атрофида оч кўк – яшил ореол ҳосил бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар тоза (соф) қизил доирага худди шундай тарзда назар ташланса, унинг атрофидаги ореол деярли яшил рангда бўлади.. Аксинча: яшил учбурчакка худди ҳозиргидек назар ташланса, оқ юзада қизил шафтоли ранги ҳосил бўлади. (2-расм). Шундай қилиб, қарама – қарши ранглар ҳосил бўлиш тартиби бизнинг кўзимизда ҳам пайдо бўлади, яъни улар кўриб чиқиладиган ранглар тонлари аралашидан юзага келади. Агар кўзга фақат кўк ранг таъсир кўрсатса, у ҳолда бу рангни кўриш орқали қабул қилиш қобилияти қандайдир камая боради, фақат физил ва сариқ ранглар қабул қилина бошлади, фақат қизил ва сариқ ранглар қабул қилина бошлади. Шунинг учун кўк рангнинг қизил – сариқ нусхаси (копияси) ҳосил бўлади (аксланади). Шунга ўхшаш тарзда қора рангнинг кўзда таъсир кўрсатишади, уларда (кўзларда) оқ қолдиқ тасвир – нусха ҳис қилинади. Шу тариқа, бу ерда ҳар қандай ранга давомли равишда (қандайдир) вақт оралиғида тинимсиз қаралганда, кўзимизга уларнинг қарама – қарши нусхалари пайдо бўлади.

Қизил фонда жойлашган нейтраль кул ранг нейтраль бўлиб эмас, яшилроқ бўлиб эмас, балки яшилроқ бўлиб ҳосил қилинади (3 – расм). Кўк фондаги фулранг орежевый оттенкали кул ранг сифатида қабул қилнади, яшил фондаги кул ранг эса – қизқиш аттенкали кул ранг бўлиб қабул қилинади. Шундай қилиб, ранглар бир – бири билан ўзаро алоқадорликка эгадир.

Бу ерда бирвақтдаги контрастлик ҳақида сўз юритилмапти. Биринчи ҳолатда кетма – кетликдаги контрастлик ҳақида фикр юритилган эди. Маълумки ҳар бир ранга инсон ўзининг ички ҳиссиётидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Шу асосда ёқимли (севимли) ранглар шкаласини тузиш

мумкин, лекин бу шкалада битта ёки иккита ранг етакчилик ўрнини эгаллаши мумкин. Худди шу ранглар мойиллик уйғотувчи ранглар деб ҳисобланади.

Ранг илмозор таъсирининг эффектлари мутлақо кўп образлиги предметларни товуш ва эмоциональ кўриш орқали қабул қилинади. Товуш ва предметларни эмоциональ ва кўриш орқали қабул қилишда рангларнинг иллюзорли таъсирининг эффектлари мутлақо кўп образлидир. Шовқинда кўриш рецепторларининг функцияси кучаяди, бунда яшил рангнинг қабул қилиниши ҳам кучаяди. Яшил рангни кучайтирилган қабул қилиш эса маълум даражада шовқинни беркитади. Енгил товушли жойларни эшитаётган пайтда қаралаётган оранжевий ранг жимликдагига қараганда анча ёруғроқ (очроқ рангда) ва сарикроқ – рангда кўринади. Бунга эшитилаётган товуш тўхтатилгандан кейин ранг ранг такроран кўрилганда ишон ҳосил қилиш мумкин. Кўпол товушларда қизил ранг тўкроқ бўлиб кўрингандек бўлади, яшил ранг эса кўк – яшил ранга айлангандек туюлади ва ҳ.к. Сарик ранга бўлган яшиқлар, тўқ – кўк ранг ёки қора ранга бўялган яшиқларга қараганда енгилроқдек туюлади (5 - расм). Ёруғ ва тўқ тўнларнинг кўриш орқали қабул қилишга кўрсатадиган таъсири уларнинг юқори ёки пастги ҳолатларига боғлиқ равишда турлича бўлади. Табиатнинг ўзи бизга шуни ўргатадики, уни кузатганда тўқ ранглар доимо пастда, ёруғ ранглар эса юқорида жойлашишига ишонч ҳосил қилинади.

Агар бу табиий тартибни ўзгартирсак, у ҳолда ер рангидаги - қўнғир потолок оғир плита каби қабул қилинади (12 – расм). Тўқ рангда интенсив бўялган потолок оч рангдагига нисбатан пастроқдек туюлади (қабул қилинади), аксинча, потолокнинг ёруғроқ ранга (окроқ ёки очроқ ранга) бўялишига тўқ рангли деворлар қуршовида уни (потолокни) баландроқ ва енгилроқ кўрсатади. Тўқ рангли потолокни, масалан, айниқса кўк рангли потолокни кучли ёритишга тўғри келади, худди шунга ўхшаш потолок лекин оч сарикқа бўялганлиги кам (кучсиз) ёритиш уни баландга “кўтаради”.

Амалиёт шуни исботладики, интерьернинг рангли ечимининг гармониклиги кўп томонлама шарт – шароитланган ва у фақат рангларнинг уйғунлашиши бўйича ўрнатилган қонуниятлар асосида топилиши мумкин эмас. Бундан бу қонуниятларга асосланган тавсиялар амалий жиҳат фойдасиз деган тушунча келиб чиқмайди. Бу қонуниятларни билиш изланишларни енгиллаштиради, уларнинг йўналишини аниқлаб беради ҳамда аксарият ҳолларда уларни бажарувчиларнинг ўта шахсий ижодий сифатларига тўғридан – тўғри боғлиқ бўлади. Қуйида келтирилган мисолларда турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган хоналарнинг рангли уйғунлашиши ва шу билан биргаликда монументаль санъат предметларининг фонлар билан рангли уйғунлашиш паспортлари келтирилади (65-76 расмлар).

Шундай қилиб, юқорида таъкидланганлар ранглар имкониятининг беқиёслиги ҳақида гувоҳлик беради ва рақамларнинг қулланилишини қадимий анъаналарга эга бўлишига қарамасдан улар архитектурада ҳам етарли даражада тўлиқ тадбиқ этилмаган. Шундай фикрлар мавжудки, уларга кўра ранг шаклининг ажралмас қисми ҳисобланади ва архитектуравий асарлар орқали яратиладиган таъсуротларни белгилайдиган шарт – шароитлардан бош нюанслардан биридир. Бу фикрларнинг тўғрилиги рангларнинг аҳамиятини айниқса архитектура асарларини шакллантиришда доимо ҳисобга олиш зарурлигини яна бир бор уқтиради.

Бизнинг давримиздаранглар яшаш муҳитини яхшилашни, ташқи кенгликларни эстетик ташкил этишнинг ва айниқса интерьерни безатишнинг фаол воситасига айланиб борапти. Аммо рангларнинг қўлланилиши бизга маълум бўлган ва тан олинган чегараларига эга.

3- қисм. Турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган хоналар интерьерларни ёритишнинг алоҳида жиҳатлари

Турар-жой бинолари ва жамоат биноларининг ҳамма хоналари ва алоҳида жойлари уларнинг функционал мўлжалланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда табиий ва сунъий равишда ёритилади. Сунъий равишда ҳосил қилинадиган ёруғлик табиий ёруғликнинг етарли даражада бўлмаган ёки умуман бўлмаган ҳолатларда инсон ҳаёти ва фаолияти учун комфорт шартлари яратишда жуда муҳим аҳамият касб этади. Баъзи вазиятларда манбаларнинг қўллаш ёруғлик сунъий фақат табиий ёруғликдан фойдаланиш йўли билан амалда ечим бўлмайдиган масалаларни ечиш имконини беради.

Ёруғликнинг сунъий манбалари (чироқлар, лампалар) таъсир кўрсатиш принципи (галоген, газ разрядли, люминесцентли, симобли, тоблантирилган ва х.к.), ўлчамлари, шакли, ёруғлиги, таралиш спектри, ёруғликни қайтариш ва рангли ўзгарувчанлиги бўйича ҳар хилликка эга бўлади. (–расм). Ишлаб чиқариш ва жамоат биноларининг хона ва жойларида люминесцентли лампалар ёруғликнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади. Улар ёруғлик

прибор (масала)ларига ёки “қандил”ларга ўрнатилади. Бу ўрнатишлар ёруғлик манбаси (лампа)ни ва ёритиш арматураси (абажур, тарқатувчи)ни уйғунлаштиради, ёритиш арматураси лампадан таралаётган ёруғликни қайта тақсимлаб фазовий кенгликка узатади унинг хоссаларини қайта ҳосил қилади. Ёритгичлар битта система ёритиш ўрнатмасига гуруҳлантирилади. Ёритиш ўрнатмаларини (масалаларини) лойиҳалаштириш бажарилишида кўриш катта аҳамият роль ўйнайдиган ишларнинг шарт-шароитланганлиги ва кенгликни кўриш орқали қабул қилишнинг алоҳида жиҳатлари билан аниқланади.

Ёритиш масалаларининг ёритиш элементлари учта типга бўлинади – нуқтали, чизикли ва юзали. Биринчи типга шундай масалалар кирадики, улардаги чироқлар (лаппалар, ёритгичлар) мустақил элемент сифатида ишлайди, масалан, осма чироқлар (лаппалар), плафонлар, қандиллар, бра шундай элементларга тегишлидир. Иккинчи типга шундай масалалар тегишлики, улар ёруғлик полосаларига эга бўлган чироқлар гуруҳдан ташкил топади. Учунчи типга эса шундай масалаларни киритиш мумкинки, уларда чироқларни алоҳида ажиратиб бўлмайди, масалан, ёруғлик карнизлари, ёритилувчи потолоклар ва ҳ.к. яъни бунда чироқлар кузатувчининг кўзидан беркитилган ҳолатда жойлаштирилади.

Нуқтали чироқлага эга бўлган ёритиш масалалари мустақил равишда ёки бошқа типдаги чироқлар билан уйғунликда қўлланиши мумкин. Сунъий ёруғлик манбалари хоналарнинг ичига жойлаштирилади (ўрнатилади) ва муҳитнинг моддий элементлари деб ҳисобланади. Сунъий ёруғлик учун тўғри ёруғликдан фойдаланиш ва унинг текисликлар (юзалар) бўйича тарқалишининг эркин йўналтирилганлиги устун даражада характерлидир (III.5-расм).

Сунъий ёруғлик ёритиш ўзининг композицион приёмларига эга. Бу приёмлар ёруғлик эффектларининг декоративлик даражаси билан фарқланади. Масалан, “буғланаётган” потолок эффекти ёритилган (ёруғроқ) ва соялаштирилган (сояга эга бўлган) юзаларнинг контракти таққосланиши (қиёсланиши, солиштирилиши)дан ҳосил бўлади. Ёритиш манбалари отатда томашабин кўзидан яширилади яъни яширин жойга ўрнатилади. Бошқа приём жиҳозлаш, пардозлаш предметларини акцентирлаш учун деворда, полда ёруғлик “доғ”ларни ҳосил қилади. Учунчи приём табиий ёруғликнинг мумкин бўлган (эҳтимолий) имитацияси билан боғланган. Интерьердаги ёруғлик фазовий кенгликнинг ёритилганлиги орқали инсонга эмоциональ таъсир ўтказди.

Табиий муҳитда ёритилганлик ва рангнинг табиий алмашилиши қатор устивор ҳис қилувчанликни яратади, масалан, қуёшли кундан сергаклик ва хушёрлик ҳис қилинади, қоронғуликнинг сирлилигидан ва қўрқинчилиликдан хавотирланиш ҳисси уйғонади. Хоналарда ёритилганлик комфортини таъминлашда ва руҳий кучланганликни бартараф этишда кундузги табиий ёритиш катта роль ўйнайди. Ёруғлик билан боғлиқ ишларнинг композициялари концентрлаштирилган ёки тарқатилувчан ёруғликнинг ёки уларнинг комбинациялашнинг ташкил этилишига асосланади. Бундай вазиятларда ёруғлик манбанинг фазовий шаклда жойлашиш ўрни катта роль ўйнайди.

Қуёшдан таралаётган нурлар ёки осмондан тушадиган ёруғлик одатда ёруғлик приёмлариданф тушади. Улар катта ёки кичик (кўп ёки кам) бўлиши мумкин, лекин умуман олганда предметларнинг яққол кўзга ташланишини таъминламоғи зарурдир, бунда улардаги юзалардан қайтган ёруғликнинг равшанлиги ёки хиралиги ва кўринмаслиги бундан мустанодир. Табиий шароитларда фазовий шакллар тарқалган ёруғлик билан устун даражада ёритилади, айниқса ёпиқ бозорлар, дўконлар, кўргазмали повильонлар ва шунга ўхшаш иншоотларда бундай ёритилиш катта самара беади (5.6 - расм).

Ёруғлик ҳаракати физик қонунларга бўйсунди: ёритилганлик ёруғликнинг кучига, манбанинг жойлашиш масофасига ва ёруғлик нурларининг тушиш бурчагига боғлиқ. Кўз орқали бу ёритилганлик ёруғлик туфайли ҳосил бўладиган сояларнинг қуюқлиги (интенсивлиги) ва уларнинг намоён бўлиш характери кўринишида қабул қилинади. Кичик ппроёмли хоналарда тарқатилган акс ёруғлик (қайтган ёруғликнинг тарқалган ҳолда таралиши)нинг улуши ўсади, ёруғ участкалардан бошлаб қоронғироқ участкаларда ҳам ёритилганликнинг катта градацияси ҳосил бўлади. Кўп рефлексларга эга бўлган акс ёруғлик (қайтган ёруғлик) муҳитнинг ноодатийлигининг ҳис қилинишини юзага келтиради. Савдо масканларининг ойнали сводлар орқали ёритилганлик даражаси шаҳар кўчаси билан боғлиқ асоқиани чиқаради. Юқоридан тўғри йўналтирилган ёруғлик ёки ён томондан қайтган ёруғлик юза бўйлаб тарқалади ва унинг пластикасини шакллантиради. Катта приёмларда “оқувчан” ёруғлик ҳосил бўлади (юзага келади) ва бу ёруғлик тўсиқларнинг контури ва сулуэти бўйлаб геометрик сифатларнинг юзага чиқишини шарт – шароитлайди. Агар биринчи вазиятда (шакл - оболочки) учун массанинг скульптурлигининг намоён бўлиши характерли бўлса, иккинчи вазият учун графиклиги характерлидир.

Замонавий лойиҳалаш – қурилиш амалиётида табиий ва сунъий ёруғлик билан қўшма тарзда ёритиш системасининг ривожланишида янада кўпроқ бўляпти.

Ёритишнинг бундай системасининг бош ижобий сифати шундаки, у хонанинг баландлигини ошириши, кўриш орқали бажариладиган шароитининг нисбий доимийлигини интерьер архитектурасининг қабул қилинишини таъминлаши мумкин. Интерьерларнинг ёритилишини лойиҳалашда иккита асосий масала ечилади: функциональ масала кўриш билан бажариладиган шунинг конкрет шароитлари учун зарур бўлган ёруғликнинг даражаси ва сифатини таъминлаш: эстетик масала – архитектуравий ёруғликнинг образини ёритиш, фасадга ва интерьерга архитектуравий гўзаллик бериш.

Лойиҳалаш пайтида, лойиҳа устида ишлаш жараёнида белгиланган (чамаланган) ёритиш воситаларининг фазовий кенглик, шакл, пластика ва ранг билан ўзаро таъсирлашувини олдиндан кўра билиш масала масаласи олдинга қўйилади. Объект ёритилишининг эстетизацияси қуйидаги масалаларнинг ечилиши билан ҳал этилади: фасад ва потолок, деворлар, интерьер поли ва жиҳозлари ўйланган образга мувофиқ элементлари ёрқинлигини танлаш ва тақсимлаш ва интерьерда ёруғлик ёрқинлигининг ҳис қилинишини яратиш; дискомфортли ялтироқликни бартараф этиш; ёруғликниг спектриал таркибини

танлаш. Жамоат бинолари кўплаб интерьерларининг образи архитекторнинг катта, ёруғлик билан ёрқинлашган фазовий кенглик таъсуротини яратишга, монотонликнинг, ҳамда конструкция оғирлигининг ҳис қилинишини бартараф этишга ҳаракат қилиши билан туғилади. Бу масала, айниқса, ер ости иншоотлари (метрополитен бекатларида, ер ости ўтиш йўлларида ва ҳ.к.)да алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Тошкент метрополитенидаги бир нечта бекатлари (масалан “Алишер Навоий”, “Амир Темер”, “Ҳамид Олимжон” бекатлари)да конструкциялар оғирлиги ва катта кучланганлигининг ҳис қилинишини бартараф этилишига ушбу станцияларда ёруғлик оқимининг тўғри тақсимланишини йўлга қўйиш орқали эришилди. Намойиш этиш заллари ва картинали галериялар ҳамда операторлик хоналарининг ёритилишини лойиҳалашда кўриш дисконфортини яратадиган, кўрилаётган предметларнинг нормаль кўринишига ҳалақит берадиганҳар қандай ялтироқликлар, ойнали акс эттиришлар салбий аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бундай вазиятларда хоналарда бир меъёрдан ёруғликни яратиш имконини берадига кенг тарқалган системаларни қўллаш тақоза этилади (5.6 – расмга қаранг).

Замонавий бино ва иншоотларда киритиб қурилган ёритувчи потолоклар, карнизлар, тахмонлар, панеллар кенг қўлланилмоқда ва улар интерьер архитектурасининг элементлари қаторига киритилган. Кейинги йилларда жамоат бинолари интерьерларида ёритилувчи потолоклар ва панеллар кенг тарқалиб бормоқда. Ёритилувчи потолоклар ва панелларнинг архитектуравий – конструктив одатда осма конструкциялардан ташкил топади, улар устидаги оралиқ фазовий кенгликдан лампаларни монтаж қилиш учун фойдаланилмоқда. Ёритилувчи томонлар шу билан бир қаторда акустик (104 шовқинли сўндирилиш) ҳамда санитар – техник функцияларни ҳам бажарилиши мумкин. Кўп функционалли потолок қурилмасининг схемаси 5.8 – расмда келтирилган. Ёритилувчи потолок яратиш учун киритилган ҳолда ўрнатиладиган қуввати 150вт бўлган лампали нуқтавий ёритгичларни қўллаш мумкин. Уларда диффузор ролини ҳимоя бурчаги $30 - 45^{\circ}$ бўлган ҳалқали панжара бажаради. Бунда ёрқин ёнадиган лампалар нуқталарига эга бўлган тўқ рангдаги потолокка эришилади ва у “юлдузли осмон” деб номланган.

4-қисм.Интерьернингпредметлимуҳити.

Инсоннингсунъиймуҳитидагиҳаётий-фаолиятжараёнларифункциональварухийистеъмолучунзарурбўлганкўпсондагипредметларкуршовида (қамровида) ўтади. Хонафазовий-кенглигидатақсимланандиганважойлашадиганбупредметларпредметлимуҳитнихосилқилади, предметлимуҳитўзигаишлабчиқариш, техникаинформационжиҳозларҳамдамебельватурмушдагипредметларниўзичигаолади. Бинодатеchnикжиҳознингзарурийгигиеникпараметрлари – ҳарорат, ҳавоалмашинуви, ёруғликнингмавжудбўлиши (борлиги) муҳитнингзарурийгигиеникпараметрлари-ҳарорат, ҳавоалмашинуви, ёруғликнингмавжудбўлишивазарурбўлганмеъёрдаушлабтурилишибиланбоғлиқ. Тегишлиўрнатмаларасосий-хоналаргажойлаштирилишивауларинтерьергатаъсиркўрсатишимумкин. Ме-

белларнинг кенг номенклатураси предметли муҳитнинг композицияси учун элементларнинг асосий тўплами (набори)ни намоён этади (ташкил этади).

Тўсувчи конструкциялар (деворлар, перегородкалар, панжаралар) текислиги декорининг қўшимча элементлари бўлиб турмушдаги ва амалий санъат предметлари (идишлар, картиналар, матолар, скульптура, фото суратлар ва ш.ў.) хизмат қилиши мумкин.

Кейинги йилларда жамоат ва саноат хоналарида стационар ва динамик, тасвирловчи ва овозли, текис юзали ва ҳажмли турлича информатив ўрнатмаларнинг қўлланилиши кенг тарқалиб борапти. Предметли муҳим буюмларига бўлган эҳтиёж меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва турмушдаги камфортнинг ошишига боғлиқ ҳолда муттасил равишда кенгайиб борапти. Чегараланган ҳунармандчилик маҳсулотлари асосан саноатда ишлаб чиқариладиган жиҳозлар, мебеллар ва маданий-маиший предметлар билан алмашинди. Бу кўп сонли ва кўп миқдордаги эҳтиёжни қондириш имконини беради. Саноатда тайёрланадиган буюмларнинг бадий сифатини таъминлаш лойиҳалаш жараёнига дизайнерларни киритиш орқали ҳам қилинади.

Бир томондан типли буюмларнинг кўп нусхада чиқарилиши, иккинчи томондан уларнинг якунланган индивидуаль эҳтиёжлилиги (истеъмол қилиниши) орасидаги зиддият мода ривожланишининг қонуниятларидарвозасига келиб қолган намуналарнинг батамом алмашинувини юзага келтиради. Анча капитал бўлган (сер харажат, қимматроқ бўлган) буюмлар, нарсалар, масалан мебелларнинг фойдаланиш муддатини ўзайтириш воситаси бўлиб, уларнинг анча универсаль шаклларини излаб топиши хизмат қилади: бадий белгилар (безаклар) билан боғланган алоҳида буюмлардан предметлар тўпламига (гарнитурларга) ўтиш, ундан кейин эса-алоҳида элементлар тайёрлашга ўтилади (секциялар) (1-расм).

Конкрет фказовий кенгликларда элементларни кўчириш нуктаи-назаридан майдонлаштириш ва универсаллаштириш мебеллар шаклларини мумкин қадар композицион бежиримлаштириш билан қисман боғлангандир.

Бадий ижодни ўзида мужассам этган мустақил ижодий фаолият сифатида жиҳоз (мебель) нинг алоҳида предмети инсонга эмоциональ таъсир кўрсатадиган маълум эстетик баҳога эга бўлади. Бир қанча буюмлар автоном ҳолатда бўлиши, бошқалари атрофидаги моддий объектлар билан ҳар доим ўзаро таъсирлашган ҳолда муҳитда намоён бўлади. Жиҳоз ва мебель архитектуравий муҳит ва унинг шакл ва тўсиқлари (тўсувчи конструкциялар) билан боғлангандир.

Бу боғланганлик пассив бўлиши мумкин, бунда предметларнинг мавжудлиги композицион аспектларга дахлсиз бўлади ёки фаол бўлиши мумкин, бунда предмет ёки уларнинг гуруҳи шакл ҳосил қилувчи компонентлар билан ўзаро таъсирлашувга киришади. Бу ерда предметнинг хусусий шаклининг (ҳажмий ёки текис) умумий сифатлари:- роль ўйнайди, ўлчамлари, материал, ранг, фактура ва жойлашиши ўрни ва шу кабилар муҳим аҳамият касб этади. Жиҳознинг предмети интерьерни композицион ташкил этиш воситаларидан бирига айланади.

Предметли муҳитнинг композицион ташкил этишининг интерьерда архитектуравий элементлар ва жиҳозларни ўрнатишнинг ўзига хос “синтези” сифатида кўриб чиқиш фазовий ва материалли “муносабат”ларнинг қатор приёмларининг белгилаш мумкин. Энг бош приёмлардан бири бўлиб, тўсиқ билан физик боғланганлик приёмидир. унинг моҳияти шундаки, жиҳоз предметининг иккита ҳолати мавжуддир – мобилли (кўчувчан) ва стационар (кўзғалмас) ҳолатлар. Биринчи вазиятда буюмлар мустақил конструкцияга эга бўлади. Предметнинг габаритлари ва массаси алоҳида бўлган физик кучларсиз унинг хонадаги ҳолатини ўзгартириш ва композицион гуруҳлаштириш ва мебеллар конкрет интерьерга мўлжалланади.

Мебель гарнитури предметларини гуруҳлаш комбинация принципларига асосланади ва композицияни ўз ичида ечади (25. III. расм) стационар ҳолат жиҳоз шакли ва материалларининг тўсувчи функциялар билан узлуксиз боғланганлигини ва жиҳоз ўрнининг доимийлигини ифодалайди. Бу каминлар, кўшма тарзда қурилган шкафлар, дам олиш ва кўтиш жойлари гуруҳи ва шу кабилар киради. Улар учун жиҳознинг бир вақтнинг ўзида тўсувчи конструкция ва интерьернинг бадиий ғояси билан органик боғланганлиги характерлидир.

А). Жиҳоз предмети ёки жиҳозлар гуруҳи шакл ёки ҳаракатланиш йўналишининг геометрик ўқини белгиловчи фазовий кенгликда акцентли объект ролини бажариши мумкин. Никоҳдан ўтказиш саройида рўйхатга олиш столи тантанавор жараённинг кульминациясига айланади (27. III. расм).

Б). Тўсувчи конструкция ёки фазовий кенгликнинг ритмик композициясига киритиладиган оддий элемент сифатида роль бажаради. Тошкент метрополитенининг Ҳамид Олимжон бекатида зал ўқи бўйича торшерлар қўйилган. Торшерларнинг асосланган ритми бутун узунлик бўйича бекат кенглиги ривожланишининг аниқ динамикасини ташкил қилади.

В). Жиҳозларнинг деворлар ташкил этилишнинг асосий восита сифатида киритилиши савдо-сотиқ жойлари ва яшаш хоналарида кенг тарқалган. Бу ерда фазовий (майда пластика) ва текис юзали ечимлар уйғунлашади. Декаратив-амалий санъат предметларининг текис юзага тақсимланиши текис юзали ечимга тегишлидир (.... расм).

4 параграф. Квартираларнинг интеръери ва жиҳозлари.

1-қисм. Интеръерни ташкил этишининг функциональ-фазовий асослари.

Яшаш ячейкаси (квартира) кучни тиклаш функциясини сақлаган ҳолда шундай жойки, унда қандайдир меҳнат билан шуғулланиши, бутун оила ва оилага яқин инсонлар, дўстлар йиғиладиган (тўпланадиган) қисқа қилиб айтганда истиқомат қиладиган, шахсий гигиенани тартибга соладиган яъни инсоннинг жисмоний ва руҳий кучини ривожлантириш учун зарур бўлган шароитларга эга бўлган маскандир. Бундан ташқари квартирада биноларни тарбиялаш, таомлар тайёрлаш, хоналарнинг ораста қимлиниши билан боғлиқ бўлган кундалик турмуш жараёнлари бажарилади.

Яшаш ячейкасида рўй берадиган фаолиятларнинг ҳеч бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, квартиранинг қилади: яшаш ячейкаси шахснинг индивидуаль ҳаёт кечириш ва умум оилавий муносабатлар жойидир. Агар квартира ушбу асосий талабларга мувофиқ келмаса, (жавоб бермаса) у тўла қонли яшаш жойи деб ҳисобланмайди. Тумушдаги (рўзғордаги) жараёнлар ўзининг характериға кўра жуда кўп сонли ва турли-тумандир, уларнинг қанчалик кўп ва турли-туман бўлади.

Ҳар хил жараёнлар ва талаблар яхшироқ ҳисобға олинади ва юзага чиқарилади, яшаш жойи янада шинамроқ (комфортабилли) бўлади. Ҳар бир кишининг ва бутун оила манфаатларининг гармоник бирлигига эришиш учун индивидуаль ҳамда умум оилавий эҳтиёжларға мос келадиган фазовий кенгликнинг кўзда тутилиши тақоза этилади. Индивидуаль ва умум оилавий фазовий кенгликлар бир-биридаги изоляцияланган бўлиши зарур. Ҳар бир функциональ жараёниға ўзининг мустақил фазовий кенгликнинг берилиши анча рационаликка эришишға олиб келади. Яшаш жойининг ҳамма кўпобразлилигини барча ҳар хил таркибли оилалар учун уларнинг умумий белгилари бўйича қуйидаги гуруҳларға бўлиш мумкин:

- Соф биологик эҳтиёжлар бирлиги билан боғлиқ бўлган функциялар;
- Бир киши бўлгани каби оиланинг бир-неча аъзолари учун ҳам маъқул бўладиган (қовуштирилган) жараёнларни ташкил этувчи функциялар;
- Тўлиқ қовуштириб бўлмайдиган жараёнларнинг функцияси.

Функцияларнинг бундай ажратилиши ҳам квартира фазовий кенглигини қисмларға ажратиш, унинг алоҳида хоналарини ташкил этиш асосида ётади. Ҳар бир хона бунда юқорида кўрсатилган функциялар гуруҳининг битта қаториға мувофиқ келади. Квартиранинг структураси оила таркибидаги кишилар сониға қараб ҳам аниқланади.

Квартирадаги функциональ боғланишлар системаси ва унинг фазовий ташкил этилиши унда истиқомат қилувчиларнинг сониға бевосита (тўғридан-тўғри) боғлиқ бўлади. Ҳар бир кишиға унинг эҳтиёжларини қониқтириш учун мўлжалланган фазовий кенгликнинг таъминланиши талаб этилади.

Умумий хонанинг дифференция қилинишининг зарурлиги айниқса катта оилалар учун мўлжалланган квартиралар учун асосий функцияларға қаториға киради. Таомлар (овқат) тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ва турли нарса-буюмларни сақлаш билан боғлиқ функцияларни бажариш ошхона зиммасиға тушади. Лозим бўлган ўлчамлари ва рациональ режаланиши хизмат қилади. Шахсий гигиеналар билан боғлиқ бўлган процедуралар (функциялар) санитар тугунидан хоналарда жамланади. Ҳар бир квартиранинг даҳлизига эға бўлиши тақоза этилади. Даҳлиз алоҳида жойлашган хоналарни бир-бирлари боғлаш вазифасини бажаради, у квартира ичидаги коммуникацион зона ҳамда квартирани кўча билан боғлайдиган зона деб ҳам бўлмайди.

Шундай қилиб, квартирадаги энг устувор албатта бўлиши шарт бўлган хоналар:

Яшаш хоналари - ухлаш хоналари, умумий хона;

Ёрдамчи хоналар – ишхона, чўмилиш-ювиниш хонаси, хожатхона ва даҳлиз.

Яхши ташкил этилган яшаш (турар-жой) кенглиги, демак, квартира интерьерининг ҳам яхши ташкитл этилганлиги, унинг функциональ талабларга тўлиқ мувофиқ келиши (жавоб бериши) билан аниқланади. Турмушдаги ҳамма жараёнларнинг меъёрий ўтказилишини таъминлайдиган кенглик, хусусан яшаш (турар) жойни лойиҳалашнинг мақсадини ташкил этади. Инсоннинг турар-жойга бўлган ҳаётий эҳтиёжи иккита йўналишда намоён бўлади. Бир томондан, турар-жойда физиологик эҳтиёжлар мажмуасига (комплексига) руҳий (психологик) ва эстетик характердаги элементлар киради.

Инсон ҳаётий фаолиятининг бу икки томони бир вақтнинг ўзида намоён бўлади. Функциянинг яхши ечилганлиги, қониқиш ҳосил билан белгиланади (баҳоланади) яъни агар қачонки функция яхши ечилган бўса, шундагина яшаш жойи инсонда қониқиш ҳиссини уйғотади, агар яшаш жойидан фойдаланиш жараёнида ноқулайликлар юзага келса, у ҳолда бундай вазият инсон ҳолатига салбий ва фазовий кенгликларнинг ҳосил қилинишига фаол таъсир кўрсатади. Айнан шу ердан улар турар-жойга мансуб бўлган (тегишли бўлган) ифодани топади. Яшаш ячейкасининг энг оддий структурали бирлиги бу хонадир. Хонанинг эни ва бўйининг ўлчамлари бўйича габарити умуман олганда инсон томонидан бажарадиган функциональоперациялар ва ҳеч қаршиликсиз ҳаракатлана олиши, хоналардан жиҳозларнинг эркин кўчирилиши ва оилавий (гуруҳли) мулоқот учун етарли бўладиган фазовий кенглик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Турмушдаги жараёнларнинг кўп сонлилиги ва турли-туманлиги ва уларнинг янада ортиб бориши турли талаб ва эҳтиёжларнинг юзага чиқишини ва уларнинг янада яхшироқ ҳисобга олинишига замин яратади, бу эса яшаш жойининг шинам бўлишига олиб келади.

Бўлиши албатта лозим бўлган хоналардан ташқари квартирада очик кенгликлар-лоджил, балкон, тераскаларнинг бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ келади. Квартиранинг ҳар бир хонасида бир-нечта функциональ жараёнлар амалга оширилади, шу сабабли улардан ҳар бири учун маълум фазовий шароитлар яратилган бўлиши лозим, бу шароитлар биринчидан зарур бўлган жиҳозлар тўпламини жойлаштириш имконини беради, иккинчидан бу жиҳозлардан фойдаланишда инсон қулай ҳаракатланиши таъминламоғи зарур, учунчидан жиҳозларнинг ҳамма предметларига инсоннинг эркин тарзда етиб борилишини таъминлаш учун хизмат қилмоғи керак. Бундай фазовий кенгликлар функциональ зоналар деб аталади. Шунингдек, квартиранинг ҳар бир хонаси ўзининг ҳажмида тегишли функциональ зоналарни жамлайди.

2-қисм. Квартиранинг жиҳозлари.

Хоналарнинг режаланишида зоналарни бевосита эгаллаган юзаларда (майдонларда) хона бўйича ҳаракатланиш ва бошқа хоналарга ўтиш учун зарурбўлган юзалар (майдон) нинг ҳам кўзда тутилиши тақоза этилди. Бу

яшаш жойи (хоналари) учун жуда муҳимдир, чунки функциональ жараёнларнинг мураккаблиги ва турли-туманлиги предметларнинг кўп сонлилиги билан боғлангандир, улар фазовий кенгликни “ютиб” юбориши (банд қилиб) қўйиши мумкин, бунинг оқибатида ички муҳитнинг торлиги ҳис қилинади. Шунинг учун жиҳозларни шундай жойлаштириш тақоза этиладики, бундай жойлаштириш функциональ жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишга жавоб берсин ва кўриш орқали яхши қабул қилинсин.

Жиҳозларни жойлаштиришнинг ҳар бир варианты фазовий эркинлиги нуқтаи-назаридан баҳоланилади. Ҳозирги вақтда квартира жиҳозларининг иккита турли мавжуд – кўчириладиган мебеллар ва қўшма тарзда қуриладиган мебеллар. Кўчириладиган мебеллар ичида юқори таъкидланганидек, турли системаларга ва конструкцияларга эга бўлган секцияли мебель кенг тарқалган. Қўшма тарзда қуриладиган мебель тахмон (ниш)нинг ичига қурилиши (ўрнатилиши) ёки шкаф перегородки кўринишида ўрнатилиши мумкин. Яшаш хоналари юзасининг $30 \div 40$ % қисмини мебеллар банд қилади. Ишчи жойлар бир-нечта гуруҳларга ажратилади: ухлаш, дам олиш, индивидуаль иш жойлари, маданий-маиший ишлар жойи, овқатланиш жойи, овқат тайёрлаш, шахсий гигиена жойи.

Ишчи жойлар бир ёки бир-нечта кишиларнинг улар ҳаракатланишининг характери ҳисобга олган ҳолда қулай ҳаракат қилишларига мўлжалланади ва мослаштирилади ҳамда мебелларнинг позицияси ва жойлашиш ўрни (қандай ҳолатда жойлаштирилиши) ҳисобга олинади. Вертикаль қисмлаштириш алоҳида ҳажмли предметлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда одамнинг физик ўлчамларига бўйсунди. Бунда жиҳозларга етиб бориш имконияти ҳам ҳисобга олинади (....расм).

Шакл, ўлчамлар ва ўзаро жойлаштиришга бериладиган меъёрий тавсиялар (меърлар)дан фойдаланиш лойиҳавийчига жиҳозларни гуруҳлаш вариантларини таҳлил қилишда ёрдам беради ва хоналардан рациональ фойдаланишни кафолатлайди (хоналарнинг рациональ эксплуатация қилинишга кафолат берилади). Секцияли мебель тайёр секцияли ҳолатда ёки кейинчалик йиғиладиган алоҳида деталлардан иборат бўлиши мумкин. Секцияли мебель яшаш хоналари замонавий интерьерини ташкил этишнинг талабларига тўлиқ жавоб беради; енгил гуруҳлантирилади ва оиланинг сонли таркибига мувофиқ келувчи исталган мебеллар тўплами (набори)ни бериш мумкин. Интерьердаги турли зоналарни жиҳозлашда айнан бир хилдаги секциялардан фойдаланиш анча яхшироқ ва қулайроқдир.

Секцияли мебельнинг бундай хусусиятга эга бўлиши алоҳида предметларнинг универсаллиги билан таъминланади. Оддий қурилмали элементлар билан бир қаторда иккита вазифага эга бўлган трансформали секциялар ҳам кенг қўлланилади. Ажратиш қурилмаси (мосламаси)га эга бўлган мебеллар столлар ва секретериялар, ажратиладиган ва суриб очиладиган кроватлар, ичкарига йиғиладиган чизиш тахталари (доскаларига) га эга бўлиш имконини беради (75-расм). Шкафли перегородкалар (оралиқ тўсувчи деворлар) жиҳозларининг энг замонавий тури ҳисобланади. Улар одатий тушунчада хизмат қилиши ва шу булан бир қаторда квартирадаги

мебелларининг катта қисмини алмаштириши (ўрнини босиши) мумкин. Қўшиб қурилган жиҳозлар квартираларнинг шинамлигини (комфортабеллигини) оширади, юза ва ҳажмлардан анча мақсадга мувофиқ фойдаланишга имконият яратади.

Шкафли перегородка зонасидаги полдан потолоккача бўлган фазовий кенглик фойдали сиғим деб ҳисобланади, айнан унинг эвазига хоналар кўчириладиган мебеллардан озод этилади. Агар яшаш хоналарида пол юзасининг 40 фоизини тигис жойлашган мебеллар эгалласа, шкафли перегородкалардан фойдаланилганда бу кўрсаткич тахминан 30фоизини ташкил қилади (перегородкалар билан биргаликда), фойдали сиғими ҳажми битта одам учун 2 м^2 ни ташкил этса, одатдаги мебеллардан фойдаланилганда эса бу кўрсаткич битта одам учун $1,1 \text{ м}^2$ ни ташкил этади (3-4 кишилик ўртача оилалар).

Шкафли перегородкаларнинг секциялари ва бўлимларининг барадиган вазифалари жуда хилма-хил бўлиши мумкин ва улар шкафли перегородка қаратилган хонанинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади. Бу идиш-товоқлар, чойшаблар бўлиши мумкин. Бундан ташқари шкафли перегородкага ажратувчи столлар краватларни ва хўжалик ишларига мўлжалланган шкафли перегородкага йиғиладиган дазмоллаш тахталари тикув машиналари ва шунга ўхшашларни киритиш мумкин. Қўшиб киритилган мебеллардан фойдаланиш хоналарни ораста қилиш соатларидагина “қўл” келади ва квартирадаги бўш фазовий кенгликни кенгайтиришга шарт-шароит яратади.

Шкафли перегородкаларининг қўлланилиши интерьер архитектурасига сезиларли таъсир кўрсатади-квартиранинг фазовий кенглигидан яхшироқ (унумли) фойдаланиш имконини яратади, уларнинг қўлланилиши туфайли квартирада зарур бўлган қулайликлар ва шинамликни яратиш (ҳосил қилиш) енгил кечади. Шкафли перегородкалар алоҳида секциялар занжири кўринишида бир қаторли, ҳамда икки қаторли қилиниши мумкин, хизмат кўрсатиш характери бўйича эса битта хонага қаратилган ҳолда бир томонли ва икки хонага хизмат кўрсатиш мақсадида икки томонли бўлади. Хоналар гуруҳларига хизмат кўрсатиш учун уч ва тўрт томонли шкафли перегородкалар қўлланилиши ҳам мумкин. Битта шкафли перегородка таркибида бир томонли ва икки томонли хизмат кўрсатувчи элементлар қўшма тарзда бўлиши ҳам мумкин. Бундай аралаш системалар жуда кўп ва тез-тез учрайди (76а-расм).

Лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ қўшма тарзда қурилган жиҳозлар элементларидаги бўлимлар энининг қуйидаги ўлчамлари қабул қилинган: китоблар ва идиш-товоқларни сақлаш бўлимининг эни 30 см, хўжалик предметларини сақлаш учун-45 см, устки кийимлар ва чойшаблар учун-60 см. Фронталь йўналиш бўйича қисмларга ажратиш қабул қилинган модульга мувофиқ тарзда бажарилади. Шкафли перегородка сурулувчи ёки осма яхлит табақалардан, ички ҳажмни максималъ очадиган ойнали бўлиши мумкин.

Кўшма тарзда қуриладиган шкафли-перегородкалар нафақат хоналарнинг функциональ вазифаларга, балки бинонинг конструктив схемасига ҳам боҳлиқдир. Катта бўлмаган қадимга эга бўлган кўгдаланг деворларда шкафли перегородкалар деворлар орасидаги бўшлиққа жойлаштирилади ва квартиранинг марказий қисмидан ўрин эгаллайди. Бўйлама юк кўтарувчи деворлар конструктив схемасида шкафли перегородкалар юк кўтарувчи деворларда перпендикуляр ҳолатда жойлаштирилади. Каркасли системада калонналар квартира интеръерида жойлашган бўлса, у ҳолда улар камарнинг жойлашиши ҳолати (қандай ҳолатда жойлашиши) аниқлаб (76 а - расм). Шкафли перегородкаларнинг иккита қўшилган (қўшимча) ухлаш хоналарининг (ётоқ хоналарнинг) орасига жойлаштирилиши жудаям мақсадга мувофиқдир, чунки сақланиши лозим бўлган предметларнинг катта қисми айнан ухлаш хоналарига тўғри келади. Бундан ташқари шкафли перегородкаларнинг умумий хона ва ошхона орасига жойлаштириш ҳам кенг тарқалган. Бу ерда перегородка элементлари таркибига хоналар ўртасидаги алоқани таъминлайдиган эшикларнинг проёмлари ҳам киради. Замонавий квартира жиҳозланишида ҳаракатланувчан перегородкалардан кенг фойдаланилмоқда, улар ёрдамида хоналарни қайта режалаш мумкин. Исталган пайтда перегородкаларнинг ўлчамларини ўзгартириш ёки уларни тўлиқ олиб ташлаш ҳам мумкин ва шу тариқа интеръернинг фазовий композициясига таъсир кўрсатиш мумкин.

Кўчирилувчи (ҳаракатланувчан) барча қурилмаларнинг асоси бу йўналтирувчи “юклар” дир, улар потолокка маҳкамланади. Уларга махсус ғилдираклар ёрдамида пардеворларнинг табақалари осилади. Бу табақалар энсиз бикр элементлардан тайёрланиши мумкин ёки пластикдан тайёрланган юмшоқ қопламаларга ва мухсус матоларга эга бўлади.

Бундай пардеворларни нафақат тўғри чизиқ бўйича, балки эгри чизиқли йўналиш бўйича ҳам ҳаракатланиш мумкин; бунинг учун “йўналишлар” нинг тегишли йўналиши кўзда тутилади (77-расм). Ўрама ҳаракатланувчи пардеворлар майда ёғоч тахтачалардан ёки полимер материаллардан тайёрланади; улар ҳам горизонталь ҳам вертикаль ҳаракатланиш йўналишига эга бўлади. Квартирадаги фазовий кенгликни қисмларга ажратиш воситаси сифатида ва тўсувчи қурилмаларнинг бошқа турлари билан уйғунликда ҳаракатланувчи пардеворлардан хоналарни бутун бўйи ва эни бўйича тўсишда фойдаланиш мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида қисмлаштириладиган умумий текисликни ташкил этган ҳолда одатдаги ҳаракатланувчи пардеворлар биргаликда қўлланилиши мумкин. Баландлик бўйича ҳам ҳаракатланувчи пардеворлар хонанинг бутун баландлигини ёки маълум бир қисмини эгаллаши мумкин. У ёки бу усулни танлаш интеръернинг умумий архитектуравий ечимга боғлиқ бўлади.

Конструкцияси бўйича енгил ва оддий бўлган замонавий мебель ҳаракатланувчи пардеворлар билан уйғунликда яшаш жойининг етук функциональ-режавий ва анча юқори бидий сифатли интеръерларни ташкил этиш имконини беради.

3-қисм. Квартира хоналарининг интерьерларини шакллантириш.

Квартира юқорида таъкидланганидек, табиий-иқлим шароитлари, аҳолининг маданий-маиший жиҳатлари, оила аъзоларининг касбий фаолиятларининг тури, иқтисодий шароитлар таъсири остида шаклланадиган элементлар яшаш ячейкасини ўзида намоён этади (20-расм).

Квартираларнинг ўлчамлари ва унинг хоналарининг таркиби кенг чегарада тебранади. Одатда бу бир-, икки-, уч- ва кўп хонали квартиралар бўлиб, улар оддий ва мураккаб режавий ечимларга эга бўлади. ҳозирги вақтда қурилиш меъёрлари орқали бир кишига 12 м² майдон ва яшаш хоналари сони 1 дан 5 тагача бўлган квартираларнинг 10 та типи ўрнатилган. Ўзбекистонда кўп болали (серфарзандли) оилаларнинг кўплиги билан характерланадиган кўп хонали квартиралар қурилишда кенг тарқалгандир.

Кўп хонали квартираларга эга бўлган яшаш уйларининг турлари-лойиҳалаш қурилиш амалиётида энг муаммоли деб ҳисобланади: бу бу квартираларнинг қўлланилиши кенгайтирилишини ёки яшаш уйлари корпусларининг узайтирилишини талаб қилади. Лойиҳаловчиларнинг бу борадаги изланишлар хоналарнинг икки сатҳда жойлашишини кўзда тутадиган, етук оригиналь режавий ечимларни берди

Кўп хонали квартираларда ҳамма хоналар бешта асосий функциональ зоналарга ажратилади: тантановор, хўжалик-коммуникацион, ирсий, рекреацион ва санитар-гигиеник зоналар.

Тантановор зона умумий хона (овқатланиш хонаси) ва кабинетни ўз ичига олади.

Умумий хона (овқатланиш хонаси) ўзида кўп функционалли хоналарни намоён этади (...-расм). Унда овқатланиш, оилавий тантаналар ўтказилади, меҳмонларни қабул қилинади. Шу сабабли квартиранинг режавий структурасида унга марказий жой ажратилади, оила аъзоларининг сонига боғлиқ равишда унинг майдони 20 м² ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Лойиҳавий ечимларида уни бевосита овқат тайёрлаш хонаси ва дахлиз яқинига жойлаштирилади (21-расм).

Алоҳида вазиятларда майдонни кенгайтириш ва умумий хона (овқатланиш хонаси) ва овқат тайёрлаш хонаси орасида ягона кенгликни яратиш мақсадида ҳаракатланадиган пардеворлардан фойдаланилади (22-расм). Бунда овқат тайёрлаш хонасидан умумий хонага ҳидларнинг утишини бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар олдиндан белгиланади. Умумий хона (овқатланиш хонаси) ўтиш жойи ҳам бўлиши ҳам мумкин ва кабинет ҳамда ухлаш хонаси билан боғланган бўлади. Бундай ҳолда шинамлиқни (комфортликни) пасайтирадиган эксплуатацион сифатлардан холи бўлишда лойиҳалаш меъёрлари бўйича унга фақат битта хонадан киритишни ташкил этишга йўл қўйилади (23-расм).

Иссиқ иқлимли районларда, хусусан Ўзбекистонда йилнинг катта қисми мобайнида (давомида) маданий-маиший жараёнлар очиқ ҳавода ўтказиладиган ҳудудларда овқат тайёрлаш хонаси ва умумий хона қўшилган тарзда жойлаштирилади ва бир-бири билан лоджия ва балкон воситасида бирлаштирилади (24-расм).

Умумий хонанинг габаритлари (хона бўйининг унинг энига нисбати) кўпинча ёритиш системасига (ён томонли ёки икки томонлама) боғлиқ бўлади ва 1:1, 1:2, 2:3 гача бўлган нисбатларни ташкил этиши мумкин. Бундай габаритларда мебелар ва жиҳозларни рациональ жойлаштириш имкониятлари намоён этилади: овқатланиш учун (тушлик, нонушта) столи ва стуллари, китоблар учун шкаф, журналлар столчаси, телевизор ва радио қабул қилгич столи, юмшоқ курсилар (кресло) ва диван, сервант ва ҳ.к. (25-расм). Бироқ шуни айтиш жоизки, хоналарнинг мебеллар билан тигис тўлдирилиши қулайлик ва шинамлиқни таъминламайди. Мебеллар таркиби функциональ вазифаларга ва хонада ўтказиладиган маданий-маиший жараёнларга жавоб бермоғи лозим. Бу борада қўшиб қурилган мебель каби эластик жиҳозлардан фойдаланиш (одатда бу бир-икки хонали краватларда бўлади) энг рациональ ёндашув деб ҳисобланади. Бу жиҳознинг устунлик томони шундаки, биринчидан ундан қўшилган хоналарнинг орасида пардеворлар сифатида фойдаланиш мумкин (26-расм), иккинчидан эса унинг конструкциясини хоналарнинг ҳар қандай конфигурациясига эластик мослаштириш мумкин.

Умумий хонага оила аъзолари тўпланиш одамлар ва ҳамжиҳатликда ўзаро муносабатда бўлишадилар: - ёқтирган юмиш (иш) машғул бўлишлари, тинч-осида дам олишлари ва телевизор кўрсатувларни кўришлари, рақсга тушишлари, нонушта қилишлари ва оиланинг индивидуаль мойиллигига боғлиқ ҳолда кўплаб машғулотларни ўтказишлари мумкин. Шу сабабли, бошқа хоналарникидан фарқли улароқ, умумий хонанинг бажарадиган функциялари турли-тумандир.

Умумий хонанинг функциялари гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳ ўзига бўлган фазовий зонага эга бўлади-дам олиш зонаси, овқатланиш зонаси, ишчи зона, ухлаш зонаси, болалар зонаси. Бу ҳамма зоналар биргаликда умумий хонани ташкил этишнинг асосини яратади.

Умумий хонанинг ҳар бир зонаси ўзига тегишли бўлган юзани (майдонни) ва функциональ вазифаларни бемалол бажарилиши учун зарур бўлган маълум шароитларни талаб этади. Зоналарнинг юзаси ва фазовий мақбуллиги умумий хонанинг ўлчамларига ва эшик ораликларининг жойлашиши ўрнига боғлиқ бўлади. Хоналарнинг пропорцияси катта аҳамиятга эга бўлади.

Дам олиш зонаси иш вақтидан кейин дам олишга шароитлар яратиш учун мулжалланади., бу зонадан асосан кечки (оқшомги) соатларда фойдаланилади, шунинг учун бу хона кундузги ёруғлик манбаига нисбатан ихтиёрий равишда жойлаштирилиши мумкин. Агар бу зона дераза атрофида жойлаштирилса, у ҳолда айниқса ёз фаслида дам олиш учун яхши шароит яратилган бўлади. Дам олиш зонасининг асосий жиҳозлари: диванлар, курсилар (креслолар), журналлар учун паст столчалар, китоблар ва турли предметларни тахлаш учун тахталар, қимматбаҳо идишлар учун ва ичимликлар учун сервантлар, мусиқа асбоблари (фортепиано), радиотелевизон аппаратлар. Бу зонани турлича ташкил этиш мумкин, лекин ҳар доим курсилар, диван ва столлар унинг марказий звеноси бўлиб

колаверади (...-расм). Зонанинг ўлчамлари мебеллар ва махсус жиҳозни жойлаштиришнинг турли комбинацияларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Умумий хонада дам олишнинг энг кенг тарқалган тури бу оилавий ҳамжиҳатликда телекўрсатувларни кўриш ёки мусиқа тинглашидир. Шунинг учун курсилар, диван ва столлар телевизор ёки радионинг эгалланган жойига (ўрнига) боғлиқ ҳолда гуруҳлаштирилади яъни телевизор кўриш ва радио эшитишга қулай ҳолатда гуруҳлаб жойлаштирилади.

Дам олиш зонасини ташкил этишда эркин фазовий кенгликнинг ҳосил қилиниши жуда муҳимдир, чунки унинг мавжудлиги тоза технологик эҳтиёжлар билан белгиланади. Дам олиш зонасидан ухлаш жойи сифатида фойдаланилганда диван ёнига чойшаблар учун мўлжалланган махсус тушманинг қўйилишини кўзда тутиш тақоза этилади, бу тумба бир вақтнинг ўзида кечаси фойдаланиладиган стол вазифасини ҳам бажаради.

Овқатланиш зонаси. Умумий хонада бу зонанинг жойлаштирилиши овқат тайёрлаш хонаси (кухня) нинг жойлашиш ўрни билан шарт-шароитланади.

Овқатланиш столининг бевосита кухня яқинига жойлаштирилиши маъқулроқ бўлади, бунда стол атрофида бемалол ҳаракатланишни ҳисобга олиш талаб этилади (...-расм). Столнинг хона ўртасида анъанавий жойлаштирилиши овқатланиш учун махсус хона ажратилган ҳолдагина ўзини оқлаши мумкин, чунки бу ерда зона фақат овқатланиш учунгина мўлжалланган бўлади.

Умумий хонада нонушта қилиш зонасининг ташкил этиш қулайлик, юзадан ютиш нуктаи-назаридан ва эстетик талқин этишдан келиб чиқилади. Бир нечта функциональ зоналарга эга бўлган умумий хонанинг замонавий ечимларида овқатланиш зонаси композицияда етакчи бўлсада, хонанинг марказий қисмини кам ҳоллардагина эгаллайди, асосан у деворга яқинига жойлаштирилади. Овқатланиш зонасида овқат қабул қилишга мўлжалланган стол ва стуллардан ташқари идиш-товоқлар учун шкаф ёки тахмон сервантни стол ҳам ўз ўрнини топмоғи лозим. Яхши жиҳозланган кухняга эга бўлинган ҳолларда идиш-товоқлар ва бошқа шунга ўхшаш анжомлар (буюмлар) кухняда сақланилади.

Умумий хонада фақат декоратив кўринишга эга бўлган идишлар сақланади. Умумий хонанинг пропорцияси жуда хилма-хил бўлиши мумкин: - энсиз томонига дераза жойлашган узун хона, квадрат ва квадратга яқин бўлган хоналар, узун томонига деразалар жойлаштирилган ва бўйи энига нисбатан узун бўлган хоналар.

Турли пропорция ва эшиклар ораликларнинг жойлашиш ҳолатига боғлиқ равишда умумий хонани режалашнинг мумкин бўлган вариантлари, унинг фазовий кенглигини функциональ зоналарга ажратиш (83-расм, 170 б.). Узун хоналар кўриш билан белгиланадиган (баҳоланадиган) фазовий кенгликларга бўлиниши мумкин. Хонанинг деразалардан узоқда жойлашган қуюқ сояли (қоронғироқ) қисмини ёруғроқ қилиш мақсадида қисмларга ажратиш элементлари панжаралар кўринишида ялтироқ бўлиши керак.

Хонани зоналарга ажратишда мебеллар паст предметлари (диванлар, комондалар, тубакларга ўтказилган гуллар ва ҳ.к).

Бўйи бўйича чўзилган хоналарни зоналарга ажратишда ажратувчи элементлар сифатида тўлиқ ясси тўсиқлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Потолокча ётиб бормайдиган ҳаракатланувчи (сурилувчан) пардеворлар, бунда ҳар бир зона яхши изоляцияга ва табиий ёруғликка эга бўлади. Хоналарнинг функциональ зоналарга паст баландликка эга бўлган мебеллар предметлар ёрдамида зоналарга ажратилиши узун хоналарга нисбатан анча қулай бўлган картинани намоён этади. Табиий ёруғлик билан бир текис ёритиладиган хоналар анча тўлиқроқ қабул қилинади. Яшайдиган сонига ва майдонига (юзасига) боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий хоналарнинг эни 3 метрдан кам бўлмаслиги зарур бўлган жиҳозларни жойлаштириш (ўрнатиш) нинг қондаси билан аниқланади. Квадрат шаклидаги хоналар ва унга яқин бўлган хоналар мебелларни гуруҳлаш орқали уларда асосланган хоналарни ажратиш ва ташкил этиш учун бир хил қулайликларга эга ёки қисмларга ажратишнинг қўшимча элементларидан фойдаланиб, уларга қандайдир изоляцияни бериш мумкин. Бунда ҳар бир зона яхши табиий ёритилишга эга бўлади. Шу сабабли квадрат шаклидаги хоналар ва улчамларининг нисбати 1:1,5 бўлган хоналар анча маъқулроқ бўлади.

Жойлашиши иккита сатҳда ечилган квартираларда хоналарни боғловчи ички зинапоялар умумий хонада жойлашади. Зинапояларнинг мавжудлиги умумий хона интерьерини бойитади. Унга қўшимча сифатлар боўлайди (86-расм, 175 б). Зинапояларга эга бўлган хона бошқа хоналардан кўркемлиги билан ажралиб туради. Зинапоялар ёпиқ ва унга бошқа хонадан кириладиган ҳолларда уни умумий хонага чиқариш мумкин ва бу ерда қулай таҳмон (ниш)ни юзага келтириб, зоналардан бирини ташкил этиш мумкин. Умумий хона интерьериде сунъий ёруғлик ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Бир томондан функциональ заруриятдан келиб чиққан ҳолда ёруғлик манбаларининг ўрни ва сонини аниқлаш муҳимдир, иккинчидан чироқларнинг декоратив хоссалари ва уларнинг умумий хонадаги жойлашиш ҳолати интерьер композициясида катта роль ўйнайди. Бутун хонанинг яхши ва бир текисда ёритилиши хонанинг янада кенгроқ ҳис қилинишига таъминлайди, аксинча хонанинг контрастли ёритилиши туфайли унинг бир қисми ёрқин ёритилса, бошқа қисми сояда қолади, бу эса хонанинг тор ҳис қилиниб, қабул қилинига сабабчи бўлади. Шу сабабли ҳар доим умумий ёритилиш талаб этилади. У ҳар хил ечилиши мумкин. Бу умумий хонанинг бутун фазовий кенглигини нейтраль ифодаланган ёруғлик манбаси билан бирлаштирадиган, майин (енгил) тарқоқ ҳолда тарқаладиган ёруғлик бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда **плафон кўринишидаги потолок марказига ўрнатиладиган чироқлар потолок** периметри функционалли потенциал – кўп аҳамиятли тушунчаларнинг тармоқланган иерархиясини ўзида мужассам этган умумлаштирувчи термин [20]. Унинг асосий ташкил этувчилари орасидан “долзарб функциялар” гуруҳини, яъни истеъмолчи тушунчасида объект шаклининг қимматли (энг муҳим) характеристикалари билан боғланган

(алоқадор) функцияларни ажиратиб олиш мумкин. Долзарб функциялар ўзига “ҳосил қилувчи функцилар” гуруҳини киритади, улар объектнинг бирламчи вазифасини аниқлаб беради. “Ҳосил қилувчи функциялар” “туғиладиган” ёки “ишчи функциялар”нинг вужудга келишига шарт-шароит ҳозирлайди, яъни бу шундай функцияларки, уларда архитектуравий объект қурилгандан кейин унда олдиндан кўзда тутилган (концентрациялар) хоссаларининг маълум бир қисми реаллашади. Ишчи функциялар етакчи ва йўлдош функцияларга бўлинади (улар объектнинг бутун эксплуатацион даврининг ҳар бир моментида юзага келиши мумкин).

Архитектуравий объектларнинг функциональ жиҳатларини кўриб чиқишда қуйдагиларни ҳисобга (инобатга) олиш тақозо этилади-туғиладиган функциялардан келиб чиққан ҳолда яратиладиган иншоотдаги жараён ёки ишчи функциялардан келиб чиққан ҳолда қайта мослаштирилган иншоотда жараён ҳар доим ҳам қабул қилинган гипотезага мувофиқ ўтказилавермайди. Иккита; идеаль ва реал функцияларни фарқлаш тақозо этилади. Идеаль функцияларнинг талаблари бўйича объект шакиллантирилади, иккинчи яъни реал функциялар бўйича эса, объект реал равишда вазифасини бажаради.

Ҳар бир лойиҳаловчи бу фарқни минимумга олиб келишга интилади, лекин реал ҳолатни олдиндан башорат қилиш (реал фойдалунувчининг қандай ўзини тутишини олдиндан башорат қилиш) жуда мураккаб, ҳаттоки идеаль функция ҳам ўртача-статик истеъмолчиларга танланди.

Архитектуравий интериретация асосида шакл ва функциянинг ўзаро таъсирлашуви билан боғлиқ бўлган нюанслар (тушунмовчиликлар)нинг юзага келишининг кенг спектори ётади. Н.А.Ладовский 1919-1921 йилларда ўзининг ижодий кредосини шундай ифодалаган эди: “Конструкция архитектурага шунча кирадики, у кенглик тушунчасини ўшанча аниқлаб беради” [21], “техник конструкция-безатилган моддий элементларнинг маълум режа-схема бўйича куч эффеқтини эгаллаш учун бирикишидир”. М.Л.Гинзбург конструкция ҳақида “эстетик система” сифатида шундай деб ёзган эди: “Конструкцион система бизнинг қабул қилиш тажрибамиз ва инсоннинг психофизиологик жиҳатлари эвазига бошқа бир ўзини “кийинтирадиган” ва бир вақтнинг ўзида юзага келувчи ҳамда шакилнинг тинч ҳолатдаги конструкцияга боғлиқ бўлган бошқа бир системани ёки, тўғри қилиб айтганда, эстетик системани вжудга келтиради” [21. Т.2. 289, 290 б.]

Юқорида баён этилганлар асосланиб хулоса қилиш мумкинки, бино бутун бир ҳолатда турли доминантлар билан турли сифатли системалардан ташкил топмоғи лозим. Бу турли сифатли доминантлар деганда биз функция, конструкция ва шаклни тушунамиз. Бўйича тўшлиқ ёки қисман бир чизик йўналишида ўрнатиладиган люминецентли қурувчи шаклдаги чироқлардан фойдаланилади. Чироқларнинг бундай ўрнатилиши натижасида паток бир текис тарқаладиган ёруғлик ёриталиди. Хона патологининг марказига осилган чиройли қандил интерьер композициясининг муҳим бир элементига айланади. Алоҳида зоналарни янада интенсив ёритиш учун зарур ёруғликнинг маълум жойга ўрнатилган манбалари кўзда тутилади. Дам олиш зонасига торшер кўринишидан чироқлар ёки жуналлар столчаси устига паст қилиб туширилган

чироқлар (фонариклар) шинамлик бағишлайди (беради). Овқатланиш зонасидаги нонушта столининг яхши ёритиши учун унинг устидаги плтолокка осма чироқ ўрнатилади. Чироқлар системаси умумий хона интеръери композициясида фаол роль ўйнаши мумкин, айниқса хоналарнинг катта юзага бўлган потолокда чироқлар қаторининг ташкил этилиши интеръер композициясида муҳим рольни бажаради. Умумий хонада битта марказий қандилни ўрнатиш билан масала тўлиқ ўз ечимини топмайди. Умумий хона бошқа хоналар учун ҳам кўзни қамаштирмайдиган эффектлар бош (умумий) ёритиш деб ҳисобланади. Бош ёритиш осма ёки қўшиб қуриладиган чироқлардан ёки ёруғликни қайтарадиган ёруғлик карнизлардан ташкил топиши мумкин. Фойдаланилётган ёруғлик манбаларининг турига боғлиқ равишда ёруғлик ёруғликни ростлаш мосламаси ёрдамида тартиблантирилади (регулировка қилинади). Ёрдамчи ёруғлик (ёритишни) деворга ўрнатилган чироқлар ёки торшерларни таъминлаб беради, улар тинч (осойишта) атмосферани таъминлаб беради, масалан, телевизор орқали кўрсатувлар томаша қилинаётган пайтда улардан фойдаланиш мумкин.

Курси (кресло)да китоб ўқиш учун, ишчи бурчакни ёруғликнинг локалли манбадан фойдаланиб, ёритиш зарур бўлади. Бу мақсадга эришиш учун тўлдирилган ёки деворий чироқлар асқотади.

Ирсий зона. Бу зонага ухлаш хоналари ва болалар учун мўлжалланган хоналар киради. Қоидага кўра, бу хоналар бир ёки икки киши учун мўлжалланади.

Ухлаш хонаси тинч ва осойишталикни талаб этадиган хонани намоён этади, бу ерда инсон тўлақонли дам олиш имкониятига эга бўлади. Бу хонада инсон ўзини атрофдаги шовқиндан изоляция қила олиши мумкин ва фақат шундай шароитлардагина дам олиш, уйқу ва иш бир маромда (хотиржам) ўтказилиши мумкин. Шу сабабли ухлаш хонасини шовқин зонадан (умумий хона, кухня ва зинапоя ячейкаси) узоқроқда жойлаштириш маъқулроқ бўлади, бунда албатта санитар тугуни билан қулай боғланиш таъминламоғи ёки сақланмоғи зарур бўлади (35-расм). Меъёрий талаблар ухлаш хонасида ўтиш жойларининг бўлишга йўл қўймайди. Ухлаш хоналарига қўйиладиган асосий талаблар уларда комфортли шароитларнинг, айниқса биринчи навбатда меъёрий ҳарорат-намлик режими (ҳолати), ташқи шовқиндан ҳимоя қилиш, табиий ёруғлик билан ёритилишнинг ва шу кабиларнинг таъминланмоғи талаб этилади. Бундай шароитлар кўпинча деразаларнинг ёруғлик тушадиган тамонга ориентация қилиниши (қаратилиши) ва ушбу хоналардаги ҳавонинг интенсив циркуляция қилиниши (алмаштирилиши) билан аниқланади.

Юқорида санаб ўтилган шароитлардан охиргиси айниқса Ўзбекистон учун хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлим шароитларида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Амалиётда бундай шароитлар шамоллатишнинг тегишли системасининг қўлланиши билан таъминланади: тўғрий ўналишда ва бурчакли шамоллатиш (36-расм). Тўғрий ўналишли (сквозной) шамоллатиш сасан хоналарнинг қаторли жойлаштирилишида яъни ухлаш хонаси ўзининг биртомони билан ташқи де-

воргатуташган ҳолларда. Бундай ҳолда бухона бевосита битта дераза оралиғи билан табиий ёритилади, яъни ён томондан ёритилади, унинг шамоллатилиши кўнилган хоналарнинг қарама-қарши томонга қаратилган деразалари орқали амалга оширилади. Бурчакли шамоллатиш бинонинг чет китомонида жойлашган ухлаш хоналарида қўлланилади. Шамоллатишнинг бундай системаси шамоллатишнинг биринчи системасига нисбатан кам эффектлидир (кам самара беради), лекин китта дераза оралиқларининг мавжуд бўлган дауларда табиий ёруғлик билан ёритилиш даражасини оширишга шарт-шароит яратди. Айниқса ухлаш хоналарини лойиҳавий ечишда уларнинг **бактерицид**ли (бактерияга қаршилик кўрсатиш) хоссаларини ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда санитар-гигиеник меъёрларда уларнинг деразаларини жануб ва жанубий шарққа қаратиш тавсия этилади. Ухлаш хоналарининг бундай ориентация ланишида уларга кундузи уч соат давомида қуёш нурлари тушади, бу эса хавони касаллик тарқатувчи бактериялардан тозалаш учун етарлидир.

Ухлаш хоналарининг сони ва юзаси (майдони) оила аъзоларининг сонидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади ва қабул қилинади: бир киши учун 8 м^2 дан кам бўлмаган, икки киши учун эса $12\text{--}14 \text{ м}^2$ дан кам бўлмаган юза (майдон) қабул қилинади. Бундай юза (майдон) катта ёшдаги оила аъзоси учун ҳам, кичик ёшли болалар учун ҳам зарур бўлган қулайликни ҳосил қилади. Жихознинг жойлашиш ўрнини ўзгартириш имкониятига эга бўлишлик ҳар қандай хонанинг режаланишини асосий сифатларидан бири ҳисобланади. Бундай талқин этишдан келиб чиқадики, бир киши учун мўлжалланган ухлаш хонасининг эни $2,2$ метрдан кам бўлмаслиги тақозо этилади. Эркак ва аёл (эр-хотин) жуфтлиги учун мўлжалланган ухлаш хоналарига икки кишилик кроват жойлаштирилиши кўзлда тутилади, бу кроватнинг эни (икки кишилик кроватнинг эни 110 см дан 130 см гача бўлади) алоҳида турувчи иккита бир кишилик кроватнинг энидан кичик бўлади.

Бунинг натижасида ухлаш хонасида мавжуд бўлган эркин фазовий кенглик тўғрисида “ёлғон” тасаввур юзага келади.

Эр-хотин жуфтлиги учун мўлжалланган ухлаш хонасининг мақбул (оптималь) эни 3 метрни ташкил этади, бундай ўлчаш жихознинг ҳамма элементларини қулай жойлаштириш ва кроватларнинг жойлашиш ўрнини ўзгартириш имконини беради. Бу меъёрларда ота-она учун мўлжалланган ухлаш хоналарида эмизикли бола учун кроватчанинг жойлаштирилиши ҳам инобатга олинади. Кишиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда ухлаш хоналарининг параметрлари қабул қилинади (37 -расм). Шундай қилиб икки киши учун ухлаш хонасининг эни $2,4 \text{ м}$ дан бўйи эса 5 м дан кам бўлмаслиги лозим. Ухлаш хоналари уларда бажариладиган функцияларга жавоб берадиган мебеллар билан жиҳозланади.

Қоидага кўра ухлаш хоналари кроватлардан ташқари кроватлар олдида турадиган тумбочкалар, шифоньер, **трюмо ва пуфик** ҳамда стулчалар билан ҳам жиҳозланади. Зарур бўлган ҳолларда бу ерда катта бўлмаган ёзув столини ҳам жойлаштириш мумкин. Ухлаш хоналарида кроватлар ўрнида диван ёки диван-кроватлар ҳам ўрнатилиши мумкин, у ҳолда хонани жиҳозлашда кўрпа-

тўшак ўрнида ишлатиладиган буюмларни сақлаш учун тумбочкалар ёки мебель системасида улар учун махсус бўлимнинг ажратилиши кўзда тутилиши талаб этилади. Ухлаш хоналарида диванлар ва **кушайкалар** билан жиҳозлаш ёшлар учун характерлидир. Бунда диван утириш учун хизмат қилади ва ухлаш хонасидан эса меҳмонларни кутиш учун фойдаланиш мумкин. Ухлаш хонасига иккита кроват жойлаштирилганда, ҳар бир яшовчи учун тенг кучли шариот яратилиши зарур. Ҳар бир кроватга эркин ҳолда етиб бориш таъминланган бўлиши лозим. Ухлаш хонаси кроватлардан ташқари санитария столи (туалетный), чойшаблар, кийимлар ва пойафзаллар учун шкаф, иккита стули билан иш столига эга бўлади. Минималъ жиҳозга китоблар шкафи қўшилиши мумкин. Ухлаш хонасининг функция бажариши, интерьернинг ташкил этилиши хонанинг пропорцияси ва жиҳознинг характериға кўп жихатдан боғлиқдир. Мебелларни қулай жойлаштириш ва интерьерни ташкил этиш учун ухлаш хонаси томонларининг нисбати (пропорцияси) 1:1 ёки 2:3 қилиб қабул қилинади. Ухлаш хонаси одатда гарнитурли мебель билан жиҳозланади. Бундай мебель бтлан кўпроқ жуфтлик ухлаш хоналари жиҳозланади. Ухлаш хоналарининг бошқа турлари учун гарнитурлар кам аҳамият касб этади. Гарнитурга кирувчи **планотли** шкафлар, одатда оила эҳтиёжларини тўлиқ таъминламайди, унинг устиға (бундан ташқари) анча катта бўлади ва фойдаланиш учун ноқулайдир. Ухлаш хонасининг жиҳозининг энг яхши тури бу қўшиб қурилган шкафлардир. Уларнинг системасида иш столининг ўрнини босувчи секретерлар, китоблар учун тахталар ва турли қутиларнинг бўлиши ҳисобга олинган бўлади. Икки киши учун мўлжалланган ухлаш хонасининг интерьерини ташкил этиш учун ҳар бир кишиға ухлаш ва ишлаш жойи, шахсий буюмлар, қўйлак, чойшабларни сақлаш шкафи учун жой. Ота-оналар учун ухлаш хонасини лойиҳалашда унда болалар кроватини жойлаштиришни ҳам назарда тутиш талаб этилади, бунда бу жой яхши ёритилган ва етиб боришға қулай бўлмоғи тақозо этилади (91-расм, 182 б.).

Ташқаридан ухлаш хонасига тушадиган табиий ёриғликдан ташқари, соф функциональ аҳамиятға эга бўлган суъий ёруғлик (ёритиш) кўзда тутилади. Сунъий ёритиш икки типдан ташкил топади: умумий ва локалли. Умумий ёритиш ёруғлик манбаининг ухлаш хонасининг ўртасига ўрнатилиши билан таъминланади (одатда бу кандил бўлади) ва бунда бутун хонаға енгил бир текис ёруғлик берилади. Ёритишнинг локалли типи иш столи атрофи, санитария столи яқини ва торшер типигади қўшимча чироқлардан тарқаладиган ёруғликни намоён этади.

Болалар хоналари. Кўп болали оилалар яшайдиган квартираларда имкон қадар болалар учун махсус алоҳида болалар хоналари кўзда тутилади. Бу хоналарни лойиҳалаш маълум даражада мураккаб масала сифатида намоён бўлади., чунки бу хоналар эгаларининг боғча, мактаб ёшидан то каттаргунға қадар жисмоний (физик) ривожланиш динамикасини ҳисобға (инобатға) олишға тўғри келади, бу эса ушбу хоналар интерьер муҳитини тез-тез алмаштириш муаммосини юзаға келтиради. Уларнинг юзаси худди бошқа ухлаш хоналари юзаси каби аниқланади. Болалар хоналари енгил ва қувонч бағишловчи мазмунда безатилиши (пардозланиш) ва мебеллар билан жиҳозланиши лозим.

Уни мебель ва бошқа буюмлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Мебелларни танлашда нафақат уларнинг кўринишига, балки сифатига ҳам эътибор билан ёндашмоқ керак ва бунда рангли, мустаҳкам ва оддий конструкцияли мебелларни танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар хонасининг жиҳозларини (комплектлаштиришда) жамлаштиришда, бу жиҳозлар боғчаси ёшдаги болалар учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда уларнинг уйинлари ва югуришлари учун кенгроқ юза ҳосил қилинишини ҳисобга олиш тақоза этилади. Шу сабабли бу хоналар йиғиладиган ва трансформалашадиган мебеллар икки ярусни конструкциясига эга бўлган кравотлар билан жиҳозланиши мақсадга мувофиқ деб топилади (-рasm). Бундай кроватларнинг габаритлари уларни хонанинг исталган жойига ўрнатиш имконини беради. Баъзида юқори кроват пастки кроват ярмисининг устига жойлаштирилади ва бунда битта кроватга нисбатан бир ярим баробар кўпроқ жой эгалланади.

Юқорида жойлашган кроват тагидаги бўш жойга шкафчалар ўрнатилиши мумкин. Бундай ечимни анча тежамкор деб ҳисоблаш мумкин. Учта кроватдан комбинация ҳам мавжуд. Икки ярусли кроватлар системаси болалар ётоқхонасида уч ва турт бола учун нисбатан чегараланган юзани жойлаштириш имконини беради.

Болалар ётоқ хоналарини мебелга қўшиб қурилган буралиб ажратиладиган кроватлар, деворларига киритиладиган махсус тахмон кўринишидаги суриладиган кроватлар ёки шкафли пардеворларга сурилиб киритиладиган ва улардан чиқариладиган кроватлар билан жиҳозлаш ҳам мумкин. Бундан ташқари анча тежамкор вариантлар – учта кроватдан ташкил топган комбинация, бу комбинацияда ғилдиракли пастки кроват (учинчи) юқоридаги биринчи кроват тагига сурилиб киритиладиган ва зарур пайтларда тортиб чиқарилади (ухлаш пайтида). Болалар кўзида одатдаги стул парвоз ва самолёт, автомобил ва пороход ҳам бўлиш мумкин, стол эса эртактаги каби уй, оддий чўп – севимли тойчоқ ҳам бўлиши мумкин.

Шунинг учун болаларнинг хоналарида кўп ҳолларда оддий шаклдаги мебеллар кўпроқ қўлланилади, улардан болалар таъсуротидаги бой фантазия асосида ҳар хил комбинациялар тузиш мумкин. Мебелдан жароҳат олмаслигининг олдини олиш учун уларда ўткир бурчаклар ва чиқиб турган қисмлар бўлмаслиги керак. Мактаб ёшига етгач болалар хонасининг қайта жиҳозлаш ва мебеллаш боғлиқ бўлган ташвишлар юзага келади. Уларни дераза яқинига жойлашган, кундузи яхши ёритиладиган ва кечқурун ишлаш учун мос келадиган чироқ билан таъминланиши зарур. Бу бурчак эни етарли катталиқда бўлган тахтани иккита тумбочка устига қуйиш билан қуриш мумкин, тумбочкалар ичига эса дарсликлар ва дафтарларни тахлаш мумкин.

Атрофдаги ташқи оламнинг болалар томонидан қабул қилинишида ранг алоҳида муҳим роль ўйнайди. Олиб борилган қатор психологик изланишлар шундан гувоҳлик берадики, айниқса кичик ёшдаги болаларда ёруғлик спектрининг энг илиқ томонларига масалан, қизил, сариқ, олов рангларга мойиллик бўлади. Кейинчалик эса яшил ва кўк рангларга ва улардан ҳосил қилинадиган ҳосилавий рангларга мойиллик сезилади. Рангли тасвирларни ҳаддан ташқари тўқ рангларда бажармаслик керак, аск ҳолда салбий эффект юзага

келиши мумкин. Болалар ётоқхоналарини табиий ёритиш учун таршер ва деворга ўрнатиладиган чироқларнинг ўрнатилиши жудаям мақсадга мувофиқ келмайди, одатда чироқлар потолокка осма равишда ўрнатилади, чунки бунда болалар қўлларини чироққа узата олишмайди. Агар бу чироқни хона ўртасидан хонанинг исталган жойига масалан, стол устига, дераза ёнига ёки кроват устига силжитиш мумкин бўса, у ҳолда янада яхштроқ қулайлик яратилади.

Болалар хонасининг полини тушакчилар билан қоплашга алоҳида эътибор ажратиш тақоза бўлади. Пол тўшалмаси гигиеник талабларга қатъий жавоб бермоғи лозим, тўшалма юқори сифатга ва иссиқ сақловчанликка (иссиқбардошликка) эга бўлиши керак. Ковролақларнинг ҳар бир турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар маҳкам (пишиқ ишлашган бўлади), унда чиқиб турган ўсимталар бўлмайди, у чангни ўзига ютмайди, букилганда унда тириш жойлар (синиқ жойлар) ҳосил бўлмайди. Бинолар хонаси учун линолеумдан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир, чунки у жуда гигиеникдир ва енгил тозаланади. Фақат кроват ёнига (олдига) ёрқин тоқдаги кичик гилам тушашса янада яхшироқ бўлади. Линолеумни кўрпа-тушакнинг жони билан контрастлаштириб (уйғунлаштириб), хонанинг маълум ҳаётийлигига эришиши мумкин.

Кичик ёшдаги уғил бола ва қиз болалар вақт ўтиши билан улғаядилар ва уларнинг ўспиринлик даврида мустақил ҳис қилиши ва дид шакллана бошлайди ҳамда улар шахсий ҳаётга қадам ташлайдилар. Улар ривожланишининг бундай даврида ўзининг хусусий “бошпанага” эга бўлиши ҳақиқий реалликка айланади. Натижада квартирани қайтадан мослаштириш, мебелларни алмаштириш, қайта ўрнатиш, янгисини харид қилиш ва оилада содир бўлаётган ўзгаришларини қониқтирадиган ечишларини излаб топиш зарурияти юзага келади. Бу зарурият оилада бир қатор муаммоларни олдинга суради, бу муаммолар ҳақида албатта олдиндан уйлаш керак бўлади. Агар болалар хонасини келажакни ҳисобга олган ҳолда жиҳозлаб борилса, у ҳолда бундай ҳолат кўп жиҳатдан ўсмирлар ва ёшларнинг эҳтиёжларига мос келиши мумкин (қониқтириш мумкин). Агар оилада ўғил ва қиз ўлғаётган бўса муаммо янада мураккаброқ тус олади. Бундай вазиятларда агар хона етарли даражада катта бўлса ва қарама-қарши жойлашган иккита деразага эга бўлса, у ҳолда бу хонани пардевор билан иккига бўлиш мумкин. Бундай пардевор сифатида енгил шкаф-девордан фойдаланиш кўп қулайликларга эга бўлган муҳитни ҳосил қилади, шкафга вертикаль ва горизонталь йўналишда иккита кроватни ўрнатиш мумкин, унинг ҳар иккала томонидаги қолган қисмидан жовонлар ва кутубхона сифатида фойдаланиш мумкин. Ўсмир ва ёшлар хонасини мебеллаштириш одатда қуйидагилардан: кроват ёки дивон, катта бўмаган шкаф, иш столи (дарс тайёрлаш учун), китоблар учун бир нечта жавонли мосламадан ташкил топади. Мебелларни ўспирин ёшлар ўзларининг дидидан келиб чиққан ҳолда танлайдилар.

Агар хонада бўш жой бўлса, у ҳолда у жойга енгил конструкцияга эга бўлган креслони қўйиш, хонани ёритишда торшер ёки осма чироқлардан фойдаланиш мумкин, полга катта бўмаган оддий нақшли гилам ва оригиналь циновка тўшалади.

Хўжалик-коммуникация зонаси кухня, даҳлиз, квартира ичи коридорлари, шюз ва кладовкадан ташкил топади. Одатда унинг хизмат кўрсатиш учун кулай бўлиши учун тантановар зона яқинига жойлаштириш қабул қилинган. Бу зонани тантановар ва ирсий зона орасига жойлаштириш классик схема дейилади. Интерьерни ташкил этишда улардан кухня ва даҳлиз муҳим роль ўйнайди.

Кухня. Замонавий квартираларда кухня унинг лойиҳаланишида муҳим элемент ҳисобланади. Квартира режасида кухнянинг эгаллаган ўрни (ҳолати) квартира интерьерининг бутун фазовий боғланиш системасига таъсир кўрса-тади. Яқингача одатдаги кухнянинг фазовий кенглигининг юзаси 8-11 м² таш-кил этади.

Бундпй фазовий кенгликка кухня жиҳозининг одатий тўпламини, телеви-зорни ҳам, гуллар, китобларни ҳам сиғдиришга тўғри келган. Техник таъмин-ланган, шинам кухня нафақат унинг эгаси уй бекасига, балки бошқа оила аъзоларига ҳам хушқайфийат бағишлайди, уй бекаси эса ўз оиласи билан дои-мий мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлади. шундай қилиб, кухнянинг аҳамияти яшаш хонаси (умумий хона)нинг мавқейигача кўтариляпти, унинг аҳамияти бутун квартира интерьери учун ҳам эстетик жиҳатдан ўсиб бор-моқда. статистик маълумотларга кўра ишлайдиган аёл ўз вақтини бир кунда 2 соатдан 4 соатгача кухняда ўтказар экан, уйдаги хўжалик ишларини олиб бо-ришга сарфланадиган вақтни иқтисод қилиш (тежаш) га ва кухнядаги ишларни енгиллаштиришга қаратилган турли тадбирлар жуда юқори баҳоланади, яъни катта аҳамият касб этади. Шу сабабли кухняларни лойиҳалашда асосий мақсад унинг фазовий кенглиги ва жиҳозланиши меҳнатни енгиллатишга ва вақт сар-фини қисқартиришга хизмат қила олишини таъминлашга қаратилади.

Бу мақсадга эришиш учун кухняни оқилона режалаш, унинг типини квар-тирага мос тарзда рациональ танлаш асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳолат-да келиб чиққан ҳолда кухняда рўй берадиган ҳамма функциональ жараёнлар-ни бириктирадиган ягона система ўрнатилади, бу система асосида жиҳозлар-нинг ҳамма элементлари ўрнатилади ва кухня иккита зона-овқат тайёрлаш зонаси ва овқатланиш (овқат қабул қилиш) зонасига бўлинади. Овқатланиш зонасидан кухняда ўтказиладиган бошқа жараёнлар учун ҳам фойдаланиш мумкин. Кухня жиҳозлари ишчи юзасининг баландлиги 85 см (аёлларнинг ўртача бўйига ва тик туриб ишлаш шароитларига мос келади) қилиб қабул қилинади, уларнинг максималъ эни 60 см ни минималъ эни эса 30 см ни таш-кил этади. Турар-жойларни лойиҳалаштиришда кухняларни жиҳозлашнинг учта асосий усули (приёми) қўлланилади:

-жиҳозларнинг алоҳида предметлари (плита, ювиш идиши, совутгич, иш столи, осма шкафлар) тўплами билан билан жиҳозлар;

-пастги ва юқори қатор элементларига эга бўлган баланд шкафли намоён этувчи секцияли (бўлимли) жиҳозлар билан жиҳозлаш;

-уйни қуриш жараёнида монтаж қилиб ўрнатиладиган жиҳозлар билан жиҳозлаш.

Кухня мебелларини бир қатор (бир чизик бўйича) қилиб жойлаштириш технологик талаблар натижаси ҳисобланади ва эстетик талабларга жавоб бе-

ради. Алоҳида элементларнинг композицион бирлаштирилиши билан интерьерда яхлитлик ва кўркемликка эришилади, кухнядаги фазовий кенглик жиҳозларнинг алоҳида ҳажмда ўрнатиладиган кухнядагига қараганда анча кенг ҳис қилинади. Жиҳозлар бир қатор қилиб, деворга тақаб жойлаштирилиши сунъий ёритишнинг янги ечимини талаб этади. Кухняни сунъий равишда марказий чироқлар ёрдамида ёритишда иш столининг юзасига ишлаётган одамнинг сояси тушиши овқат тайёрлаш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади, буни бартараф этиш мақсадида иш столи юзасини ёритиш кузда тутилмоғи лозим. Иш столини юзасини ёритиш паст текисликларда осма элементларни ташкил этиш ва деворга люминесцентли трубкалар (чироқлар)ни монтаж қилиш орқали амалга оширилади.

Кухня ўлчамларининг нисбати, хона конфигурацияси, дераза ва эшик оралиқларининг жойлаш ўрнига боғлиқ равишда жиҳозларни жойлаштиришнинг 4 та схемасидан бири қўлланиши мумкин. Энсиз томонида битта деразага эга бўлган чужинчоқ шаклдаги кухняларда жиҳозларни деворнинг узун томонларидан бири бўйлаб жойлаштириш кенг тарқалган (97, 1-расм, 190 б.).

Бу системанинг устун томонлари ишчи операцияларнинг функциональ кетма-кетликда енгил бажарилишига эриш, инженерлик узаймаларнинг иқтисод қилиниши (тежалиши) ва жиҳозларнинг оддий тайёрланиш (бурчакли элементларнинг бўлмаслиги) билан изоҳланади. Системанинг камчиликларига иш фронтининг узунлиги ва хонанинг энсизлиги туфайли нонушта столини жойлаштиришда қийинчиликнинг юзага келиши. Катта бўлмаган квартираларнинг кухняларида анча мақсадга мувофиқ бўлади, бунда жиҳозлар қисқартирилган таркибда қўлланиши мумкин. Дераза оралиғи полдан 85 см баландликда жойлашган мумкин (97 – расм, II, 191 б.).

Бундай система фойдаланиш учун жуда қулай. Бу система ҳам бир қатор чизикли системадаги каби қатор устунликларга эга. Унда ҳам жиҳозларнинг узлуксизлиги кетма-кетлиги таъминланади. Агар бир қатор чизикли системада иш фронтининг узунлиги камчилиги бўлса, “Г” симон система бундай камчиликдан ҳоли бўлиб, унда хизмат қилиш йўли (масофаси) қисқаради, уй бекаси жиҳозларнинг ҳамма тугунларини (узелларини) кўрган ҳолда ўтириб ишлаши мумкин. Дераза орқали тушаётган ёруғлик ишчи юзани яхши ёритади. Ҳамма системанинг компактлиги барча ҳолларда нонушта столини қулай жойлаштириш имконини беради. Бунда кухнянинг фазовий кенглиги ишчи зонаси ва овқатланиш зонасига пухта қилиб бўлинади. Жиҳозларнинг бурчакли жойлаштирилиши дераза орқалари бўлмаган девор ёнига ҳам ўрнатилиши мумкин.

Бундай жиҳознинг бир томони табиий ёритилишга нисбатан ноқулай ҳолатда жойлашади. Жиҳозларнинг бучакли жойлаштирилиши катта ва кичик юзага эга бўлган кухняларнинг шакли квадрат ёки буйи узунроқ туртбурчак, жиҳозлар таркибининг тўлиқ ёки қисқартирилишдан қатъий назар ҳар қайсиси учун ҳам қулайдир. Кухнларни лойиҳалашда иш жойларини табиий ёруғлик билан ёритишга катта эътибор қаратилади.

Тўғри ва ён томонлардан ёритилганда кухняда ишлаш учун яхши шароит яратилади. Яъни жиҳозларнинг иш текислиги дераза ёнига ёки деразага туташиб кетган девор олдида жойлаштирилганда иш юзаси табиий ёруғлик ёрда-

мида яхши ёритилади. Кухняларни лойиҳалашнинг ёмон варианты бу жиҳозларнинг дераза оралиғига қарама-қарши турган девор ёнига жойлаштирилишидир.. бундай ечим фақат кухнянинг ўлчамларидан бири анча узун бўлган ҳолда ва табиий ёритиш ушбу кухня учун асосий деб ҳисобланмаган ҳолларда ўзини оклаши мумкин.

Жиҳозларни дераза атрофига жойлаштириш, шубҳасиз, яхши усул ҳисобланади, лекин бунда осма шкафларни ўрнатишда қийинчиликлар юзага келади. Дераза ойналарининг ишчи текислик баландлигида жойлашиши кухняни яхши ёритади ва осма шкафлар устидаги лентасимон ойнали деразалар кухнянинг бир текис ёритилишини таъминлайди. Интерьер ҳамда уйнинг фасадининг кўриниши нуқтаи-назаридан бундай усул (приём) анча қизиқарлидир.

Замонавий лойиҳалаш-қурилиш амалиётида кухняларнинг учта асосий типи қабул қилинган: кухня-тахмон (ниш); кухня-ошхона, ишчи кухня квартирани лойиҳалашда кухняларнинг у ёки бу типининг танланиши оила таркиби, уйдан хўжалик юритиш характери, турар-жойнинг шинамлик даражаси ижтимоий хизмат кўрсатишининг мавқие (даражаси) билан аниқланади.

Кухня-тахмон (тапчан-ниша) катта бўлмаган квартираларда ҳамда меҳмонхона типидан уйларда қўлланади. Ўзининг кичик габаритлари туфайли у одатда яшаш хонасининг тахмони (нишаси) га жойлаштирилади ва идишларни ювиш учун раковина, катта бўлмаган иш столи ва электр ёки газ плитаси билан жиҳозланади (28-расм).

Кухня-тахмон, одатда, умумий хонага ёки даҳлизга жойлаштирилади ва табиий ёритилишга эга бўмайди. Кухня тахмоннинг умумий хонага жойлаштирилишида албатта электр плита қўлланиши тақоза этилади. Бундай кухнянинг майдони жиҳозларни фақат ишчи зонага жойлаштириш имконини беради. Нишнинг эни 70 см дан кам бўлмаслиги, узунлиги эса элементлар тўпламига боғлиқ бўлиб, 1,4 м ва ундан катта бўлиши мумкин. Тахмон сурилувчан (кўчириладиган) пардевор ёки створкалар билан тўсилиши мумкин, бундай ҳолда кухня жиҳозларига эга бўлган шкаф ҳосил қилинади (96-расм, 189 б.).

Айниқса бундай ҳолат қишлоқ жойларида ўзининг яққол характерини намоён этади. Кухняларнинг бундай қўшимча функциональ жуда қулай бўлиб, бу ерда ҳамма нарса “қўл остида” бўлади идиш-товоқ ҳам, плита ҳам, стол ҳам, сув ҳам, ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси фақат уй бекаси учун қулайдир, чунки кун давомида кўп ҳаракатланишининг олди олинади, кухнядан ошхонага ва аксинча бўлган ҳаракатлар анча қисқаради. Лойиҳавий нуқтаи-назардан кухня ошхона билан қўшма тарзда жойлаштирилади ва улар очиқ фазовий кенглик орқали ўзаро бирикади ёки трансфорладиган пардеворлар (суриладиган пардеворлар) билан ажратилади (21-расм).

Бундай кухня одатда иш столи, раковина, ва газ плитаси (ёки электр плита) билан стационар (қўчмас) ҳолатда жиҳозланади. Кухня-ошхонанинг минималь юзаси (энг кам майдони) – 8 м² ни ташкил этади. Квартирада хоналарнинг кўпайишига боғлиқ равишда унинг майдони 10 м² гача кенгайиши мумкин (ўсиши мумкин). Ундай кухнянинг эни жиҳозларнинг жойлашишига боғлиқ бўлади: жиҳозларнинг бир қатор жойлашишида кухнянинг эни 2,4

мдан кам бўлмаслиги, бурчакли ёки икки томонлама жойлашишида эса унинг эни 2,5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Майдони 6 м² дан юқори бўлган кухняда овқатланиш учун доимий зонани ташкил этиш мумкин, одатда бу зонадан бошқа оила аъзолари ҳам турли юмишларни бажаришда ҳам фойдаланишади. Кухня-ошхона унинг функциональ юкланганлигига мувофиқ равишда кенг таркибдаги жиҳозларга эга бўлади. Эни каттароқ (2,1 м дан кам бўлмаган) бўлган кухнялар ва шакли квадратга яқин бўлган кухняларнинг иккита қарама-қарши томонлари бўйича ҳар бир томонга бир қатордан жиҳозларни жойлаштириш анча қулайдир (98-расм 192 б.). бундай жиҳозлар шундай тақсимланадики унда бир девордан қарама-қарши томонга иш жараёнида ортиқча юришнинг олди олинган бўлиши керак. Кухняларда меҳнатни ташкил этишнинг умумий схемасидан келиб чиққан ҳолда жиҳозларни икки қаторли система асосида жойлаштиришда улар қуйидагича тақсимланади:

биринчи қаторда - иш столи, ювиш мосламаси (мойка) плита;

иккинчи қаторда – маҳсулотлар ва идиш-товоқларни сақлаш учун шкаф, совуткич, иккинчи ювиш мосламаси (мойка)ни жойлаштириш мумкин. Бу икки қаторли система ажабланарли даражада устунликларга эга. Бу ерда ишлаш зонаси қисқа бўлгани туфайли бир вақтнинг ўзида жиҳозларнинг иккала паласасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай кухняни иш зонаси ва ошхона зонасига енгил бўлиш мумкин. Деразага бемалол (эркин тарзда) етиб бориш имконияти мавжуд. Лекин нонушта столнинг дераза ёнига жойлаштирилиши ошхона зонасига ишчи зона орқали ўтишга халақт қилади. Жиҳозлар жойлаштирилишининг икки қаторли системаси қўлланилган ҳолларда элементларни П ҳарфи шаклида жойлаштириш орқали бир-бирига туташтириш мумкин (99-расм, 193 б.).

бу системалардан ҳар бири ижобий ва салбий сифатларга эга. Бу усул иш жойининг компактлигини камайтиради, кухня-ошхонадаги фазовий кенгликни иш зонаси ва овқатланиш зонаси каби функциональ зоналарга пухта қилиб ажратиб беради. Шароитдан келиб чиққан ҳолда жиҳозларнинг уч қаторли системаси ҳар хил ҳолатларни эгаллаши мумкин: учала қатор ҳам деворга П шаклида тақалиши мумкин ёки бир қатор алоҳида Г шаклида бўлиши мумкин. Бундай ярим алоҳидалик бўлиб гонушта столи, шкафли секциялар ёки униси ҳам буниси ҳам бир вақтнинг ўзида қўлланилиши мумкин. Баъзида жиҳозларнинг элементлари потолоккача етиб бормайдиган шкафли пардеворларнинг ўрнатилиши уларнинг икки томонидан ҳам фойдаланиш имконини беради. Бундай пардеворга нонушта столни ҳам ўрнатиш мумкин (...расм).

Ишчи кухня – бу жой фақат овқат тайёрлаш учун мўлжалланади, шунинг учун и бошқа хоналардан изоляция қилинган ҳолда жойлаштирилади (30-расм). Кухня билан бевосита ягона алоқада бўладиган жой бу ошхонадир. Ошхонанинг юзаси 7 м² дан кам бўлмаслиги тақоза этилади ва унинг ўлчамларининг нисбати 2,0 x 2,2 м нисбат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон шароитларида кухня универсал типдаги ёзги жой (айвон) билан бевосита боғланишга (алоқага) эга бўлиши лозим ёки миллий таомларни тайёрлашга мўлжалланган махсус очик жой билан узвий боғланган бўлиши

тақоза этилади. Шу сабабли кухня яшаш хоналари орқали шамоллантирилишга эга бўмаслиги керак, чунки кухня билан боғланиш лодисия ёки балконилар орқали амалга оширилиши мумкин. Ишчи кухня квартиралардаги табиий ёруғлик билан таъминланган мустақил изоляцияланган хоналарга жойлаштрилилади.

Бундай кухня асосан овқат тайёрлаш билан боғлиқ бўлган вазифалар ва овқат қабул қилингандан кейин йиғиштириш-тозалаш ишларининг бажарилишига мўлжалланади. Унда турли буюм ва нарсалар сақланадиган хўжалик шкафи, дазмоллаш учун мослама, йиғиладиган ёки стационар (кўчмас) стол учун ҳам жой топилади. Бундай кухня 4,5 дан 6 м² гача бўлган майдонга эга бўлади, унинг минималъ эни 1,8 м ни ташкил этади.

4 §. Жамоат бинолари. Асосий хоналарнинг интерьерни ва жиҳозлари

1-қисм. Фазовий структурасини шакллантириш

Жамоат бинолари турар-жой биноларидан фарқли ўлароқ интерьерни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятларига эга. Бу жиҳатлар ва қонуниятлар жамоат биноларининг бир вақтда кўп сонли одамлар жамоасига хизмат кўрсатишга мўлжалланганлиги билан шарт-шароитланади. Жамоат биноларида турар-жой биноларига қараганда (нисбатан) катта майдонга (юзага) эга бўлган хоналар (жойлар) талаб қилинади ва улар мураккаб конфигурацияга эга бўлади ҳамда мураккаб жиҳозлар ва мебеллар билан жиҳозланади.

Ёш авлод шакллантирадиган мактаб; дам олиш ва ҳордиқ чиқариш маскани ҳамда маданият ўчоғи бўлган театр ва клуб; меҳнат қилиш ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат бинолари каби жамоат биноларининг ҳар бири алоҳида фазовий кенгликни талаб этади. Функциональ жиҳатдан мўлжалланганлигига боғлиқ равишда улардаги хона ва жойларнинг интерьерлари энг оддий **не притязальных**дан тортиб то энг ёрқин **помпезли** йиғилмада тебраниши мумкин. Ички фазовий кенгликни ташкил этиш ва интерьерни шакллантириш масалалари тугалланган архитектуравий композиция сифатида бу кенгликни ташкил этиш учун зарур бўлган жиҳатлар ва талабларнинг узвий боғлиқлиги ечилади.

1. Ички фазовий кенглик система сифатида лойиҳалаш.

Жамоат биноларининг интерьерини яратиш ички фазовий кенгликни шакллантиришдан, унинг ўлчамларини, шакллари, қисмларининг нисбатини, қисмларга ажратиш характери, очилиш принциплари ва шунга ўхшашларни аниқлашдан бошланади. Фазовий кенглик инсонда – эркинлик ёки **торлик (скованность)**, хотиржамлик ёки юкланганлик, шодлик ёки ғамгинлик (маъюслик)нинг ҳис қилиниши билан қулайлик, шинамлик (комфорт)нинг яратилиши билан ҳал қилинади. Бунда мураккаблик янгида ҳосил қилинадиган ҳаётинг муҳитнинг шарт-шароитланганлиги ва ўзаро боғлиқлар ва алоқадорликларнинг кўп сонлилиги билан изоҳланади. Жамоат биносининг у ёки бу типининг интерьерини шакллантириш масаласини фақат тизимли (системали) ёндашиш асосида ечиш мумкин. Тизимли ёндашиш

биринчидан объектни ҳар томонлама баҳолаш, иккинчидан интерьерни бинонинг архитектуравий қисми деб қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ташкил этилган фазовий кенгликнинг нафақат ички, балки ташқи қисми сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

2. Фазовий кенгликни қуришнинг усуллари (приёмлари) ва принциплари.

Жамоат биоларининг ички фазовий кенглигини ташкил этиш системаси ўзининг ривожланишида кенгликни шакллантирувчи композицион қонуниятларга асосланади. Композиция қуришнинг тартиби, принципи сифатида айнан фазовий кенгликнинг ривожланишини инсоннинг биологик, психофизиологик ва эстетик эҳтиёжларига мувофиқ равишда олдиндан башорат қилади, белгилайди ва аниқлаб беради.

Жамоат биолари қурилишининг кўп асрлик амалиёти катор композицион усулларни тўплади ва улардан қуйидагилар замонавий амалиётда ҳам кенг қўлланилади: ўқ бўйлаб компоновка қилинадиган ва эни бўйлаб ривожланадиган фазовий кенглик; фронталь қурилган фазовий кенглик, бунда бу кенглик ўзининг ташқи муҳитга (томонга) кенг очиладиган ва фронт бўйлаб анча узунликка эга бўлиши билан характерланади; марказий ядро атрофида концентрик ривожланадиган фазовий кенглик; вертикаль бўйича ривожланадиган ва ниҳоят, геометрия билан эмас, балки жараён ва атрофдаги табиат (табиий муҳит) моҳияти билан шарт-шароитланадиган мураккаблашган фазовий кенглик. Ички фазовий кенгликни қуриш табиатини ўрнатадиган бу принциплар интерьерни ташкил этишнинг фазовий асоси деб ҳисобланади.

Ичкарига томон (хоналарнинг эни бўйича) ривожланадиган фазовий кенглик.

Бундай фазовий кенглик ўқли қуриш давомийлигидаги узунлик, бош ўқ йўналишида очилиб бориш ва ниҳоят характерли шаклни белгиладиган конструкциялар билан характерланади. Замонавий шароитларда, юқорида таъкидланган характеристикалардан бири билан ифодаланадиган интерьерни бундай қуриш ўзининг асосига ва ривожига эга бўлди (17-расм, 44 б). Театр ва кинода фазовий кенгликни яратиш ғояси шундан иборатки, унда томошабинлар сахна ёки экранда нима рўй бераётган бўлса фақат ўшани аниқ кўришлари лозим бўлади. Кўриш талаблари залнинг бўйи ва эни ҳамда балконнинг кўриниши билан аниқланади.

Энг кенг қўлланиладиган схемада театрнинг ҳамма элементлари ва барча асосий хоналари – вестибюль, фойе, зал, сахна ўқ бўйича қурилади. Фазовий кенглик экран ёки сахна билан яқунланадиган ўлчамлар бўйича изчил ривожланади. Бундай вазиятда фазовий кенгликни ўқли қуриш усули жараёни ўтказишнинг функциональ талаблари ва алоҳида хоналар орасида боғланишлар билан шарт-шароитланади.

Фронталь ривожланадиган фазовий кенглик фронталь қурилган фазовий кенгликни яъни кўндаланг ўқ бўйлаб изчил давом этадиган фазовий кенгликни кенг фронти билан ташқи муҳитга қаратилган ва очик кўриниб турадиган, атрофдаги табиий муҳит билан характерлаш мумкин. Бундай типдаги фазовий

кенгликэнг катта даражада кўплаб жамоат биноларининг талабларига жавоб беради (18-расм). Бунга кўча ёки майдонга қаратиб очиладиган замонавий дўконлар мисол бўла олади. Бу борада вокзаллар ва аэровокзалларнинг бир қанчаси характерли бўлиб, уларда операцион зал ва кутиш заллари шаҳарга кутиб олиш мақсадида қаратилган бўлади. Фронталь композиция турли функцияларни етарли даражада фазовий кенгликка бириктириш ва аҳамияти бўйича ҳар хил хоналарни битта фазовий кенгликка киритиши мумкин.

Концентрик ривожланадиган фазовий кенглик. Бош ядро атрофида фазовий кенгликни концентрик қуриш етакчи принцип сифатида замонавий архитектурада энг ривожланган композиция деб ҳисобланади.

Бу ерда иккита тенденцияни иккита йўналишни кузатиш мумкин – бу ёпик, ташқи муҳитдан изоляция қилинган фазовий кенглик ва аксинча, периметри бўйича перифериядан бошлаб марказгача ёки марказдан бошлаб перифериягача ривожланиб, кенг очиладиган фазовий кенглик (19-расм).

Марказ томон ривожланиб борадиган ёпик фазовий кенгликка мисол тариқасида Баккарди фирмасининг юқоридан ёритиладиган ойнали марказий фазовий кенгликка эга бўлган биносини келтириш мумкин, бу фазовий кенглик ўзига гардероб ва кутиш зали функциясини ўзида мужассамлайди, шунингдек, ўриндиқлари майдонга ва аренага қаратилган стадион ва цирк каби кенг тарқалган иншоотларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Бундай ечимлар локалли жараённи ўтказишнинг функциональ талабларига жавоб сифатидаюзага келади ва шунинг учун мантиқий жиҳатдан тушунарли элементар қуришлар деб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда холнинг, томоша залининг ёки ички ҳовлининг марказий фазовий кенглиги ўзининг атрофида бошқа хоналарни жамлайдиган бош элемент сифатида бутун фазовий кенгликни ташкил этишнинг кучли композицион бошланиши бўлиши мумкин. Қуёш нурлари тушадиган дарахтлар ва бассейнга эга бўлган ҳовли, галереялар қуршовидаги икки рангли холл, томоша зали аҳамияти ва ўлчамларига кўра йирик бўлган бу хоналарнинг ва жойларнинг ҳаммаси ўз атрофига қолганларини тўпловчи интерьернинг асосий фазовий кенглиги бўлиши мумкин.

Фазовий кенгликнинг эркин қурилиши.

“Эркин режа” тушунчаси ўзида ҳеч бир тартибсизлик ва **хаотикликни** намоён этмайди. Эркин фазовий кенгликнинг қурилишида ва ривожланиши замирида яширин, юзага чиқмаган, лекин баъзида маълум бўладиган ва нозик, мавжуд бўлган анча муҳим боғланишлар (алоқалар) ётади. Бундай фазовий кенгликни қуришда эркин фазонинг маълум улуши шундаки, авваломбор, бу эркин фазовий кенглик ўзининг қурилишида катъий геометрик, берилган параметрларга боғламайди. Фазовий кенгликнинг қурилишнинг **регулярли** ва эркин усуллари орасида аниқ ажратиш чегаралари мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда фазовий кенглик қурилишининг эркинлигига йўналтирилган тенденция бутун объект композицион қурилишининг етакчи мотивларидан бири бўлиб ҳисобланади. Берлиндаги концерт залида (арх. Шарун) ҳажмий-лойиҳавий композициянинг эркинлиги ҳеч қандай изчилсизликка эга бўлмаган ҳолда асосий ҳажмларнинг **рангли тасвирда** (жонли тасвири, **живописли**)

ифода этилган. Бу ерда композиция маркази бўлиб зал хизмат қилади, унинг атрофида одамларнинг эркин тарзда ўрнатилган кенг зинапоя бўйича ҳаракатланиши кўзда тутилган. Томошабинларнинг бош оқимини йўналтириб ва бунда бош фазовий кенгликнинг етакчи аҳамиятини сақлаган ҳолда архитектор бундай жонлитасвир ва эркинликнинг кўринмас тартибини яратади.

Мураккаб фазовий кенглик.

Кўплаб объектлар, масалан, театрлар, кинотеатрлар, музейлар ва шунга ўхшаш бўлган жамоат бинолари ҳам анча мураккаб ҳажмий-фазовий композицияларда ячилиши мумкин, бу ерда у ёки бу фазовий кенглик принципларининг ечимлари бир-бири билан уйғунлашади ва бундай ҳолларда усулнинг мураккаблиги улардан бирининг етакчилик ҳолати билан ифодаланади, бунда бир вақтнинг ўзида қолганлари етакчилик қилаётган принципнинг режавий структурасига бўйсунди.

Фазовий кенгликнинг бундай мураккаб қурилишига архитектор Ле Корбюзьенинг “Центросоюз” биноти мисол бўла олади (26.6-расм). Бу ерда фазовий кенгликнинг ўқ асосида ва фронталли асосда қурилганлигини пайқаш кийин эмас. Бу ерда режанинг тузилишидаги эркинлик айниқса характерлидир. “Эркин” фазо бир хонадан (жойдан) бошқасига “оқиб” ўтади.

3. Ички фазовий кенгликни қисмларга ажратиш.

Ягона ва изоляцияланган фазовий кенгликларни уйғунлаштириш усуллари (**приёмлари**).

Лойиҳалаш амалиётида баъзан ягона умумий масала – ягона фазовий кенглик ва қатор изоляцияланган (ёпиқ) фазовий кенгликларни **компоновка** қилиш масаласи юзага келади.

Фазовий кенгликнинг бу икки типини бино ҳажмида **компоновка**лаш асосан қуйида кўрсатилган ташкил этиш схемалари бўйича ечилади:

А) уларни ҳар хил ҳажмларга жойлаштириш. Бу усул изоляцияланган фазовий кенгликларнинг кўп сонлиги, уларнинг маълум мустақиллиги, уларнинг асосий жамоавий кенгликка боғлиқ бўлмаганлиги билан характерланадиган ҳоллардагина рациональ деб ҳисобланади;

В) битта, иккита, уч ва тўрт томонлама ёруғлик фронтдан фойдаланган ҳолда бош жамоат фазовий кенглигининг периметри бўйлаб кичик (майда) изоляцияланган хоналарни жойлаштириш. Асосий фазовий кенглик катта баландликка эга бўлганда изоляция қилинган хоналарни икки, уч ва ундан юқори бўлган қаватларга ҳам жойлаштириш мумкин;

Б) қаватлар бўйича жойлаштириш. Бундай ечим тантанавор бош қаватни унинг катта аҳамиятга эга бўлган кўркемлигини таъминлаш талабларига боғлиқ равишда ажратиб кўрсатиш зарур бўлган вазиятларда ва қурилиш участкасининг кичик юзали майдонга эга бўлиши туфайли компактликни таъминлаш талабларига боғлиқ бўлган вазиятларда юзага келади;

Г) изоляцияланган ҳажмни ёки бундай ҳажмларнинг гуруҳини битта иншоотнинг бирлаштирувчи ягона катта фазовий кенглигига эркин тарзда жойлаштириш (қўйиш). Ягона очик фазовий кенгликни изоляция қилинган алоҳида хоналар билан уйғунлаштиришни таъминлайдиган танланган усул

изчил тугалланган мантикий усул бўлиб, у интерьер қурилишининг пухталиги ва қонуниятини шарт-шароитлайди.

Жамоат биноларининг интерьерида қўлланиладиган табиий ва сунъий материаллар

Шакл ўз-ўзиданвужудга келмайди, у ҳамиша моддийликка эгадир. Ички фазовий кенгликлардаги тўсиқлар (тўсувчи конструкциялар) юзасидан инсонга бевосита яқин туриши, унинг олдида турли-туман характеристикаларга эга бўлган материаллар сифатида намоён бўлади ва бунда металл, ёғоч, тош ва бошқа табиий материалларнинг инсон томонидан қабул қилиниши унда бой мураккаб ҳис-туйғуларни вужудга келтиради. Интерьерда қўлланиладиган материаллар ўзининг бой ва турли-туман сифатлари билан инсонга таниқли бўлган табиий, анъанавий, материалларга ва инсонга ҳеч бир ҳиссиёт бермайдиган, шу туфайли интерьерни яратишда фақат шакл ҳосил қилувчи юзанинг соф абстракт ифодаси сифатида иштирок этадиган сунъий материалларга бўлинади. Табиий тош ва ёғоч ўзининг табиийлиги (натураллиги) билан гўзалликни, кўркемликни ҳосил қилади ва улар илк қурилиш материали сифатида ишлатилганлиги туфайли қадимий ва доимий эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Гранит, мрамор, **туф** ва оҳак ўзининг индивидуаль характеристикалари билан ўзининг чуқур тарихига эга ва ўзининг тузилишида табиатнинг мураккаблигини, турли-туманлигини, гўзаллигини ва кучини ўзида мужассам этган ҳолда доимо сақлаган. Ёғочни кўндаланг ва бўйлама кесиш орқали ажойиб шаклларни ҳосил қилиниши, ўзининг ҳаётийлиги ва ўтмиши, табиийлиги, илиқ бағишлаши билан ва ажойиб хоссалари билан гўзаллик, кўркемликни намоён этади.

Табиий материалларнинг ишлатилиши билан интерьернинг образли кўринишини яратиш уларнинг катта имкониятлари очилиб боради. Бу замонавий ресторан интерьеридаги очиқ балкалар мисолида яққол намоён бўлади (36-расм). Замонавий жамоат биноларини интерьерларида кенг қўлланиладиган табиий материаллар пластик қоплама ва пардозни, турли қотишмаларни, картонлар, мумлар ва чегарасиз турли-туманликдаги сунъий бўёқларнинг яратилишида фаол намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда сунъий материаллар инсон томонидан қабул қилинадиган ва унга таниш бўлган иккита фактура ва ранг каби сифатлар билан характеристикаланади. Фактура бу расм ёки тасвирнинг ташқи юзасининг ойна каби силлиқ (текис) бўлиб, ялтироқлиги, **матовой** енгил кўриниши ва йирик донадор кўриниши, ҳолатида кўриниши ифодаалайди.

Сунъий материалларнинг ранги турлича бўлиши мумкин ва жуда нозик дид билан қабул қилинадиган рангдаги материаллардан ишланган буюмлар ҳам кўплаб ишлаб чиқарилаёпти.

Қурилиш материалларининг вазни ва муатаҳкамлиги – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган муҳим сифат конструкциянинг рациональ мантикий

курилишида ўз ифодасини топади. Бино интеръерида ишлатиладиган материаллар инсон онгида турли ҳиссиётларни (ҳис-туйғуларни) уйғотишга қодир. Масалан, табиий материаллардан ёғоч иссиқлик (илиқлик)ни ҳис қилдиради; гранит мармар, металл эса совуқлик ҳиссини туғдиради.

Интеръерда енгиллик ва у билан боғлиқ бўлган шовқинни ютиш каби сифатларга эга бўлган материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, баъзан эса аксинча материалларнинг бикрлик сифатлари (хоссалари)дан оқилона фойдаланишга тўғри келади. Тери, ёғоч, пардозлаш фанераси, пўкак каби юмшоқ материаллардан дам олишга мўлжалланган хоналар интеръерини ташкил этишда фойдаланилади, чунки бу хоналарда жимлик ва осойишта муҳитнинг яратилаши жуда муҳим аҳамият касб этади, бундай интеръерлардаги муҳит бевосита инсонни хотиржамлаштириши, ундаги кучланганлик ҳолатини бартараф этмоғи ва ундан чарчоқликни чиқариб ташлаш учун хизмат қилиши лозим.

Гранит, бетон, металл, ойна каби қаттиқ материаллардан вокзаллар ва катта вестибюллар, холлар ва шунга ўхшаш жойларда фойдаланилади. Бундай жойларда одамлар кам вақтини ўтказадилар ва атрофдаги юзаларнинг бундай қаттиқ материаллар билан қопланиши шовқинни ютмайди аксинча кучайтиради, **котфастликни** оширади, таассуротни оширади.

Даҳлиз. Бу режавий элемент тақсимловчи кулуар функциясини бажаради, ундан яшовчилар квартиранинг ҳамма хоналарига кирадилар (97-расм). Шунинг учун унинг яшаш уйининг структурасида эгаллаган ўрни муҳим аҳамиятга эга. Яшаш уйида (квартирада) ошхона, кухня ва кабинет билан қулай боғланишни ҳисобга олган ҳолда даҳлиз жойлаштирилади. Унинг 1,4 м бўлган минимал эни меъёрлар орқали ўрнатилган. Даҳлизга одатда устки кийимлар учун мўлжалланган пойафзаллар тахлаб қўйиладиган тахталар ўрнатилган қўшма тарзда қурилган шкаф, тош ойнали **тумбочка**, телефон столи стули билан ўрин эгаллайди. Даҳлиз квартиранинг қоронғироқ қисмига жойлаштирилганда, ойнали эшиклар ёки қўшимча хоналарнинг **фрамугалари** (деворнинг тепа қисмига жойлаштирилган ёруғлик ораликлари) орқали ёритилади. Бу қўшимча ёруғлик ораликлари кўриш орқали қабул қилишда фазовий кенглик катталашгандек ҳис қилиниши билан интеръерни янада бойитади. даҳлиз квартирани зоналарга ажратадиган жой сифатида хизмат қилади, алоҳида хоналарнинг мустақиллигини таъминлайди ва бир вақтнинг ўзида бу хоналарни бир-бири билан боғлайди. Даҳлиз устки кийимларни ва пойафзалларни, хўжалик ва спорт буюмларини сақлаш учун ҳам хизмат қилади. Бу ерда квартирадан чиқишдан олдин кийинилади, квартирага киргандан кейин эса устки кийимлар ечилади, ҳамда меҳмонлар кутиб олинади. Квартираларнинг интеръерида у муҳим роль ўйнайди. Интеръернинг композицияси худди шу ердан боланади ва унинг ечими эстетик баҳоланади. Бу асосий функцияларга мувофиқ равишда даҳлизнинг жиҳозлар билан жиҳозланиши ҳам тақозо этилади.

Турар-жой бинолари режавий элементларининг меъёрий хужжатларида даҳлиз учун мўлжалланган жиҳозларнинг рўйхати берилган. Бу рўйхатга кийимларни осиб мосламаси (кийим илгич, вешалка), пойафзаллар қутиси,

банкетка, журналлар столчаси, хўжалик буюмлари ва устки кийимлар учун шкаф ҳам турли **стеллажлар** киради (98, 99-расм). Кундалик фойдаланиладиган кийим илгич учун деворнинг эркин юзали текислиги зарур бўлади. Кийим илгич учун махсус тахмоннинг кўзда тутилиши анча қулайдир. Унинг юқори қисмидаги тахта бош кийимлар, зонтлар ва тростейлар учун мўлжалланган бўлади, пастки қисмига эса пойафзаллар тахланадиган тахталар ўрнатилади. Бундай тахмонни парда ёки йиғилувчи мослама билан тўсиш (ёпиш) мумкин. Тош ойна даҳлиз учун зарур бўлган жиҳоз бўлиб, у ҳаракатланиш чизигидан четроқда жойлашган девор текислигига ўрнатилади, унинг олдида эни 30 см дан кам бўлмаган бўлиқ қолдирилади (бутун танани кўриш учун). Тош ойнани кийим илгичнинг яқинига осиш ёки ўрнатиш маъқулроқ бўлади. Агар тош ойна бурчакка ўрнатилса, у ҳолда тегишли девор билан тош ойна орасидаги масофа 30 см дан кам бўлмаслиги керак. Тош ойна билан биргаликда гигиеник нарсалар учун мўлжалланган тахтали мослама ўрнатилиши ёки столчанинг жойлаштирилишининг кўзда тутилганлиги тақозо этилади. Даҳлизга телефон ва журналлар учун алоҳида столча жойлаштирилади; стул ёки банкетка пойафзалларни ўтирган ҳолатда кийиш учун ва телефонда гаплашиш ва кутиш учун хизмат қилади.

Квартиранинг бошқа хоналари сингари даҳлизда ҳам асосланган зоналарнинг бўлиши ҳисобга олинган ҳолда лойиҳаланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг ҳар бир зонасида комфорт шароитни таъминловчи даҳлиз энининг минималъ ўлчамлари ўрнатилган. Даҳлизнинг эни ҳеч бўлмаганда 130см дан кам бўлмаслиги, мумкин қадар 150 см дан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Даҳлизнинг режавий сифатлари эшик оралиқларининг жойлашишига ва сонига боғлиқ бўлади. Даҳлизнинг 1,3 минималъ энида квартиранинг даҳлизга ташқаридан кириладиган эшиги бир табақали бўлади ва квартира ичига қаратилиб очилади. Даҳлизнинг функция бажариши ва бошқа имкониятлари аввалом бор унинг юзасининг ўлчамларига боғлиқдир, ундан кейин даҳлизга қарата очиладиган эшиклар сонига боғлиқ бўлади. Агар даҳлиз етарли бўлмаган ўлчамларга эга бўлса, у ҳолда унинг функцияларининг маълум бир қисми бошқа хоналар зиммасига ўтказилади, бу эса яшаш хоналаридан тўғри фойдаланиш тартиби (режими) га ўз таъсирини кўрсатади.

Даҳлизнинг функциональ жиҳатдан ортиқча юкланганлиги унда кўплаб ҳар хил предметларнинг тўпланишига олиб келади, оқибатда пала-партишлик, предметлар уюмининг ҳосил бўлиши квартира интерьерини ҳам бузади. Бундай ҳолда даҳлизга кўшиб қурилган шкаф унинг жиҳозланишининг энг яхши кўриниши намоён қилади (100-расм). Кийимлар ва пойафзаллар учун ўрнатилган шкаф қаторида турли хўжалик-рўзгор предметлари, анжомлари сақлашга мўлжалланган шкаф, китоблар учун тахталар ҳам бўлиши мумкин.

Бунда даҳлиз жиҳозларнинг кўплаб элементлардан озод этилади, унинг сифими эса кенгаяди. Кўшиб қурилган шкафли даҳлиз, алоҳида турувчи элементларга эга бўлган даҳлизга қараганда анча эркинроқ, кенгроқ қабул қилинади, унинг интерьерини эса тугалланганлик ва бус-бутунликни намоён қилади. Бундай кўринишда у ҳаққатдан ҳам квартиранинг вестибюлига

айланиши мумкин ва унинг квартирадаги композицион-эстетик аҳамияти янада ортади.

Квартиранинг фазовий боғланишлари системасида даҳлиз кўпинча умумий хона билан биргаликда ечилади, бунда у умумий хона билан ягона бутунликни ташкил этади. Икката фазовий кенгликнинг ягоналигига даҳлизни умумий хонага кенг ойнали эшиклар ёки йиғиладиган пардеворлар орқали максималъ очиш билан эришилади (101-рasm). бунда одатда табиий ёруғликдан маҳрум бўлган даҳлизнинг катта бўлмаган фазовий кенглиги лекин унинг умумий хона фазовий кенглигига қаратилганлиги туфайли унга ёруғликнинг “кююлиши” квартирага киришда кенглик ва эркинлик ҳис қилинишини юзага келтиради. Бундан ташқари бундай керак бўлган пайтда (моментда) умумий хонага даҳлизни бириктириш (кўшиш) эвазига унинг фазовий кенглигини ошириш имконини беради. Баъзида даҳлиз умумий хонадан мутлақо шартли равишда потолоккача етиб бормайдиган стеллажлар ёки бир томони шкафли бўлган секциялар билан ажратилади. Бундан вазиятлар (ҳоллар)да даҳлизнинг бадиий ечими умумий хонанинг ечимлари билан узвий боғланган бўлади – улар биргаликда квартиранинг бош композицион марказини ташкил этади (109-рasm, 208 б.). даҳлизни ёритишга сунъий ва табиий ёруғликнинг турли системалари қўлланади. Даҳлизлар битта ёки иккита оқ плафон билан ёритилади, бу плафонлар **обильное** ёруғлик беради (тарқатади). Даҳлиз кўп жиҳозлани тиқиб жойлаштириладиган жой эмас, унинг безатилиши мебеллар ва жиҳозлар билан тифиз тўлдирилмаган ҳолда жиддий ва сокин бўлмоғи тақозо этилади. Бироқ бу дегани юқоридан ёритишга мўлжалланган чиройли плафон ёки қандилдан интерьернинг композицион акценти сифатида фойдаланиш имконини инкор этмайди.

Санитар-гигиеник зона. Бу зона ваннахона, ювиниш ва **туалет** хоналаридан ташкил топган хоналар гуруҳини ўз таркибига киритади. Квартиранинг типига боғлиқ равишда санитария тугунлари кўшма бўлиши яъни ҳамма жиҳозлар (ванна ёки душли паддан, ювиниш мосламаси ва унитаз) битта хонада жойлашиши (102-рasm) ва ажратилган ҳолатда яъни ванна ювиниш мосламаси билан алоҳида хонада, унитаз эса хонада жойлашган бўлади (103-рasm). Санитар тугуннинг биринчи типи асосан ёлғиз инсонлар, кам таркибли оилалар учун мўлжалланган бир хонали квартиралар, меҳмонхона номерлари, ҳамда катта оилалар учун мўлжалланган квартираларда қўлланилади. Кўшма санитар тугунлар анча кам қулайликларга эга бўлади, шу туфайли уларнинг қўлланишига иқтисодий мулоҳаза юритишдан келиб чиққан ҳолда ва фақат кичик габаритли квартираларда йўл қўйилади. Кичик габаритли квартираларда бундай ноқулайлик айтарли даражада кучли таъсир ўтказмайди. Асосий жиҳозлардан ташқари санитар тугун хоналарига ёрдамчи жиҳозлар қатори: кир ювиш машинаси, кир чойшаблар қутиси, курси, тош ойна ҳамда сочиқлар ва кийимлар учун илгич (**вещалка**).

Ванна хонанинг ўлчамлари бу ҳамма жиҳозларнинг габаритлари ҳамда унга бемалол кириш ва ҳаракатланишни таъминлайдиган эркин фазовий кенглик билан аниқланади. Унинг эни 1,4 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Санитар-техник меъёрларда ванна хонага кириш бевосита даҳлиздан ёки коридордан кириш тавсия этилади, лекин кириш эшигини кухня-ошхона ёки яшаш хоналарига ўрнатишга мутлақо йўл қўймаслик лозим. Ванна хонага қўйиладиган мажбурий талаб бу унинг сўриб олувчи қурилма ёки фаол шамоллатиш учун ёруғлик ўтадиган оралик билан таъминланганлиги билан бажарилади. Мумкин қадар уни табиий ёруғлик билан ёритиш тавсия этилади.

Маблағни иқтисод қилиш, тежаш мақсадида санитар тугунларни кухня ёнига жойлаштириш тавсия қилинади. Бундай йўл тutilганда сув узатиш қувурлари, тирсаклар ва вертикаль канализация қувурларининг анча кам сарфланиши эвазига иқтисод қилишга, тежамкорликка эришилади. Бироқ, бундай режавий схемага фақат шундай вазиятларда йўл қўйиладигани, қачонки кухня бевосита ошхона билан боғланмаган бўлса.

Хожатхоналар. Хожатхоналарни режалашга ва жойлаштиришга ўта қатъий талаблар қўйилади. Уларнинг габаритлари асосан уларга қўлланадиган жиҳозларга боғлиқ бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хожатхонанинг бўйи 1,2 м бўлганда эни 0,85 м дан кам бўлмаслиги лозим (агар эшик ташқарига очилганда) ва унинг бўйи 1,4 м дан кам бўлмаслиги тақозо этилади, агар унинг эшиги ичкарига очилса. Агар хожатхонанинг асосий жиҳозлари таркибига қўл ювгич ва биде киритилса, у ҳолда унинг габаритлари катталаштирилиши мумкин (104-расм). Худди ванна хонадаги сингари, унга кириш даҳлиз ёки коридор орқали амалга оширилади, лекин унга кириш эшикларини бевосита кухняга ёки яшаш хоналарига ўрнатиш мутлақо ман этилади. Кўп хонали квартираларда (беш ва ундан ортиқ) санитар-гигиеник меъёрларда уларга иккита хожатхона жойлаштириш тавсия этилади: биттасини даҳлиз ёнига, иккинчисини ётоқхона яқинига жойлаштириш анча мақсадга мувофиқ келади. Худди санитар тугунлар каби хожатхоналар ҳам сунъий (сўриш вентиляторлари) ва табиий (ёруғлик оралиқлари) системаси ёрдамида яхши шамоллатилиши талаб этилади. Бу меъёрий талабнинг бажарилиши Ўзбекистон шароитлари учун алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Фойенинг томоша зали – узун томони бўйлаб фронталь жойлашишида залга кириш ён томондан амалга оширилади, бундай ечим фавкуллодаги вазиятларда (табiiй офатлар, ёнгин, зилзила содир бўлганда) томошабинларни залдан эвакуация қилиш учун қўл келади яъни яхши шароитлар яратади. Режавий ечимларнинг кўп сонли вариантларига боғлиқ бўлмаган ҳолда кинотеатрларнинг асосий ва ёрдамчи хоналарининг таркиби, ўзаро боғланганлиги ва гуруҳланиши ҳамма вазиятларда деярли ўзгаришсиз қолаверади. Ўзларининг функциональ белгиларига кўра кинотеатрларнинг ҳамма хоналарини иккита гуруҳга бирлаштириш мумкин: томоша учун мўлжалланган хоналар гуруҳи ва маъмурий хўжалик хоналари гуруҳи (121-расм). Томоша хоналари гуруҳига: томоша зали, касса хоналари, фойе, буфет ва санитар тугунларга эга бўлган вестибюль. Фойе ўз моҳиятига кўра томошабинларнинг навбатдаги сеансни кутиш жойи ҳисобланади ва шунинг учун ҳам унга буфет ва санитар тугунлар жойлаштирилади, томоша зали томоша хоналари гуруҳининг бош элементи деб саналади.

Томоша залини режавий ечимларини ишлаб чиқишда экранда тасвирларнинг яхши кўринишини таъминлайдиган шароитлар яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда томоша залларининг учта типи мавжуд: партерли зал – амфитеатрли залдаги пол катта бўлмаган оғмаликка (қияликка) – пол айланма оғмаликка ва зал балконга эга бўлади (122-расм). Улардан ҳар бири ўзининг функциональ жиҳатларига эга бўлади.

Фойе ва томоша залининг интерьерларини шакллантиришда ҳозирги замонда қўлланилаётган конструктив системалар муҳим роль ўйнамоқда. Кинотеатрларда биргаликда (қўшма равишда) иккита режавий структура ҳаракат қилади: залли ва ячейкали. Ячейкали структурага асосан фойе тегишли бўлади. Кинотеатрларнинг бу қисми қоидага кўра, темирбетон колонналар ва ригелларнинг бирикишидан ҳосил қилинади, бу эса интерьерда аниқ (пухта) композицион ритмик тузилишни яратади. Санъат саройида (118-расм) ташқи колонналарнинг ритмик қадами унинг фазовий асосини аниқлаб бериш билан фойе интерьерни шакллантиради ва ташқи ҳамда ички томондан ёрқин кўркем кўринишдаги ҳажмни ҳосил қилади. Колонналар асосий юкни ўзига қабул қилиш билан бирга бир вақтнинг ўзида катта тўсувчи текис юзаларни витражли ойналар билан қоплаш имконини беради. Бундай усул

фойенинг ички фазовий кенглигини табиатга қаратиб ташқи муҳит билан органик боғлаш учун замин яратади. 123-расмда шундай типдаги фойенинг режаланиш варианты кўрсатилган, унда интерьерни табиат билан бутунлай ойнали витраж восита орқали максималъ боғлаш ғояси ривожлантирилган (берилган вазиятда ички ҳовли билан). Бу ерда ҳовли очик фойени ўзида намоён этиб, ички ва ташқи фазовий кенгликнинг бой режасини яратади. Композицион тузилиш (қурилиш)да фойе иккита сатҳда (баландликда) жойлашган бўлиб, унда юқорига йўналтирилган зинапоянинг ўрнатилишига катта эътибор ажратилади. Зинапоянинг муваффақиятли ечилган шакли (формаси) фойенинг ички фазовий кенглигини ташкил этишда ва бо фазовий кенглик – кинотеатрнинг томоша залига ўтишнинг кульминацион моментида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин (124-расм). Зинапояларнинг ўрнатилиши (қўйилиши), ўтиш жойларининг контрастлилиги ёритиш усуллари билан биргаликда фазовий кенгликнинг кичик ҳажмдан катта ҳажмга, қуйидан юқорига томон, қоронғиликдан ёруғликка томон очилиб бориши – инсонда юқори эмоциональ ҳис-туйғуларни ҳосил қилишга қодир бўлган воситадир.

Томоша зали кучайтирилган конструкциялар билан бажарилади, бу конструкциялар қуйма ёки йиғма темирбетон рамалардан ташкил топган бўлиб, улар катта ораликларни ёпувчи томларнинг фермалари ва балкаларидан тушадиган оғир юкларни қабул қилишга қодирдир.

Катта ораликли заллар учун металл ёпилмаларнинг қўлланиши характерлидир, чунки темирбетон ёпилмаларнинг хусусий оғирлиги ораликнинг ошиши билан янада ортиб боради.

Янги қурилиш имкониятларининг вужудга келиши билан йирик кинотеатрларнинг лойиҳавий-қурилиш амалиётида том ёпилмаси сифатида осма конструкцияларнинг қўлланиши катта аҳамият касб этди, бу билан архитекторлар ижоди учун чегараларни сезиларли камайитишга эришилди (125-расм). Катта ораликларни ёпиш имконини берадиган янги конструктив системаларнинг қўлланиши эвазига йирик томоша заллари ичкаридан енгил, кенг ҳаволи тарзда, босим ўтказмайдиган тасаввурни ҳосил қилган ҳолда қабул қилинади.

Ўзининг режавий ечимлари бўйича кинотеатрларнинг композицион қурилиши (тузилиши) иқлим шароитларга боғлиқ равишда очик ва ёпиқ бўлиши мумкин.

Совуқ иқлим шароитларидаги шимолий районларда фойе – томоша зали билан бирлашган холл иккита рангли вариантда бўлиши мумкин (126-расм).

Иссиқ иқлимли шароитларга эга бўлган районларда, аксинча, “Табиатга интилиш” принципи бўйича очик композициялар қўлланилади.

Кинотеатрларда гўзал (тасвирий) интерьерни яратиш учун энг мақбул бўлган жой бу фойедир, уни монументал санъат асарлари ёки декоратив элементлар ва жонли тасвирлар билан бойитиш анча осон кечади ва бундай интерьер томошабинлар ўнгида яққол намоён бўлади. Оқилона топилган мавзуга, сифатли ижрога ва тўсувчи конструкциялар текислигининг ранг гаммалари нисбатининг дид танланганлигига эга бўлган кўплаб усуллар

(приёмлар) мавжуд. Интерьернинг бу ҳамма компонентлари кинотеатрларнинг замонавий интерьерларида ўз ўрнига эгадир, лекин бунда энг асосийси – ижро этишининг ўта тактиклигига ва корректлигига эришишдир.

Томошабинда салбий эмоцияни ҳосил қилиш қиладиган теғизликка, тўқ ранглиликка ҳар қандай вазиятда ҳам йўл қўймаслик лозим. Кинотеатр заллари ўзининг моҳиятига кўра ўзида ишчи жойларни (хоналарни) намоён этади, бу жойлар томошабинни қоронғиликка етаклайди, ундаги қоронғилик залнинг интерьерини кўз билан қабул қилишга деярли имкон бермайди. Шунга қарамадан кўплаб томоша заллари, айниқса кинотеатрларнинг ҳашаматли (уникаль) бинолари ҳайратланиш ва юқори эмоционал ҳис туйғуларни уйғотадиган бой безатилган интерьерларга эга бўлади. Уларнинг эстетик сифатларига томоша қилиш балконларининг чиқиб турувчи ҳажмларининг яхши топилган шакллари, **софитларни** ва бошқа ёритиш приборлари (қурилмалари) ни ҳамда товушни кучайтирадиган аппаратураларни жойлаштиришга мўлжалланган “йиқилаётган” оралиқларнинг оқилона топилган шакллари билан эришилади (127-расм).

Театр заллари айниқса, кўп ҳолларда архитектуравий пластика билан тигиз қопланган бой потолок асосий декоратив безак ҳисобланган, замонавий театрларнинг томоша залларидан (128-расм) фарқли равишда кинотеатрларда бу фрагмент асосан ёритиш системалари, уларни гуруҳлаштириш, унинг бутун текислиги бўйича тақсимлаш орқали анча жиддийроқ усуллар билан ечилади. Томоша залларининг текисликларини пардозлаш декоратив материаллар билан қоплаш (материаллар, конструкцияларни танлаш) умуман олганда ёнғин ҳавфсизлиги талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилади (ечилади). Хусусан, бунда кўплаб кинотеатрларда асбестли тахталар қўлланилади, уларнинг ташқи сирти олов бардош аралашмаларнинг юпқа қатлами билан қайта ишланган ёғоч шпонлар билан қопланган бўлади.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда замонавий кинотеатрларнинг интерьерларини шакллантиришда ўз ўрнига эга бўлган асосий жиҳатлар ва муаммолар ҳақида тасаввурларга эга бўлиш, умумий ҳулосаларни чиқариш мумкин. Бу иш мураккаб ижодий жараённи ва у билан боғлиқ бўлган масалаларнинг оқилона ечимини ўзида намоён этиб, маълум тажриба ва чуқур профессиональ билимларни талаб этади.

2-қисм. Умум таълим мактабларидаги интерьерли муҳит

Мактаб бинолари типларининг номенклатураси мутлақо хилма-хилдир. Бу уларни қишлоқ районларида бўлгани каби шаҳар шароитларида ҳам комплектовкалаш шароитларининг кўп қирраллиги билан тушунтирилади. Аммо мактаб биноларининг сифимига (қанча ўқувчига мўлжалланганлигига) боғлиқ бўлмаган ҳолда улардаги асосий ўқув ва ёрдамчи хоналарнинг таркиби мактабларнинг ҳамма типлари учун бир хил бўлиб қолаверади, бунда фақат бу хоналарнинг сони ва юзаси билан фарқланиш мавжуд бўлиши мумкин. Асосий ўқув хоналари ўз таркибига: синфларни, ўқув кабинетларини, қўл меҳнати устaxonасини, универсаль хоналарни, металл ва ёғочни қайта ишлаш бўйича

комбинациялашган устахоналарни киритади; рекреация – танаффус пайтларида ўқувчиларнинг дам олишлари учун мўлжалланган жойлар, хоналар, фаоллик зали – маъруза аудиторияси – умум мактаб тадбирлар: йиғилишлар, мажлислар, маърузалар, байрам кечалари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган жой (хона), гимнастика зали ва ошхонани киритади.

Мактабнинг ўқув дастури шуни ҳисобга олган ҳолда тузиладики, тўққиз йиллик таълим олиш доламида ўқувчи нафақат дастурнифанлар билан, балки ўзини қизиқтирган машғулотлар – меҳнат бўйича тўғарақларга, спорт секцияларига қатнашиши ва бадий ижод қилиш машғулотлари билан ҳам шуғулланиши лозим.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун тез толиқувчанлик, эътиборни жамлаштиришнинг нодавомийлиги характерлидир. Болаларнинг бундай гуруҳлари учун мўлжалланган мактабларда ўқув-тарбиявий ишларига алоҳида шароитлар яратилади ва машғулотларнинг алоҳида тартиби (режими) ўрнатилади: кунига тўрттадан ортиқ бўлмаган дарс ўтилиши лозим, иккинчи дарсдан кейин катта танаффуснинг бўлиши шарт-шароитланади ва дарслар орасидаги танаффусларнинг ҳар бири 15 минут давом этиши тақозо этилади, кунги узайтирилган гуруҳлардаги ўқувчилар учун кундузи ухлаш вақти кўзда тутилган бўлиши лозим. Юқори синф ўқувчилари учун мўлжалланган ўқитишнинг кабинетли системаси, ўқув кабинетлари бўйича кўчиш оқими билан характерланади.

Умумтаълим мактаблари ишининг бундай спецификацияси ўқувчиларнинг ёши билан характерланадиган жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда уларда пухта ташкил этилган фазовий кенгликни талаб этади. Ўқув жараёни учун энг яхши комфорт шароитларни таъминлаш мақсадида мактабларнинг хажмий-фазовий структураси функциональ белгилари бўйича бир хил бўлган хоналарни алоҳида зоналарга гуруҳлаштириш асосида тузилади (129-расм).

Схемага мувофиқ равишда мактабнинг ҳамма ўқув-ёрдамчи хоналари тўртта функциональ зоналарга бирлаштирилади: 1 – вестибюлли зона, 2 – I-IV-синфлар зонаси, 3 – V-IX синфлар зонаси, 4 – маъмурий-техник вазифаларни бажарувчи хоналарни ўз ичига олган умуммактаб хоналари.

Мактаб режавий ечимида I-IV-синф хоналарини (ўқувчиларининг) V-IX синф хоналаридан (ўқувчиларидан) изоляция қилиниши муҳим шароит деб ҳисобланади. Бундай изоляция мактабларда уларни қаватларга тақсимлаш (вертикаль бўйича) билан ёки 1-қават сатҳида тақсимлаш (горизонталь бўйича) билан амалга оширилади. Ўқув-тарбиявий жараёни яхшилашга қаратилган ташкилий характердаги саволлар ва масалаларни ечишда атроф-муҳит эстетикасига катта эътибор ажратилади. Чиройли ва дид билан ташкил этилган мактаб муҳити, ундаги синфлар, кабинетлар, лабораториялар, рекреацияларнинг интерьерлари қайфиятни кўтарадиган, толиқишни бартараф этадиган ва ўқув машғулотларига бўлган қизиқишни оширадиган шароитларни яратади, шу сабабли мактаб бинолари талаб этадиган интерьерли муҳитнинг эстетик такомиллаштиришга бўлган юқори эътиборни бошқа ҳеч қандай жамоат бинолари мактабчалик талаб этмайди.

Мактаб интеръери хоналарнинг иккита асосий – ўқув ва рекреацион гуруҳларидан ташкил топади. Ҳамма синфлар, лабораториялар, кабинетлар, аудиториялар, физкультура (**жисмоний тарбия**) заллари ва фаоллий заллари (**актовый зал**) агар ундан маъруза аудиторияси сифатида фойдаланилса ўқув хоналари гуруҳига киритилади. Рекреацион хоналар танаффуслар пайтида дам олишга мўлжалланади, ўқув вақтидан ташқари вақтда улар ҳам ўқув хоналари блоки таркибига киритилади. Маълум мақсадлар учун мўлжалланган, алоҳида изоляция қилинган хоналар мақбул (оптималь) тартиб (режим) ва улар ичида энг замонавий комфорт шароитларнинг яратилишини талаб этади. Ёруғлик комфортини, акустик режимни ташкил этиш, махсус жиҳозларни ўрнатиш ва ниҳоят хонанинг мақбул (оптималь) шаклини ҳосил қилиш – бу ҳаммаси энг зарур бўлган элементлар сифатида интерьер бадиий образининг қисмига айланади.

Мактаб муҳитига қўйиладиган талаблар:

Ўқув жараёнининг ўтказилишига қўйиладиган талаблар.

1. Синф хонасининг ўқув жараёнига мувофиқ равишда жиҳозланиши: берилган ўлчамдаги доска; ўқув стол ва стуллар; методик материалларни сақлашга мўлжалланган шкафлар; материалларни намойиш қилиш учун махсус стендлар.

2. Қўйидаги имкониятларга эга бўлган ҳолда синфхонага 30-40 ўқувчини жойлаштириш: доска ёнида тушунтириш; ёзма ишларни ўтказиш; гуруҳли машғулотларни олиб бориш; умумсинф ўйинларини (бошланғич синф ўқувчилари учун) ташкил этиш.

3. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш: рангли диапозитларни, кинофильмларни кўрсатиш; телевизор (телевидение) яъни телекўрсатувлар бўйича дарс ўтказиш.

4. “Узайтирилган кун” машғулотлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар. Бу мақсадга эришиш учун индивидуальгуруҳлар машғулотларини таъминлайдиган синф хонани энг кўп хилма-хилликда трансформациялаш.

Гигиеник талаблар

5. Ёруғлик comfortи: ёритилганликнинг тенг меъёрилиги 1:5 нисбатдан ошмаслиги лозим (рухсат этиладиган ёруғлик контрастлари); досканинг узоқ-яқинлиги; кўзни қамаштирадиган ёруғликнинг бўлмаслиги.

6. а) ёруғлик тушадиган томонлар бўйича синф хоналарининг мақбул (оптималь) ориентациясини таъминлайдиган – шарққа ва шимолга, бир сменали машғулотларда ғарбга қаратилган инсоляция;

б) қуёшдан ҳимояланиш;

в) шамоллатиш ва сунъий вентиляция.

Физиологик талаблари олий асаб фаолияти ва психология

7. а) Синфинтеръерибошқабарча хоналардан фарқли равишда ўзининг “чехраси”га эга бўлмоғи лозим. У етарлича ёрқин (яққол) индивидуаль характеристикага эга бўлиши керак;

б) эътиборнинг жамлаштирилиши. Ҳалакит берувчи ҳамма ташқи салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш (шовқин, синф

хоналарнинг олдида юришлар, керак бўлмаган жадваллар, ёзувчилар, шоирлар ва ҳ.к.).

Кенг доирали талаблар орасидаги алоҳида функциональ ўзаро боғланишларни ўғаниш кўрсатадики, синф хона фазовий кенглиги ечимлари билан шарт-шароитланадиган омиллар синф хонаси интерьерини учун ҳал қилувчи омил – синф хонасининг табиий ёруғлик билан ёритилиши аниқлаб беради. Айнан улар тугалланган маънода синф интерьерини аниқлаб беради, кўп ҳолларда эса мактаб биносининг бутун композицион усулини ҳам аниқлайди. Масалан, синф хонасининг юқоридан қўшимча табиий ёруғлик билан ёритилиши мактабларнинг бир қаватли қурилишини ёки поғонали композицияда қурилишини илгари суради (130-расм).

Бурчакда жойлашган синф хоналари фақат блокланган усулда бўлиши мумкин ёки бир синфни иккинчиси нисбатан силжитишда бўлиши мумкин.

Катта бўлмаган хоналарнинг бир-биридан энг ёрқин эса қоладиган фарқланиши шакл бўлиши мумкин яъни хоналар бир-биридан ўзларининг шакллари билан фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун айнан шакл машғулотларига бўлган мойиллик даражаси динамик стереотипнинг ишлаб чиқирилиши билан боғланган. Уйдаги шароитлардан фарқ қиладиган характерли, кўркем интерьерга эга бўлган синф хоналарини яратиш зарурияти туғилади.

Агар массали (кўп сонли) турар-жой бинолари қурилишида устувор тарзда юзага келган анъаналарни эътибор билан кўриб чиқсак, уларда хоналарнинг тўғри бурчакли шакли ягона эканлигига иқдор бўламиз, лекин мактаб синф хоналари кўп қиррали (кўп бурчакли) трапеция ва бошқа анча мураккаб шаклларга эга бўлиши мумкин. Чет эл амалиётида синф хоналарининг ҳар хил шаклларига эга бўлган кўп вариантлари кузатилади (131-расм).

Қатор ривожланган ғарб мамлакатларининг архитекторлари синфнинг мураккаб конфигурацияга эга бўлиши мақсадга мувофиқ келади деб ҳисоблашади, чунки конфигурация ҳар хил бўлганда дифференциалланган қизиқарли фазовий кенглик ҳосил қилинади. Синф хона интерьерининг машғулотлар пайтида ўқувчиларнинг эътиборини жамлашга қўйиладиган талабларга жавоб бериши тақозо этилади.

Ўқувчини чалғитмайдиган муҳит яратилмоғи лозим. бунинг учун синф интерьерини ташкил этадиган элементлар ягона бирликка (бутунликка) келтирилмоғи лозим, уларнинг сонини эса минимумлаштириш тақозо этилади.

Ҳар бир ўқув юртида, айниқса мактабда иш тартибида (режимида) ўқувчининг ақлий жихатдан толиққанлигини бартараф этиш (мувозанатлаштириш) ва унинг организмнинг функциональ жараёнларини фаоллаштириш мақсадида танаффусларнинг ташкил этилиши кўзда тутилади. Бунинг амалга ошириш учун ҳар бир секцияда ёки ўқув блокида кенг коридорлар ва зал кўринишида рекреацион жойларнинг бўлиши таъминланади. Иссиқ иқлимли районларда рекреация очик типда ёки галерия кўринишида бўлиши мумкин (132-расм). Ўзбекистон мактаблари учун республика ҳудудида об-ҳавонинг юқори ҳароратда бўлиши ва йилнинг иссиқ

фасллари мактаб ўқувчилари организмига бу факторнинг зарали таъсирини енгиллаштириш катта аҳамиятга эга бўлади. Мактаб қурилиши амалиётида бу муаммони ечиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар ўқув хоналарини коридорларга нисбатан бир томонлама жойлаштириш йўли билан мустақил табиий шамоллатиш учун шароитларни режавий воситалар билан таъминлашда ўз аксини топади (133-рasm).

Рекреация типи ва унинг ўқув хоналари билан боғланиши (алоқаси) бутун мактабнинг ва хусусан унинг интерьерини ҳам фазовий ташкил этилганлигини характерлайди. 134-расмда бундай уйғунликларнинг турли усуллари (приёмлари) тасвирланган.

А гуруҳида ҳар бир синф ёки иккита синф ўзининг рекреациясига эга. Одатда бу рекреация синфга бевосита туташган очик ҳавода жойлашган кичик ҳовлида ташкил этилади. Бундай усул бир қаватли бинолар учун характерли ва ундан бошланғич синфларнинг фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай рекреация бошланғия синф ўқувчиларини юқори синф ўқувчиларидан ишончли ҳимоя қилишни ва уларнинг очик ҳавода бўлишларини таъминлайди.

Б гуруҳ замонавий мактаб қурилиши учун энг типик бўлган гуруҳ саналади. Бу рекреация синфлар гуруҳи учун мўлжалланган ва у танаффус пайтида ўқувчиларнинг ёшлари бўйича ажралиш ва болаларнинг бу гуруҳ чегарасида мулоқотда бўлишига имконият яратади. Бир нечта синфларнинг бундай системадан рекреацияси табиийки кўп бўлади, у ўзининг катталиги (ўлчамлари бўйича) ва шакли бўйича фазовий кенгликнинг турли-туманлигини ва зарур бўлган контрастлигини ҳосил қилиши мумкин. Бундай рекреацияларнинг усул ва жойлашиш ўрни бўйича турли усуллари бўлиши мумкин – синф билан бир сатҳда жойлашган рекреация, участкага қаратилган рекреация, Г-шаклдаги рекреация, ҳовлини ҳосил қилувчи рекреация, қаватлардаги рекреация ва ҳ.к.

В гуруҳдаги рекреацияларга залли рекреациялар тегишли бўлиб, улар бутун мактаб учун мўлжалланган бўлади. Табиийки бундай усул катта мактаблар учун характерлидир. Бундай рекреация иккинчи қават бўйича очик галерияли, иккита рангли залнинг бой фазовий тузилиши, юқоридан ёритилиши ва зинапояларнинг эффектив ўрнатилиши билан диққат-эътиборни ўзига тартади. Залли рекреациялар турли иқлимли ретонлардаги мактаблар учун ҳам характерлидир. Ўтган асрнинг охириги йилларда Ўзбекистоннинг юқори чангли-шамолли районларидаги қурилишлар учун ички рекреация эга бўлган мактабларнинг иккита типи ишлаб чиқилди (135-рasm). Моҳияти бўйича бу икки вариант ҳам бир хилрежавий структурага эга бўлиб, улар орасидаги фарқ шундаки, биринчи вариантда фақат учта ички ҳовлига эга бўлган фазовий кенглик кўзда тутилган, улардан ҳар бири синфлар гуруҳи учун мўлжалланган, иккинчи вариантда эса синфлар бўйича тақсимланган бир-нечта майда ҳовлиларнинг бўлиши кўзда тутилгандир. Биринчи вариантга тегишли бўлган мактабларда катта комфорт яратиш учун ўқув блоклари ичида очик ҳовлили фазовий кенгликларнинг атриумларнинг бўлиши лойиҳа орқали кўзда тутилган. Бундай атриумларда ўқувчиларнинг йилнинг совуқ фаслларида дам олишлари инобатга олинган. Шимолда зал типигади атриумли

рекреациялар қўлланилади (136-расм). Бундай йирик рекреация-зал кўча чиқиш мумкин бўлмаган изғирин совукда турлича дам олишни таъминлаш имкониятини беради. Анча юмшоқ иқлимга эга бўлган мамлакат Финландияда умумий рекреация очик ҳавога, ҳовлига ўтиш деб ҳисобланади. Жанубда эса умумий рекреация куёшдан ҳимояланган катта фазовий кенглик бўлиши мумкин. Бундай рекреация турли фазовий ечимларга эга бўлади.

Психологлар, врачларнинг фикрига кўра қизиқарли атроф-муҳитга эга бўлган табиат билан ҳар куни алоқада бўлиш болаларнинг биологик ривожланишига, ижобий ҳис-туйғулар (эмоциялар) нинг ҳосил бўлишига, ақлий ва жисмоний жиҳатдан чиникишларига шарт-шароитлар яратади. Мактаб бинолари архитектурасини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири уларни табиий атроф-муҳит билан ажралмас ягоналигини ҳамда табиат ва бинонинг ўзаро бир-бирининг ичига киришини таъминлашдан иборатдир. Ўзаро киришиш нафақат ҳажм ташқи эффектнинг табиатга қаратилишига тегишли, балки интерьернинг ички томондан табиатга очилганлиги ва табиат элементларининг мактаб биносининг интерьерига кириб боришига ҳам тегишлидир (137-расм). Шакллари ва мазмун-моҳияти бўйича турли-туман бўлган архитектуравий муҳит болаларга маълум бир ижобий эмоциональ заряд беради ва аксинча бир-бирига яқин бўлган ҳамда бир жинсли муҳит мактабга, ўқишга бўлган қизиқишни кучайтирмайди. Архитектуравий комфорт, қулайлик, шинамлик, гўзаллик, кун давомида архитектуравий муҳитнинг кўп қиррали алмашинуви ўқувчилар онгли фаолиятининг психологик **стимуллашуви** деб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг психологик фаоллигини оширувчи архитектуравий муҳитларга қуйидагилар киради: машғулотларнинг контрастлик принципи бўйича турли вазиятларда навбатланишини ҳисобга олган ҳолда фазовий кенгликнинг турли **трактовка** қилиниши; бино интерьерининг табиат билан боғланганлиги, бинонинг ландшафтга кириб бориши; ўқув хоналари фазовий кенглигининг трансформацияланиши; хоналар комплекси (мажмуаси) фазовий кенглигининг дифференциаллашуви ва интеграллашуви; алоҳида хоналар ва **комг (20 бет)** хоналарининг фазовий ташкил этилганлигини ўзгартириш учун мобилли трансформацияланадиган мебеллар ва жиҳозларнинг қўлланиши.

Фазовий кенгликларнинг ўз-ўзидан ташкил этилиши ва уларда ацентларнинг жойлашуви хайратланадиган мюрпризларни яратмоғи лозим, бундай сюрпризлар ташриф буюрувчиларнинг қабул қилувчанлик дидларига мувофиқ келиши учун вақт бўйича яхши ҳисобланган ва тўғри пропорцияланган бўлиши лозим. Фазовий кенгликда ҳаракатланиш ёки фазовий кенгликда ҳаракатланишнинг рассом томонидан сеҳргарлик билан яратган иллюзияси замонавий архитектура, скульптура, тасвирий санъат ва дизайн асарларининг қудратли **стимулга** айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда биноларнинг фасад қисмларини очиш ва “қирқиш” йўли орқали катта юзаларни ойна билан қоплаш эвазига бинолар архитектурасида

ялтироқликнинг ҳосил қилинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу ялтироқлик фазовий кенгликнинг сузувчи иллюзиясини ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, унда бино гўёки буғланаётгандек, фазовий кенглик ичкарига ва ташқарига кўчаётгандек (силжиётгандек) туюлади.

Бепаён ташқи фазовий кенгликнинг шакли архитектуравий фазовий композициянинг деворлар чегараси билан тугалланмайдиган ўқув хонаси чегараси ортидаги атрофда давом этадиган қисмига айлангандек бўлади. Мактаб интерьерлари контрастдан контрастга қараб ҳаракатланадиган иштиёкли (**настоятельную**) эҳтиёжини қондирмоғи лозим, бундай контрастлик интерьерли муҳитга алоҳида ҳаётийлик беради (бағишлайди). Инсонда, айниқса болаларда таассуротлар (тасаввурлар)нинг доимий алмашилиб туришига муҳтожлик сезилади, яъни улар доимо тасаввурларнинг ўзгариб туришига муҳтож бўладилар.

Болалар ўзларини ўраб турган оламни ва унинг ташкил этувчиларини уларнинг физик ўлчамлари қараб ва фикрлаш орқали қабул қиладилар. Болалар катта бўлмаган ҳаракатларда ҳам ўзларини яхши ҳис қиладилар.

Уларга ҳаракатнинг тез-тез шакл алмаштириши зарурдир. Бу борада анча мураккаб ва шу билан бирга эффектив деб предметли скульптуранинг ва кичик шаклларнинг куп режали динамик қурилиши айтиш мумкин. Кичик архитектуравий шаклларни бино ичига, очик, ярим очик ва ёпиқ ҳовлиларга ҳамда участкаларга жойлаштириш мумкин. Кичик архитектуравий шаклларга қуйидагилар киради: рельефли декоратив **стенкалар**, структуравий скульптуралар, **вазалар** (хумлар), геометрик ҳажмли композициялар, фавворалар, декоратив сув ҳавзалари, узун курсилар, чироқлар (138-расм). Кичик архитектуравий шакллар талаб этиладиган эмоциональ атроф-муҳитни яратишда муҳим роль ўйнайди, ўқувчиларга яхши эстетик диднинг ривожланишини шарт-шароитлайди, гўзалликни ҳис қилишга чорлайди. Шу билан бир қаторда мақсадли йўналтирилган кичик архитектуравий шакллар ҳам кенг қўлланилади: сакраш, ошиб ўтиш, сирпаниш учун қурилмалар, камондан ўқ отиш майдонлари ва ҳ.к.

Монументаль декоратив санъатнинг элементлари интерьерларни бойитади ва хоналарни индивидуаллаштиради. Жойлашиш ўрни, мазмун-моҳияти ва шакли бўйича яхши ўйланган монументаль декоратив санъат элементлари ўқувчини эстетик тарбиялашга шарт-шароит яратади, уларда диднинг шаклланишига яхши таъсир кўрсатади.

Мактаб декорининг эстетик функцияси билан бир қаторда унга маълум меъёردа онгли ва тарбиявий аҳамият ҳам тегишлидир. Мактаб интерьерига монументаль ва декоратив элементларини киритишда акцентларни ажратиш мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Монументаль тарғибот учун энг маъқул бўлган жойларга вестибюль, рекреация, фаоллик зали, ошхона (ўқувчиларнинг қисқа вақтли бўлиш жойлари) ни киритиш мумкин. Мактаб интерьерларидаги декоратив **панно** ҳам анча қизиқарли бўлиб, улар ҳам тенг равишда эстетик, тарбиявий таъсир ўтказади (139-расм).

Монументаль ва декоратив элементлар ўқув секцияларини ўзига хос белгилаш (танишиш) символлари сифатида хизмат қилади, болаларда уларни

ўраб турган оламнинг турли-туманлигига бўлган қизиқишни уйғотади. Буларнинг ҳаммаси шахснинг шаклланишига эмоциональ таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, мактабларнинг интерьерларини шакллантириш ва режавий ечимларини ташкил этишга келтирилган мисолларнинг ҳаммаси ўқувчилар учун соғлом ҳаёт тарзини таъминловчи, кўтаринки кайфият бағишловчи, умуман олганда ўқишга маъсулият билан ёндашишга чорловчи максималъ комфорт шароитлар яратишга йўналтирилган энг яхши ечимларни топишнинг натижаси деб ҳисобланади.

3-қисм. Музейлар ва кўргазма залларининг интерьерли фазовий кенгликларининг ечимлари

Музейлар ва кўргазма залларига эга бўлган бинолар шундай муассасаларки, уларда у ёки бу давлатнинг маънавий-тарихий, маданий-моддий қадриятлари ва халқ хўжалигининг ютуқлари ҳақидаги информациялар жамланган (концентрланган) шаклда ўз аксини топади.

Тарихий қадриятларни ўзида намоён этувчи қадимий ҳужжатлар ва материалларни сақлаш ва намойиш этиш музейларнинг функциональ вазифасини ташкил этади ва унинг нимага мўлжалланганлигини аниқлаб беради. Бир вақтнинг ўзида улар илмий-қидирув марказлари деб ҳам ҳисобланади, уларнинг базасида ўлканинг маънавий мероси ва маданияти ўрганилади. Ўз мазмун-моҳиятига кўра музейлар бир нечта йўналишларга эга бўлади: ўлкашунослик, тарихий, бадий, халқ хунармандчилиги, полеонтологик ва кўплаб бошқа йўналишларга эга бўлади. Сигими (ҳажми) бўйича музейлар – кичик 3 мингдан 10 минг куб метргача, ўртача – 10 мингдан 30 минг куб метргача ва йирик – 30 мингдан 80 минг куб метргача бўлиши мумкин.

Кўргазма заллари ҳам музейларникига ўхшаш бўлган вазифаларни бажаради. Лекин уларда музейлардан фарқли ўлароқ инсон фаолиятининг ҳамма – техника, фан, маданият ва санъат соҳаларида эришилган ютуқларни акс эттирувчи экспонатлар, **ноэкспонатларни** намойиш этиш учун мўлжалланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўтказилаётган кўргазмаларда халқ хўжалиги ҳамда саноат ютуқлари ва ривожланиши намойиш этилаяпти, бу кўргазмалар ишбилармон тижорат характерга эга бўлади, улар асосида йирик битимлар, шартномалар тузилади. Бу битимлар ва шартномалар бўйича республикада ишлаб чиқарилган у ёки бу саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йирик партияларда ватанимиз ва чет эл фирмаларига етказилади. Кўргазмалар ҳам худди музейлар сингари функциональ вазифаси, экспонатларнинг мазмун-моҳияти ва мақсади бўйича жуда кенг типологик диапозонга эга бўлиб, улар ҳам музейлар каби умум шаҳар, умум вилоят, республика ва халқаро аҳамиятга эгадир.

Музей ва кўргазмаларнинг вазифаларига кўра ҳамда улар архитектуравий-режавий ечимларининг фарқланишига қарамасдан уларнинг режавий структураларининг асослари, хоналар таркиби ва ўзаро боғланиши бўйича бир-биридан кам фарқ қилади. Бундай иншоотларнинг режавий

ечимлари экскурсион гуруҳлар оқимига қарама-қарши ҳаракатни инкор этадиган бош технологик талабларга мувофиқ қурилади.

Экспозиция залининг биридан бошқасига анфиладли схема ҳамда ҳаракат оқими ёпиқ доира схемаси бўйича бўладиган ҳаракатни намоён этувчи оқимлар ҳаракатининг графиклари энг кўп тарқалган графиклар дейилади (140-расм).

Музейлар ва кўргазма биноларининг лойиҳавий ечимларига қўйиладиган энг бош ва асосий талаблар биттаси бу ички фазовий кенгликни функциональ зоналаштиришни тўғри ташкил этиш, асосий ва ёрдамчи хоналарни тўғри гуруҳлаштириш ва улар орасидан ўзаро боғланишларни тўғри йўлга қўйишдан иборатдир.

Зиммасига ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш функцияси юклатилган хоналарнинг биринчи гуруҳига гардероб ва санитария тугунларига эга бўлган вестибюль, информацион-маълумот бериш маркази, экскурсия аъзолари учун хоналар, сувенирлар ва бошқа буюмларни сотишга мўлжалланган дўконча (киоска) каби бир қатор хоналар киради. Вестибюлли гуруҳлар ва вестибюль олдидаги очик экспозиция ташриф буюрувчиларни психологик тайёрлаш вазифасини бажаради ва унинг биринчи бўлиб тасаввур қилинишини шакллантиради. Бу ерда анжуманлар, учрашувлар, мажлислар (йиғинлар) ва шунга ўхшаш тадбирлар ўтказилади, шу билан бир қаторда универсал хоналарда турли жамоат тадбирлари ва даврий экспозициялар олиб борилади. Иккинчи гуруҳ хоналари ўзида экспозицион залларни намоён этади, улар доимий экспозицияларнинг бош функциональ зонасини ҳосил қилади. Залларнинг майдонлари (юзалари) экспозиция қилинадиган материалнинг ҳажмига боғлиқ равишда қабул қилинади.

Хоналарнинг учунчи гуруҳини ташкил этувчи хоналар маъмурий-хўжалик функцияларини амалга оширадиган зонани ҳосил қилади, бундай хоналарга илмий кабинетлар, фондларни сақлаш хоналари, лабораториялар, реставрация устахоналари, экспонатларни маълум муддатда сақлашга мўлжалланган хоналар.

Экспозицион заллар кўргазмалар ва музейларнинг марказий композицион ядроси бўлиб хизмат қилади. Экспозицион залларнинг майдонлари турлича бўлиши мумкин. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, уларнинг барча кўп жиҳатларини ва турли-туманликлигини майдонлари 900, 1500 ва 3000 м² бўлган ва баландлиги бўйича: 4,5 м – катта бўлмаган экспонатларни жойлаштиришга мўлжалланган; 6 м – машина-механизмлар учун; 3 м дан 12 м гача – алоҳида йирик экспонатлар учун мўлжалланган учта асосий типга жамлаш мумкин. Маъмурий-хўжалик хоналари баландлиги 3,3 м бўлган қаватларга жойлаштирилади.

Вестибюль ташриф буюрувчиларда биринчи таассуротни шакллантирувчи ва экспозицион заллар бўйича кейинги экспозицияларни тайёрлашга йўналтирувчи жой бўлганлиги учун уни даврий кўргазмаларнинг кириши залига очиш лозим бўлади.

Ватанимизда ва хориждаги лойиҳа-қурилиш амалиётида марказли ва блокли ҳажмий-фазовий композицияга эга бўлган музей ва кўргазма

повильонлари кенг ривожланган (...-расм). Бу композицион ечим усулларида ҳар бири ўзининг маълум характеристикаларига эга. Марказий композиция режавий ечимларининг компактлиги ва ташқи тўсувчи конструкцияларнинг минималъ майдон (юза) эгаллаши эвазига майдоннинг иқтисод қилиниши, иссиқлик йўқотилишининг минималъ қиймати ва умумий эксплуатацион харажатларнинг минималлиги билан ажралиб туради.

Айрим вазиятларда бундай композицияларнинг ички режавий структураси таянчларга эга бўлмаган залнинг ягона ҳажми билан ечилади, бундай залда томошабин ички фазовий кенгликда яхши ориентация шароити ва кўриш орқали қабул қилишнинг кенг сферасидан фойдаланишга муваффақ бўлади.

Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейи замонавий музейга мисол бўла олади (141-расм). Ягона ҳажмда бажарилган музей биноси тўртта қаватдан иборат (бунда биринчи қават – **подиум** ҳам ҳисобга олинган). Бош юқори ҳажм (экспозицион заллар ҳажми) режа бўйича квадрат шаклида бўлиб, унинг катта ҳажми пастки кичик ҳажм устида мувазанатлашган. Музейнинг бош композицион режаси бўлиб катта фазовий ҳажмли атриум хизмат қилади, бу ядро бино ҳажмининг бутун баландлиги бўйлаб давом этган. Ҳамма экспозицион заллар бу ядро атрофида жойлашган ва оқимлар ҳаракати ёпиқ доира бўйича амалга ошади.

Блокли, ёки бошқача ном – **деценрланган** композиция марказлиси билан қиёсланганда фазовий ва режавий ечимларнинг юқори айланмалиги ихтиёрий шаҳарсозлик ситуациясига нисбатан енгил адаптациялиги, архитектуравий-образли масалаларнинг ечимларининг катта имкониятга эга эканлиги билан ажралиб яъни фарқланиб туради.

Музейлар ва кўрғазмаларнинг бундай типдаги композициялари режаларнинг пухта дифференциаллашган функциональ зоналари ва улардаги хоналарнинг “туғма” белгилари бўйича гуруҳланиши билан таъминланади. Биринчи типда бўлгани каби иккинчи типда ҳам экспозициялари икки, уч ва ундан юқори бўлган сатҳларда ечилиши мумкин.

Сиразуздаги археология миллий музейини блокли музей биноларига мисол тариқасида келтириш мумкин (142-расм).

Музей биноси хоналарнинг алоҳида функциональ зоналарга пухта гуруҳлаштирилган ҳолда бир қаватли иншоотни намоён этади: кириш, экспозицион ва маъмурий-техник хоналар зонаси бу ҳажм остида жойлашган. Экспозицион зона тўртта ҳар хил катталиқдаги трапециясимон залли ячейкалардан ташкил топади, бу ячейкалар вестибюлли гуруҳларнинг марказий ҳажмдан радиаль (радиусли) йўналишлар бўйича тарқалади. Блоклар орасидаги мустақил боғланишларга эга бўлган бундай режавий усул (**приём**) музей биносини юзаларининг паст-баланд жойлашганлигидан катъий назар исталган ер участкасига жойлаштириш имконини беради. Ўзбекистондаги деярли барча кўрғазма иншоотлари ва музей бинолари марказий композицияли ягона ҳажмда қурилган.

Музейлар ва кўрғазма мажмаулари уникаль иншоотларни намоён этади, шу сабабли уларнинг ғоявий-бадий сифатларига алоҳида юқори талаблар

қўйилади. Бу талабга биринчи навбатда гўзал ва мақсадга мувофиқ бўлган ягоналик принципи жавоб беради. Музейлар ва кўргазма повильонларнинг архитектуравий-фазовий қурилиши уларнинг экспозицион залларининг тематикасини (мавзусини) очиқ бериш, ёритиб беришга мувофиқ келмоғи лозим. Бу масалани ечишда биринчи навбатда бу иншоотларни ички ташкил этишдан, уларнинг ичида содир бўладиган жараёнлар, уларнинг режавий структураларидан келиб чиққан ҳолда ечиш тақозо этилади.

Экспозиция залларининг катта ёпиқ фазовий кенгликлари, уларни алоҳида ёритиш системалари (юқоридан бериладиган табиий ёруғликнинг сунъий ёруғлик билан уйғунлашуви) кўплаб музейлар ва кўргазмалар учун тўсувчи конструкцияларнинг анъанавий йирик ташқи туйнуксиз (бус-бутун) юзаларини аниқлаб беради. Кўргазма повильонлари ва музейларнинг бундай ёпиқ ечимлари савдо корхоналарида бўлгани каби интерьерларнинг ички пластикасини юзага чиқариш комфортли ёруғлик муҳитини яратиш билан боғлиқ бўлган энг муҳим масалаларнинг ечилиши билан ҳал этилади. Ёруғликнинг кўргазма заллари ва музейлар интерьерларидаги роли мутлақо каттадир. Рациональ ёритиш системаси билан экспозицион материалнинг кўриш орқали яхши қабул қилинишини таъминлайдиган яхши шароитларга этишиш мумкин, бунда куёш нурларининг кўзни камаштирадиган ялтироқликда қайтиши ва кўргазма экспонатларининг бузилишига олиб келувчи салбий таъсирлари бартараф этилади. Унинг таъсирида аҳамиятига кўра кам бўлмаган бошқа муҳим масалалар ҳам ечилади: фазовий, пластик ва рангларга алоқадор бўлган масалалар ўз ечимини топади, атрофда жарангдор архитектуравий муҳит яратилади ва экспозицион зал интерьерларида томоша қилиш туфайли ҳосил бўладиган толиқиш ва психологик кучланганлик ҳолатларини сўндириш (пасайтириш)га эришилинади. Ватанимиз ва чет эллардаги қурилишларда экспозиция залларини табиий ёруғлик билан ёритиш системаси кенг амал қилинмоқда, бунинг асосида ички ёруғлик муҳитининг ташқи муҳит билан ягоналигига эришилади, ҳамда залнинг умумий қоронғироқ фонида эмоциональ кучланишни ҳосил қилиш учун зални йўналтирилган ёруғлик билан ёритилади. Экспозицион заллар ва музейларнинг интерьерларини ёритишда анъанавий қўлланиладиган ёруғликни тарқатиш кўплаб кўргазма повильонлари ва музейларни классик ёритишга мисолдир, бунда ёпиқ фазовий кенгликда юқори даражаликомфортликка эга бўлинади. Экспозицион заллардаги бундай ёритилганликка табиий, сунъий ва интеграль ёруғлик системаларининг қўшма тарзда қўлланиши эвазига эришилади. Қуйида кўрсатилган расмларда (143-расм) музейлар ва кўргазма мажмаулари (комплекслари) намоиш залларининг табиий ёруғлик системалари ёрдамида ёритилиш вариантлари келтирилган. Залларни табиий ёруғлик билан ёритишда одатда юқоридан, юқори ён томондан ва ён томондан ёритиш системасидан фойдаланилади. Бу системалардан ҳар бири экспозицион мазмун нуқтаи-назаридан маълум шароитларни яратишга яроқли бўлган ёруғлик хоссаларига эга. Музейлар ва кўргазма повильонларининг экспозицион залларида ёруғликни тарқатишнинг сунъий манбаларидан фойдаланиш уларда оқшомги (кечки) иш соатларида

экспонатларни қўшимча ёритиш учун ва ёруғлик эффектини ҳосил қилиш билан изоҳланади. Бундай вазиятда энг бош ва муҳим бўлган масала бу ялтироқликни бартараф этиш ва сунъий ёруғлик манбаларининг сезилмайдиган, яширин жойларга ўрнатилиши билан ечилади.

4-қисм. Савдо корхоналарининг интерьерлари

Савдо корхоналари биноларининг интерьерларини ташкил этишнинг алоҳида жиҳатлари шундан иборат бўладики, улар фазовий кенглигининг ҳар қандай безатилиши, энг алоҳида излаб топилган пардозлаш варианты ҳам яхши савдо бизнесини таъминлай олмайди, агар қачонки, уларнинг савдо нуқталари, ишчи жойлари, савдо залларининг ўзлари фазовий кенгликнинг пута информативлиги, зарур бўлган махсулотни тезда топиш учун ва ниҳоят махсулотнинг сотиб олувчилар томонидан сифатига баҳо қўйилиши учун етарли бўлга меъёрий комфорт ёритилганликка эга бўлмаса.

Бунда зарур бўлган махсулот (товар)нинг ушбу (берилган) дўконда йўқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш ҳам анча кам бўлмаган аҳамият касб этади. Агар бундай аниқлашга тартибсиз ҳаракат оқими, кўриш учун дискомфортли ва ноинформацион муҳит мавжуд бўлганлиги туфайли эришилса, албатта бунда қоникмаслик ва салбий эмоциялардан ташқари ҳеч нарса юзага келмайди ва харидор бундай вазиятларда ҳаттоки энг чиройли архитектуравий шаклларни ҳам баҳолашга қодир бўлмайди: харидор ҳаттоки уларни пайқамайди ҳам!

Йирик кўп қаватли савдо биноларидаги ён томонлама тушадиган табиий ёруғлик дискомфортликдан бошқа ҳеч нарсани бермайди.

Савдо биноларида табиий ёруғлик билан табиий ёруғликдан фарқли ўлароқ интерьердаги бутун предметли-фазовий муҳитнинг қабул қилиниши учун мақбул (оптималь) шароитлар яратиш ва бундай шароитларнинг доимийлигини таъминлаш имконини беради. Бунда ёруғликнинг фаол техникасидан фойдаланиш орқали қўйилган мақсадга юқори даражада эришилади, бунда юқори самарадорликка, нисбатан узок муддатли хизмат қиладиган ва нур тарқалишининг кенг спектрига эга бўлган ёруғликнинг янги манбалари ва янги ёритиш приборларининг кенг номенклатураси кенг шарт-шароит яратади.

Замонавий архитектурада сунъий ёруғликни интерьернинг архитектуравий композициясини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири деб кўриб чиқишмумкин. Сунъий ёруғлик имкониятларидан ижодий фойдаланиш, интерьерда ранглар гармониясига (уйғунлашувига) ва композицион ечимига эришиши эслаб қолинадиган архитектуравий образни яратишнинг асосларидан биттасидир (144-расм).

Сунъий ёруғликдан ва унинг реалъ имкониятларидан фойдаланиш олдида турган архитектуравий масалаларни таҳлил қилиш архитектуравий ёритишни лойиҳалашнинг қуйидаги принципларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш имконини беради (“архитектуравий” дейилганда композицион мазмунга

мувофик равишда функциональ ва бадий масалаларнинг комплексли ечилишини таъминлаш тушунилади):

- 1) архитектуравий ечишнинг чегараларини танлаш;
- 2) архитектуравий ёритишга дифференциаль ёндашиш;
- 3) трансформациялаш орқали интерьернинг архитектуравий ва ёруғликли муҳитини таъминлаш.

Биринчи принцип ёруғликдан фойдаланиш меъёрини архитектуравий композиция сифатида аниқлаб беради. Интерьернинг композицион ечимини яратишда архитекторнинг ижодий ғоясини энг тўлиқ реаллаштириш имконини берадиган воситалар ва йўналишлар танланади. Бунда интерьер бадий образининг гаргониклиги ва гўзал қиёфасини ҳосил қилиш биринчи навбатда ҳар бир архитектуравий воситанинг оптималь чегараларини танлаб олишга боғлиқдир.

Бунда улардан биттасидан бошқалардан кўра анча алоҳида ажралган ҳолда мутлақо фаол фойдаланганлик композицион бутунликнинг деформацияланишига, кўриш кўриш орқали қабул қилинадиган маълум информациянинг ўта ортиқча даражада қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида у ёки бу воситанинг композицион имкониятларнинг ўта соддалаштирилганлигидан ва улардан схематик тарзда фойдаланиш архитектуравий мазмунни бирлаштириш, умумлаштириш оқибатидаги информатив етишмовчиликнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бу ерда таниқли архитектор А.А. Весниннинг “қабул қилишнинг иккита: пастки ва юқори бўсағаси мавжуддир. Масала қандай ечилмасин, энг муҳими қабул қилиш шу икки бўсаға орасида бўлмоғи лозим. пастки (қуйи) бўсаға бу динамик қабул қилишнинг фактли намоён бўлишидаги ритмик тебранишларнинг минимумини аниқлайди. Бу бўсағадан пастда монотонлик, бир образлик билан аниқланиладиган соҳа бўлади. Юқори бўсаға тебранишлар сони энг катта бўлган жойга бориб якунланади. Бу ўша бежавотирлик, ўткирлик, улар фақатгина қабул қилишни қийинлаштиради ва қониқиш ҳиссини бермайди” (Ильин, М.А. Веснин.: СССР ФА, 1960) айтган сўзларини келтириш мумкин.

Психология маълум бўлган маълумотлар инсоннинг бўлиши мумкин муҳитнинг информативлиги ўзининг оптималь чегараларига эга бўлади, улардан ортиқча мураккабликка оғиш ёки мазмуннинг мураккаблаштирилган ҳолатда қабул қилиниши **негатив** эмоцияни (ҳис-туйғуни) юзага келтиради. (Гибсон Д. кўриш орқали қабул қилинишга экологик ёндашиш. – М.: Тараққиёт, 1988).

Юқорида таъкидланганлар тўғридан-тўғри ва аввалом бор ёруғликдан архитектуравий композицияни шакллантиришда энг муҳим восита сифатида фойдаланишга тегишлидир.

Бусиз (ёруғликсиз) архитектуравий композицияни қабул қилиш мумкин эмас. Ёруғлик – соя структураси асосий архитектуравий ғоянинг интерьер билан контекстлигида яратилади ва у композицияда шундай ролни бажарадики, бу роль ижодий ғоя орқали аниқланади. Архитектуравий ёритиш чегаралари тушунчаси ёруғлик билан архитектуравий шаклнинг асосий

хусусиятларининг ва уларнинг ўзаро таъсирлашувининг юзага чиқиш даражасини аниқлаб беради. Ёритиш приборлари, ёритиш қурилмаларининг алоҳида ташкил этувчилари (масалан, **шинопроводлар**, йўналтирувчи ёки таянч штангалар ва х.к.) предметли фазовий муҳитнинг архитектуравий образини шакллантиришда иштирок этувчи элементлар деб ҳисобланади. Шу сабабли улар архитектуравий муҳитнинг бошқа ташкил этувчилари қаторида интерьернинг умумий композицион қурилишига киритилади ва “бадий белгиларнинг устувор умумийлиги билан” яъни аниқ **стиль** орқали архитектуравий гармония ваархитектуравий гўзалликнинг яратилишига шарт-шароит ҳозирлайди. (Иконников А.В., Степанов Г.П. “Архитектуравий композиция асослари” – М.: Стройиздат, 1971).

Ёритиш қурилмаларини лойиҳалашга бўлган дефференциаль ёндашув савдо интерьерини учун иккинчи принцип сифатида асосий ёриуғлик турларининг қуйидаги жамланмасини ҳисобга олади: умумий, функциональ-технологик, моделлаштирувчи ва информацион (145-расм).

Интерьернинг умумий ёритилиши хоналарда зарурий кўрувчанлик даражасини таъминлашга мўлжалланган бўлиб, бундай ёритилганлик даражаси одам чехрасини ажратишга ва унда ориентацияланишга ҳамда фазовий кенгликнинг архитектуравий жиҳатларини ва хона шакл-қаватини юзага чиқаришга имкон беради.

Функциональ-технологик ёруғлик (ёритиш) иш жойларида ёруғлик муҳитининг оптималь гигиеник ва технологик кўрсаткичларини таъминлаш мақсадида яратилади. Савдо интерьерида бундай ёруғлик (ёритилганлик) ҳисоблаш-касса зонасида ва қўшимча хизмат кўрсатиш зоналарида қўлланилади.

Моделлаштирувчи ёруғлик намоиш этилаётган ёки қўйилган товарлар шакллариининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш, юзага чиқариш ва интерьернинг архитектуравий шаклини намоиш этишга мўлжалланади. Бундай ёритилганлик ёрдамида архитектуравий композициянинг савдо муҳити билан гармонизацияси қилиниши амалга оширилади ва унинг эмоциональ таъсирини таъминлайдиган сифатлар шакллантирилади.

Информацион ёруғлик (ёритилганлик) савдо интерьеридаги турли информациялар (маълумотлар)дан ташкил топган осилмаларнинг кўз орқали комфортли қабул қилиниши учун мўлжалланади. Таъкидлаш жоизки, тавсия этилаётган бўлим қатор вазиятларда турлардан ҳар бирини маълум даражада шартли равишда ўзига бир нечта функцияларни умумлаштириши мумкин.

Архитектуравий ёруғликни ташкил этишнинг учинчи муҳим принципи бино интерьеридаги архитектуравий муҳитнинг трансформацияланиши ва ўзгарувчанлигини таъминлайди. Алвара Аальто сўзларига кўра, архитектуравий муҳит анча кўп даражада инсон эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши нуқтаи-назардан трансформацияланиш имкониятига эга бўлмоғи лозим “... у билан ва бошқа предметлар билан, унинг ташкил этувчилари билан шундай мулоқотда бўлиш керакки, натижада улар инсоннинг доимий янгилиниб ва ривожланиб турадиган психологиясига жавоб бермоғи лозим; ... инсон атрофидаги бевосита муҳит шундай конструкцияланиши лозимки, унда

доимий ўзгарувчанликка аввал бошданок унинг замирига қўйилган бўлмоқи лозим”. (Аальто Алвара, Архитектура-гуманизм. – М.: Прогресс, 1978).

Архитектуранинг юқори сифатда сақланиши ёруғликнинг қандай даражада бундай ўзгаришларга мувофиқ келишини доимий равишда режали ўзгаришлар рўй берадиган савдо интерьерлари мисолида кўриш мумкин.

Интерьер архитектуравий муҳитнинг трансформацияланишувини таъминлайдиган ёритишни ташкил этишнинг иккита асосий йўлини кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиси ёритиш ўрнатмаси (қурилмаси)нинг берилган структурасини яратиш билан боғлиқ бўлиб, ўзига ёритишнинг: функциональ кенг аҳамиятлилиги, ёритиш қувватларининг зоналли ташкил этилишини ва захиравийлигини ташкил этиш усуллар (приёмлари) киритилади; иккинчиси эса ёритиш ўрнатмалари (қурилмалари)нинг улардан ташкил этувчиларни қисман алмаштириш асосида ўзгарувчан структурани ва ёритувчи приборларнинг мобиллигини яратишни ўз ичига олади (147-расм).

Ёритиш ўрнатмаси (қурилмаси)нинг берилган структураси унинг эксплуатация қилиниш даври давомида ўзгармаслиги лозим, лекин у интерьер режасининг маълум ўзгаришларини таъминлаш имкониятлари билан баҳоланадиган сифатларга эга бўлмоғи лозим. савдо залларида ёруғликнинг зоналли ташкил этилиши анча иқтисодий жиҳатдан маъқулроқ ҳисобланади, бундай ташкил этиш архитектуравий муҳитнинг ўзгарувчанлигини ҳосил қилиши учун энг кам имкониятларга эга бўлди. Амалиётда қўлланилиши тез-тез тақозо этиладиган функциональ тенг аҳамиятlilik методи лойиҳаланишдаги нисбатан оддийлиги ва осон режалаштирилишига қарамадан эксплуатацион сарфлар билан боғлангандир ва функциональ ҳамда бадий масалаларнинг рациональ ечимини таъминлай олмайди. Савдо хоналари учун энг мақбули бу захиралаштирилган ёритиш қувватларининг қўлланиши ҳисобланади, лекин у аввалроқ айтиб ўтилган методларга нисбатан анча юқори капитал сарф –харажатлар билан боғлангандир, шунга қарамадан у функциональ тенг аҳамиятlilikда анча кенг имкониятларга эга.

Иккинчи йўл – ёритиш ўрнатмалари (қурилмалари)нинг ўзгарувчан структура ҳосил қилиши интерьернинг талаб этиладиган қайта режаланиши ва трансформацияланишини таъминлайди. Ёритиш ўрнатмаси (қурилмаси)нинг ташкил этувчиларини қисман алмаштириш эксплуатациянинг ҳар бир даврининг ёритиш масалаларига мувофиқ келишини таъминлаш мақсадида ёритиш приборларининг сонини ва типларини даврий алмаштириш имконини беради.

Ёритиш приборларининг мобиллиги уларнинг ўқи атрофида вертикаль, горизонталь ёки бирон бир бошқа йўналишда ҳар бир конкрет вазият учун маъқул бўлган ёруғлик оқимларининг шундай тарқалишини кўчириш имконини беради. Бинонинг савдо интерьерларидаги бундай метод архитектуравий ёритишни ташкил этиш учун энг самарали бўлган метод сифатида қўлланилади, унинг қўлланиши функциональ ва бадий масалалар комплексини иқтисодий нуқтаи-назардан тағри ечиш имконини беради (ЕРКО...).

Архитектуравий ёритишнинг биринчи йўли ва у билан боғлиқ бўлган методларни кундалик эҳтиёждаги маҳсулотлар билан боғланган савдо хоналари, жойларида амалга ошириш тавсия этилади; иккинчи йўли ва унинг аниқловчи методлари эпизодик эҳтиёждаги маҳсулотлар билан боғланган савдо хоналари ва жойлари учун мўлжаллангандир. Архитектуравий ёритишни лойиҳалашнинг битта эмас балки бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имконини берадиган бир нечта методларидан тез-тез фойдаланилади.

Бу принципларнинг амалиётга реализация қилиниши интерьер архитектуравий композициясини шакллантириш воситаси сифатида ёруғликдан самарали фойдаланиш имконини беради ва ёруғликнинг интерьерларнинг умумий архитектуравий сифатларини ошириш омили сифатида намоён бўлишига замин яратади.

6§. Замонавий турар-жой ва жамоат бинолари интерьерларини шакллантиришнинг асоси сифатидаги факторлар комплекси

Биолар интерьерларини лойиҳалаш устида олиб бориладиган амалий иш уларни шакллантириш қонуниятларини чуқур билишни ва қўйилган масалаларни ечишга тизимли (системали) ёндашишни талаб этади. Ушбу бўлимда асосий омиллар ва уларнинг турар-жой ҳамда жамоат биолари интерьерларини шакллантиришга кўрсатадиган таъсирларининг характери ҳамда уларни лойиҳалашда комплексли ёндашиш методлари анча умумлашган шаклда баён этилади.

1-қисм. Интерьернинг функцияси ва композицияси

Юқорида таъкидланганидек, функция ва композиция интерьерни шакллантиришда аниқловчи омиллар сифатида намоён бўлади. Интерьернинг яратилиши ички фазовий кенгликни шакллантиришдан, унинг ўлчамларини, шаклини аниқлашдан бошланади. Лойиҳаланаётган хоналар жойларнинг мўлжалланиши ички муҳитни, унинг интерьерини ташкил этишнинг аниқловчи омиллари деб ҳисобланади.

Фазовий кенглик ўзининг вазифаларига мувофиқ равишда функциональ зоналарга бўлинади, улар ҳам кейинчалик анча мақсадга мувофиқ тарзда кетма-кет гуруҳлантирилади ва шу асосда интерьер ташкил этилишининг стратегияси танланади. Бунда ечимларнинг вариантлари бўлиши мумкин. Бу вариантларни

3-бўлим. Халқ турар-жойларида безакларва функциональэлементлар

Иморат интерьерининг кўриниши ва функцияси хона қисмлари, жиҳозлари билан белгиланган. Масалан, саройда –тахт, ибодатхонада – илоҳлар, будда хайкаллари, улар учун токча бўлинмалари, супалар, оташпарстлик ибодатхоналарида- оташкад ва муқаддас меҳроблар, масжидда меҳроб, турар жойда супа, тахминан, токчалар хонанинг асосий функциясини белгилаб турган. Турар жойларда ёзги, қишки ва меҳмон кутишга мўлжалланган хоналар назарда тутилган. Хоналар пойгоҳ ва пешгоҳ қисмларга ажратилган. Ўчоқлар хонанинг пойгоҳ қисми девори мағзида жойлаштирилган.

Супалар.

Турар жой меъморчилигида хона юзасини эгаллайдиган жиҳозлардан кам фойдаланишга ҳаракат қилинган. Хона сатҳидан унумли фойдаланишга ва унинг ҳамма қисмини оила-аъзолари фаолиятига хизмат қилишини кучайтиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам нафақат токча, тахмонлар ҳатто мўрилар девор мағзида жойлаштирилган. Кат, сандиқлар ҳам девордаги тахмон ва токчаларнинг пастки бўлинмаларига жойлаштирилган. Хона деворлари тахмон, токчаларнинг қўлланиши интерьерга саранжомлик, қулайлик билан бирга турар хонага хос муҳит яратган ва бадиийлик бағишлаган. Марказий Осиёнинг иқлим шароити хонада супа устига тушалган буйра, гилам ва кўрпачалар билан чекланиш имконини берган. Шунинг учун антик ва илк ўрта асрларда хона атрофи бўйлаб жойлаштирилган супалар ҳам хонадон талабига жавоб берган. Ўрта ва сўнгги ўрта асрларда шаҳарларда ўртача катталиқдаги тархда тўғри тўртбурчак тузилишидаги хоналарнинг кег тарқалиши ҳамда бундай хонанинг барча қисмидан унумли фойдаланиш истаги унинг атрофи бўйлаб йўналган супалардан воз кечишни ва ўрнига супаларнинг яхлит бўлишини тақазо этган. Шунинг учун ҳам супа хона сатҳини қариб бутунлайича эгаллай бошлайди. Фақат хонанинг кириш қисмида оёқ-кийимини ечиш ва ташнов ўрнатиш учун супа сатҳидан пастроқда йўлак қолдирилган.

Натижада хона юзаси пешгоҳ ва пойгоҳ қисмларга ажратилган.

Хона 3-4 томонини девор атрофи бўйлаб супа билан айлантириш одати ҳозирги кунгача Тоғли Бадахшон, Дарвоз ва Қоратегин тоғ турар жой меъморчилигида сақланиб қолган. Хонанинг марказий қисмида тўртбурчак тузилишда, “Г” ва “Т” ҳарфи шаклида қолдирилган. Нурота тоғ меъморчилигида XX аср бошларида қурилган турар жойларда ҳам хонанинг бир ёки икки (ён ва тўр) девори бўйлаб супа жойлаштирилган композиция учрайди. Мазкур супалар, асосан кўрпа-тўшак тахлаш, уй жиҳозларини қўйишга мўлжалланган.

Хона сатҳининг супа шаклида кўтарилиши унинг юзасига пойгоҳ, дам олиш, хўжалик –мўри жойлашган қисмини ажратиш имконини берган. Хона композициясида тантанаворлик бағишланган ҳамда хонада қулайлик яратган.

Устунлар

Устун хона интеръерида конструктив вазифани бажарган. У калтарок тўсинлар билан майдони кенг хона томини ёпиш имконини берган. Устун хона томини икки, тўрт ва ундан ортиқ қисмга бўлган хариларнинг кесишган жойларида ўрнатилган. Устунлар хонанинг ҳамма томонидан кўринарли бўлганлиги сабабли унга безак беришга ҳаракат қилинган. Устун учун қадимдан ёғоч ишлатилган. Ёғоч устунни намдан сақлаш учун, у тошдан ишланган пойкурсига ўрнатилган.

Устунлар 2 турга бўлинади. Улардан бири ёғочдан ва иккинчиси тош ва ғиштдан терилган устунлар. Устуннинг 2 турга бўлиниши, асосан том конструкциясидан келиб чиққан. Ўрта асрда ғиштдан терилган устунлар кенг қўлланилган. Устун танасида жуфт-жуфт ғиштлар оралиғида, шахмат тахтаси катаги йўналишида, ганчдан, юракка монанд гул нақши жойлаштирилган. Устун қирқимини кўздан кечирганимизда доира бўйлаб терилган ғиштлар оралиғида учбурчак шаклидаги бўшлиқларнинг юзага келганининг гувоҳи бўламиз. Ана шу ёриқларни ганчли нақш билан тўлдириш, бўшлиқларни беркитиш ва устун танасини безаш имконини берган. Натижада оддий тарҳда доира тузилишидаги устун, ғиштларнинг жуфт-жуфт қаланиши ва ораларидаги бантика ўхшаш нақшли юзачалар ҳисобига, ўзига хос, бой безак вакомпозицияга эга бўлган.

Қадимий ёғоч устунлар тузилишини Афросиёбдан топилган ўчоқлардаги нақшлардан билиб олсак бўлади. Уларнинг аксарияти пойкурси, кўзаги, тана ва калла каби қисмлардан ташкил топган. Шундай IX-XII асрларга оид устунлар Афросиёб, Хива, Фарғона ва Юқори Зарафшонда сақланиб қолган. Уларнинг пойкурси, кўзаги ва калла қисмлари геометрик, ўсимликсимон мураккаб нақшлар билан ўймакорлик қилинган.

XIV-XV асрларда устун танаси бўйлаб ўрама, ўйма нақшлар ишланган. Марказий Осиё меъморчилик мактабларида устунларнинг қисмлари катта-кичиклиги, кўриниши, кўзаги қисмининг нокка, мис қозонга, кўзага ўхшашлиги ва нақшларнинг мураккаблиги оддийлиги ёки яхлитлиги билан фарқ қилган.

Жумладан, Фарғона водийсида, Бухоро ва Самарқандда устуннинг калла қисми мураккаб тузилишдаги йиғма шарафалар билан безатилган. (155-расм).

Марказий Осиёнинг тоғ меъморчилигида пойкурси, кўзаги, калла қисмлари оддий геометрик шаклларга ўхшаб ишланган устунлар ҳам учрайди. Уларда калла қисми юқorigа кенгайган жом ва устига ўрнатилган куб ёкки тўғри тўртбурчак ва бир-бирига бирлаштирилган бир неча қатор ромб, пирамида шаклида ишланган. Бундай устун қисмлари катта яхлит ўйинчоқлар ва ҳар хил кенгликдаги халқонлар билан безатилган. Умуман, устун ўзининг асосий функциясидан ташқари, қисмларининг мутаносиблиги ва ўйма нақшларининг сержилилоғи билан хона интеръерига монументаллик бағишлаган.

Тахмонлар ва токчалар.

Турар жойларда жиҳозларни сақлаш учун таҳмон, токчалар ўрнатиш одати қадимдан бўлган. Марказий Осиёда токча ва таҳмон бўлинмалари жуда қадимдан қўлланилган. Токчаларда кўза, жом, коса ва бошқа чиройли мис, сапол буюмлари қўйилган. Мазкур далиллар қадим даврларда халқ турар жой меъморчилигида меҳмонхона, хона беағига катта эътибор берганликларидан далолат беради.

Хона деворида токчабандли бўлинмалар қўйиш бизгача анъана сифатида етиб келган. Токчабандли хоналарни Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши, Шаҳрисабз, Наманган, Фарғона ва ҳатто Зарафшон дарёси юқори оқим турар жой меъморчилигида кўрамиз. Шаҳарларда турар жойлар асосан синч девордан бўлган. Синч девор чуқур токчалар ўрнатиш имконини берган. Токчалар ҳар хил катталиқда бўлган. Шунингдек, дераза ва эшиклар оралиғидаги бўлинмалар токчабанд қилинган. Таҳмон ва токчаларнинг гўзал ва шинам бўлишига алоҳида эътибор берилган. Бунинг учун катта токчалар юқори қисмини равоқ шаклида ранг-баранг мураккаб шарофалар билан тугатишган.

Токчалар орасидаги юзани ҳам равоқ шаклидаги нақш билан чегаралаб, ичига қийғос очилган ранг-баранг гулларни чизишган. Равоқчалар атрофига майда нафис нақшлар ўйишган ва рангли ўсимликсимон нақшлар чизилган. Улар хона саранжомлигини ҳамда гўзаллигини таъминлаган. (168-расм).

Таҳмон токчаларининг жойланиши ҳар ерда ҳар хил бўлган. Наманганда бир томон девори юзаси бутунлайича токчабанд қилинган хонани учратиш мумкин. Жумладан, Муҳаммад Содик уйида девор юзаси беш бўлинмага бўлиниб, унда 77 та ҳар хил катталиқдаги токча мавжуд (169-расм). Фарғона водийси турар жой меъморчилиги интеръерида тахтадан ясалган каби тўғри тўртбурчак, кўп бурчак тузилишидаги токчалардан ташкил топган деворлар ҳам бўлган. (170-расм). Самарқанд, Бухорода хона тўри девори уч бўлинмага бўлинган. Улардан ўртадагиси кўрпа-тўшак қўшимча мўлжалланган таҳмонни ташкил қилади.

Икки ёнидаги бўлинмалар эса токчабанд қилинган. Тошкентда кўрпа-тўшак тахлайдиган 1 та ёки 2 та бўлиши мумкин. Битта бўлган тақдирда у ўртадаги бўлинмани эгаллайди. Икки ёнидаги бўлинмаларда 2 та ёки 4 та катта токчалар жойлаштирилган. Тошкентда хона ён деворларида битта ёки иккита бўлинма майда токчабанд қилинган, қолганлари катта-катта токчаларни ташкил қилган. Токчалар ичига сиёҳ ва пушти рангда чарос очилган гулдаста расми тасвирланган. Таҳмонлар усти равоқ шаклида тугатилган. Равоқ қисми равоқли косачалардан ташкил топган мураккаб шарофалар билан безатилган.

Шуни айтиш керакки, таҳмон, токчабанд деворлар ҳар бир шаҳарда оммавий ишлашга мўлжалланган. Уларда катта токчалар пастда, кичиклари юқорида ўрнатилган.

Токчаларнинг жимжимадор равоқ тахтачалари қолипда ишланган. Уста, девор бўлинмалари, баландлиги, кенглигига қараб композиция яратган. Токчабанд деворнинг асосий вазифаси хона сатҳини яхлитлигича сақлаб қолишга, яъни хона саранжомлигини таъминлашга қаратилган. Шу билан

бирга токчабанд девор хона муҳитига ўзига хос бадиийлик, гўзаллик киритган. Катта ва кичик токчаларнинг “Сарбухори” нақшига монанд шаклда қирқилган жимжимадор қирралари уларга нафислик, ўсимликлар дунёсига хос композиция бағишлайди.

Токчалар ички деворининг қизил, кўк яшил рангларга бўялиши ҳам токчабанд девор композициясини бойитиш ва қўйилган буюмларнинг токчада яхши кўриниши таъминланган. (173-расм). Шунингдек майда токчаларнинг ички деворларига ишланган ёруғ ранглар уларнинг чуқурлигини аниқ белгилайди. Хусусан, хона табадонларидан таралаётган ёруғлик нуридан токчаларнинг ички деворига тушган соялар, уларнинг жозибадорлигини, ранг-баранглигини кучайтиради. Хонадагиларга яхши кайфият ва завқ бағишлайди.

Том ва шифт безаклари

Шифт, иморатнинг асосий конструктив қисимларидан булиб, хонадонда бошпанали мухит яратади. Шунинг учун хом шифтга сержило, серзавқ безак берилган. Шифт хона мухитининг композиция ва конструктив жихатидан тугатилишига асосий омил булиб хизмат қилади. Марказий Осиё меъморчилигида кадимдан тусинли шифт қўлланилган. Тўсинли шифт калтароқ ёғоч-тўсинлар билан устунлар ёрдамида катта хона юзасини қисмларга бўлиб ёпиш имконини беради.

Марказий Осиёда V-VI асрлардан бошлаб хона томини гумбаз билан ёпиш услуби юзага келади. Гумбаз IX асрдан бошлаб, асосан диний ва ижтимоий (хаммом) имораеларда кенг қўлланилади. IX-X асрларда тўртбурчак хажми билан гумбаз оралиғида саккизбурчакли халка юзага келади. XIV асрда гумбаз ости 1289 16 бурчакли халқани ташкил қилади (185-расм). Шунингдек, хоналар икки-ички ва ташқи гумбазлар билан ёпила бошланади. XV асрда енсиз узунчоқ тузилишадаги хоналарни ёпишда кўк гумбазли конструкциялар қўлланилади (186-расм). Унда гумбазлар параллел равоқлар ва уларга нисбатан перпендикуляр равишда йўналтирилган ярим равоқларга ўрнатилган. XVI асрга келиб гумбазнинг ўзаро кесишган равоқлар устига ўрнатиш услуби назарга келади. Мазкур конструкциядаги гумбаз катта майдонли хоналарни ёпишда ишлатилган. Гумбаз конструкциялари хонага гўзаллик бағишлаган. Жумладан, гумбаз остидаги кўпбурчак гардиш равоқлари, бир неча қатор қалқонсимон юзалар кўринишини олган. Юзалар ёруғликнинг тушишига қараб, ўзига хос гўзал кўриниш ато этган. (187-расм). Интерьерда гумбазлар юзаси ранг-баранг геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистон халқ меъморчилигида шифт юзасида тўсинлар йўналиши билан кўпроқ марказга яқинлашган сайин бир-биридан кўтарилиб борган турли композициялар ишланган. Шифт тўсинлари оралиғида вассалар билан тўғри тўртбурчак юзачалар ўрин алмаштирилган ҳолда келиши ҳам мумкин. Бундай шифтлар Самарканд ва Қашқадарёда кўп учрайди. Фарғона водийси шаҳарлада, Тошкентда тўсинлар текис тахтачалар билан қопланган ва ингичка ёғочлар билан шифт марказидаги бўлинмада кўп бурчакли турунж, даврагул нақшлари ҳам ишланган.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда хона деворларининг юқори қисми, шифт ости бўйлаб фриз безак қатори билан бейзатилган (188, 189-расм).

Бу тадбир XIX асрда қурилган турар жой интерьерида ҳам назарда тутилган.(190- расм).

Шахарларда ва фарғона водийси тоғ қишлоқларида ва қисман Юқори Зарафшон меъморчилигида шифтнинг тўсин ва вассалари, умуман, ҳамма қисми сержило рангли бўйокларда бўялган. Самарқандда қабза шифтларининг вассаларига сарик, жигарранг, кўк рангларда гул ва иккита мадохил нақши ишланган(191-расм). Тошкентда яшил ва кўк рангли вассалар заминида оч кўк, оч яшил рангларда мадохил нақши ишланган. Қашқадарёда вассалар қизил рангда ёки жуфт-жуфт холда қизил, кўк, сарик рангларда бўлган. Васса ўрнида қўлланилган кичик-кичик квадрат тахтачилар юзасига ҳар хил барглар нақши ишланган. Умуман урта Осиёда қадидан хонада баҳорни эслатувчи мухитни сақлашга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам шифтга, деворларга ҳар хил гул ва ўсимликсимон нақшларишланган. Шифт беағи сержило рангли композициялари билан кишига эстетик завқ беради. Ёзда хонанинг салқин, кишида эса иссиқ туюлишига кишини ишонтиришэмоциясини беради. Тўсинлар ёрдамида юзага қилган геометрик: учбурчак, тўртбурчак, олтибурчак, кўп қиррали юлдузсимон тузилишдаги юзалар ранг баранг ўсимликсимон юзалар билан боғланиб, яхлит композицияни ташкил қилади. Шифт ости ва деворларининг юқори қисми бўйлаб ўтказилган шарафалар қатори, хонанинг шу икки қисмини нафақат конструкция, композиция жихатидан ҳам боғлайди. Шунингдек, шифтнинг хона мухитида баланд ва баҳаво бўлишига ёрдам беради. Шифт ўзининг рангбаранг безаклари билан хона мухитининг маромига етганлигини, яъни тугатилган композицияга эришилганлигини таъминлайди. Хона деворларида рангбаранг нақшлар бўлмаган тақдирда ҳам бундай шифтлар интерьер мухитини бадиийлаштира олади ва композиция жихатидан тугатилганлигини таъминлайди.

Интерьерда декоратив безак ўрни

Марказий осийда ислом дини ўрнатилгунга қадар ҳам хона декоратив беағига алоҳида эътибор берилган. Декоратив безак кўпроқ монументал тасвирий сахналар остида деворнинг изора қисмида ишланган. Илк ўрта асрларда ёғоч ва ганч ўймакорлиги декоратив безакда кенг қўлланилган. Панжикент, Варахша саройларида ёғоч, ганч юзага қаҳрамонликларни ифодоловчи сахналар ромб, доира, тўртбурчаклар ичига олинган. Улар нафақат бир сахна эпизодини чегараловчи хошия вазифасини бажарган, шунингдек, бир хил мавзудаги ўсимликсимон нақшли юзани бойитиш учун, ўша нақш юзасида ора-орада ёки унинг марказида жойлаштирилган холда ҳам келган(228-расм).

Ўрта асрларда гулганчдан мураккаб нақшлар ишланган. Бунга Термиздаги шоҳлар саройи девор ва устунларининг сақланиб қолган қисмлари гувоҳлик беради. Унда геометрик ва ўсимликсимон композициялар жойлашган ўрнига қараб, бир неча қатор нақш ва безаксиз кенг чизик каби хошиялар билан турли тузилишдаги рамкаларга олинган.

Бу тадбир девор юзасидаги нақшли паннонинг композиция жихатидан тугатилишини таъминлаган ва турли мавзудаги нақшин юзаларни яратиш

имкониятини беради. XII-XIII-асрларда , хусусан маъмурий, диний обидалар интерьерида гиштин безак кенг қўлланилган.Гиштларнинг турли композицияда, жуфт-жуфт, оралиғида тик ҳолда,арчасимон,яъни бир қатор ўнг томонга,иккинчи қатор чапга қия йўналишдақаланиши,обида интерьерида майин безакка эга бадий композицияни ташкил қилади.

Марказий Осиё меъморчилиги декоратив безагида XIV-асрдан бошлаб ганч,ёғоч ўймакорлиги,рангли безак билан бир қаторда мозаика,майолика кенг қўлланилади.Мозаика ,майолика,мармар юзалар мадраса,сарой,хонақоҳ,масжид,мақбара интерьери безагида кўпроқ ишлатилади.Мармар тошли юзалар деворнинг изора қисмини пардозлашда ва интерьерда декоратив устунчалар,ҳамда шарафалар ишлашда қўлланилган.Бухородаги XVI-асрга оид Баланд масжиди бадий безагини ўрганган олима И.Ф.Бородина ,масжид интерьери деворида ишланган нақшларнинг жойланишини,анъанага айланган схемага биноан безатилган,яъни деворнинг пастки қисми изора,ундан юқорида токча ёки декоратив бўлинма ва девор билан шифтни боғловчи кенг ёғоч эгаллаган,деб таъкидлайди.(Бородина И.Ф.1972,174-б).Нақшлар хона деворига куйидаги тартибда жойлаштирилган.1 хона интерьерида яхлит юзани эгаллаган.2 тўртбурчак ёки равоқ ичига олинган юзага ишланган.3 кириш равоқлари,равоқ қанослари ва меҳроблар ичига олинган ҳолда,4 изора сифатида ишланган ҳолда учрайди.(Воронина.В.Л.1980.189б)(230расм).Хона девори баланд бўлган тақдирда токчага монанд баланд бўлинма юзага келган.Бундай бўлинма учга тақсимланган,яъни унинг пастки қисми тўртбурчак тузилишидаги токчага ажратилган,бўлинманинг юқори қисми эса баланд шарафа қаторлари билан тугатилган.Пастки токча девори юзасига ён томонларга кенгайтирилган бутоқ ёки гулдаста тасвири ишланган.Баланд бўлинма девори рангли чизик билан иккига тақсимланган.Пастки баланд қисмида узун гулдаста тасвири,юқори қисмидаги юза рангли чизиклар ёрдамида 7-8 юзачаларга тақсимланиб,ҳар бирига биттадан гулдаста гул туваги билан ёки бутоқ тасвири ишланган.Бундай тартибдаги нақш тақсимотини В.Л.Манакова ўрганган XIX асрга оид Бухоро турар жойининг ёзги хона деворида кўрамиз.(Манакова В.Л.1990.64- расм.)Турли ҳажмдаги токчаларга тақсимланган девор композициясини бадийлаштириш учун деворнинг 23 жойида симметрик тузилишда текис бўлинма ёки катта токча қолдирилган ва уларга гулдасталар тасвири ишланган.Бу тадбир билан девор юзасидаги майда токчалар нақшли катта юзалар ёрдамида композиция жиҳатидан умумлаштирилган.

Халқ турар жой меъморчилигида нафақат девор юзасидаги нақшларни,балки хона умумий кўриниши нақшу нигорини композиция ва бадий жиҳатидан умумийлаштиришга катта эътибор берилган.Токчабанд ва нақшу нигорланган тўрдаги девор ўзининг бой бадий безаги билан хонанинг икки ён томонидаги деворларини бир композицияга боғлашга эришилган.Умуман,девор юзаси нақшларининг хошия билан турли ҳажмда томонлари тенг тўртбурчак,тўғри тўртбурчак,ромб,учбурчак,доира каби қисмларга бўлиниши ва улардаги нақшларнинг бир юридан фарқ қилиниши,эгилган гулларга қараб ариқча ёки йўлак билан чаманларга

ажратилган гулзорни эслатади.(231 расм) .Хонанинг ҳар бир деворида нақшлар яхлит яхлит бир биридан фаркли,лекин умумий композицияга бўйсунган юзани ташкил қилади.(232 расм)

Хона интерьери композициясида ранг баранг нақшу нигорли деворлар,нафис безакли шифт ва полга тўшалган сербезак гиламлар биргаликда хона интерьери композициясини бадиий жиҳатдан мутаносиблигини ва ҳамоҳанглигини таъминлаган.

Халқ амалий бадиий санъати ва меъморчилигида гул ҳамда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мевалар ҳам ўз аксини топган.Анор билан лола тасвири қадимий Панжикент деворий суратларида ,аноргул ва анор нақши XIX-XX аср уй жой меъморчилигида кўп ишланган.Анор ичидаги доначалари (меваси) ҳосилдорлик,анор билан лола табиатнинг уйғониши,баҳор рамзини билдирган.(Воронина В.Л. 1985,257 б.)Марказий Осиё халқ амалий санъати буюмларида ,деворий нақшларда доира,гирих,учбурчак,ромб каби нақшлар кенг қўлланилган.Уларда ҳам рамзий маънолар бўлган.Жумладан,доира,гирих,учбурчак сингари шакллар кўпинча хонадонни,кишини ҳар хил инс жинслардан асровчи рамзий белги вазифасини ўтаган.

Марказий Осиёда ислом дини ўрнатилгандан сўнг ҳам тирик мавжудотлар тасвирлари обидаларда ишланганлиги гувоҳи бўламиз.Жумладан,Самарқандда Шердор мадрассаси(1636й.),Бухорода Нодир Девонбеги мадрассаси(1622й.),Термизда шоҳлар саройи(XIаср),Самарқанднинг Хўжа Аҳрор мажмуасидаги мадрасада шер тасвири бўлганлиги сабабли уни Шердори Берун(XVIаср) деб аташган.Олимларимиз мазкур даврларга оид тасвирларда ҳам жанрли сахналарга бағишланган мавзулар бўлганлигини таъкидлайдилар.Жумладан,Г.А.Пугаченкова,Л.И.Ремпель Самарқандда Амир Темур,Ҳиротда Шоҳруҳ,Исфahонда Абу Саид саройларида шоҳ сарой амалдорлари портретлари,сарой ҳаёти,кўнгилхушлик(ов),ҳарбий юришлар каби сахналар услуб жиҳатидан Марказий Осиёнинг XV- XVIасрга оид миниатюралари мактабларига хос услубларда ишланган деб таъкидлайдилар.(ПугаченковаГ.А.,РемпельЛ.И.1982,144 бет)Тасвирларнинг аксарияти бир,икки ёки уч персонажлардан ташкил топган.Меъморий обидалар пештоқларида,халқ амалий санъати буюмларида,хона деворларида,бадиий матоларда шер ва қуёш,бир мавжудотнинг иккинчисига ҳамла қилиш сахнаси,дарахт,тоғ эчкиси,қўчқор,паррандалар,йиртқич ҳайвонлар сурати ишланган.Ранглар ҳам ўзига хос рамзий маънони бажарган.Жумладан,кўк ранг мовий осмонни билдирганлигидан,мовий рангдаги гумбазлар осмонга ўхшатиш.Қизил ранг ҳам обидалар деворларида кенг қўлланилган.Ўрта Осиёда қизил ранг ғалаба рамзи ҳисобланган.Оқ ранг ёруғлик ва яхшилик,эзгулик рамзи бўлган.

Интерьернинг салобати, бадиий безак даражаси қандай турдаги иморатда бўлишидан қатъий назар қурдираётган ёки мутасадди шахснинг маънавий дунёқараши,жамиятдаги мавқеи ва иқтисодий шароитига боғлиқ бўлган.Шу жиҳатдан турли турдаги иморатлар интерьерларини асосан уч: оддий,ўрта ва мураккаб турларга бўлиш мумкин.

Марказий Осиё турар жойлари интеръери билан танишар эканмиз,уларда асрлар давомида ҳаёт кечириш учун зарур шароит яратишга ҳаракат қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.Юқорида таъкидлаб ўтилган далиллар хоналар тузилишида қулайлик,безагида бадийлик,хона композициясида баҳаволик,тантанаворлик,мутаносиблик бағишлаган ижобий анъаналарнинг асрлар давомида силлиқланиб,узоқ ўтмишдан бизнинг давримизга қадар етиб келганлигидан далолат беради.